R 496

Гулистон

6
1981

4

1



2

3

ОРЗУДАН ЎЗГАН ВОҚЕЛИК

ГБ ... СР
Н

Ўзбекистон ССРда... қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 17—19 процент оширилсин. Пахта йилига ўрта ҳисобда камида 5,9 миллион тонна, шу жумладан, ингичка толали пахта 400—420 минг тонна... миқдорида етиштирилиши таъминлансин.

«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»дан

ПАХТА! Серқуёш диёримиздаги ҳар бир меҳнаткашнинг, кексаю ёшнинг умри мазмунини белгилайдиган пахта. Она халқимиз йил — ўн икки ой пахта ташвиши, қувончи билан яшайди. Ўзбекистонда яратилган энг гўзал қўшиқ пахта ҳақидаги қўшиқдир. Чунки пахта — ҳаёт, тинчлик дегани. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов: «Ҳозир, илмий-техник революция даврида енгил ва озиқ-овқат саноатларигина эмас, балки оғир саноат — автомобиль, авиация, электротехника ва кимё саноати ҳам пахтачиликсиз тараққий эта олмайди. Мамлакат экономикасида тутган ўз мавқеига кўра, пахта энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. У металл, нефть, нон билан бир қаторда туради!», деб таъкидлайди.

Бу сўзлар пахтакор меҳнатининг теран замонавий моҳиятини, Ўзбекистон ССРнинг Давлат гербида офтоб нурлари аро, беш киррали юлдузнинг ёғдусида буғдойпоя билан бирга ўроқболғани ўраб турган пахтанинг ижтимоий аҳамиятини яққол намоён этади.

Бинобарин, пахта мамлакатимиз кун тартибидан энг ҳаётий, энг муҳим масала сифатида кўпроқ ўрин эгаллаб бораверади. КПСС XXVI съезди тасдиқлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да Ўзбекистон ССРда йилига ўрта ҳисобда 5,9 миллион тонна, шу жумладан 400—420 минг тонна ингичка толали пахта етиштириши таъминлансин», деб уқтирилгани ҳам шуни кўрсатиб турибди.

Республикамизда пахтачиликнинг жадал ва муваффақиятли тараққиёти таъмин этилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бутун мамлакатимиз учун Ўзбекистон пахтакорлари рекорд ҳосил чўққисини тобора юксалтириб боришлари табиий бўлиб қолди, деб юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, республикамиз ўнинчи беш йилликда пахта ҳосилдорлигини 5 центнерга оширди, яъни ўн-ўн беш йилда эришиш мумкин бўлган маррани эгаллади. Бу — мўъжиза, табиий мўъжиза! Совет Ўзбекистонининг учинчи марта Ленин ордени билан тақдирланишига сабаб бўлган қаҳрамонлик. Унинг мазмунини замондошларимизнинг энг юксак маънавий-сиёсий фазилатлари, қалб ва ақлнинг, меҳнат ва ташаббуснинг уйғунлиги ташкил этади.

Бугунги пахтакор илмий-техник революция натижаларини деҳқончиликка муваффақиятли равишда жорий этмоқда, қишлоқ хўжалигини саноат негизига кўчириш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Ана шундай муҳим ижтимоий вазифани амалга оширар экан, у шахс сифатида маънан бойимоқда, табиатида янги фазилатлар пайдо бўлмоқда. Улар янги тарихий бирлик — совет халқининг тобора камол топаётганини намоён этувчи фазилатлардир. Биз икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, ЎзССР Олий Совети депутати, КПСС XXV ва XXVI съездлари делегати, Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи Турсуной Охунова билан суҳбатлашганимизда, унинг бутун республикамиз камолотини кўзгудек равшан акс эттира оладиган инсоний тақдири ва умр йўли ҳақида ўйлаганимизда, ана шу катта ҳаётий ҳақиқатнинг тўғрилигини яна бир марта ҳис қилдик.

Пахта! Республикамиздагина эмас, бутун мамлакатимизда машҳур Пахта. Ўрта Осиё республикалари бўйлаб кенг қулоч ёйган, Иттифоқимиз миқёсида қизғин қўллаб-қувватланган ватанпарварлик ташаббусининг — турсунойчилик ҳаракатининг бешиги бўлган қишлоқ. Эндиликда у Ўзбекистон пахтачилиги камолотининг тимсолларидан бири деб ҳисобланмоқда.

Турсунойчилик ҳаракати совет воқелигининг ҳаётбахш руҳи, юксак сиёсий-маънавий, иқтисодий даражаси, ижтимоий эҳтиёжлари самараси сифатида туғилди, ўзида ривожланган социализм жамиятининг энг яхши фазилатларини, совет халқига хос энг гўзал хислатларни мужассамлаштирди. Бу ватанпарварлик ташаббусини аёл механизаторлар сафини кенгайтириш ҳаракати дебгина баҳолаш керак эмас. Турсунойчилик ҳаракатининг ижтимоий мазмуни бундан кўра кенг. У қишлоқ хўжалигимиз тарихидаги янги сифат босқичининг ҳаётий зуҳури ўлароқ қишлоқда янги сиймо — механизатор пайдо бўлганини ва у деҳқончиликни саноат асосига кўчириш жараёнида ҳаётдаги ўз ўрнини янада мустаҳкамлаб бораётганлигини яққол кўрсатди. Турсуной Охунова ана шу муҳим, ижтимоий жиҳатдан етилган масалани тўла-тўкис ҳал қилишга вақт етганини биринчилардан бўлиб англади, янги ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқди. Бу ҳамманинг дилидаги гап эди. Шунинг учун турсунойчилик ҳаракати серқуёш ўлкамиз бўйлаб, бутун Ўрта Осиё республикалари бўйлаб мавж урди, қудратли ижтимоий кучга айланди.

Ташаббусни бошлаб бериш шарафли, масъулиятли иш, албатта. Лекин мамлакат бўйлаб якдиллик билан қўллаб-қувватланаётган, тинмай ўсаётган, янги хусусиятлар касб этаётган қудратли ижтимоий ҳаракатнинг доимий дарғаси бўла олиш ниҳоятда қийин. Турсуной Охунова эса чорак асрдан бери ўз номи билан боғлиқ ватанпарварлик ҳаракатини муносиб даражада бошқариб келмоқда.

1976 йили Турсуной Охунова ҳамда мамлакатимизнинг бир гуруҳ машҳур механизаторлари биргаликда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга мактуб йўлладилар. Унда қишлоқ хўжалиги тараққиётининг муҳим масалалари, шу жумладан, деҳқончилик ишини механизмлаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Леонид Ильич Брежнев хат авторлари — А. Гиталов, М. Клепиков, Т. Охунова, Н. Бочкарев, В. Воронин, Н. Переверзева, Б. Пономаренко, Қ. Дўнанбоева, Н. Пронюшкин, А. Иванец, В. Савинов, Р. Ванькович ўртоқларга жавоб мактубида қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш деҳқонларимизнинг шарафли бурчи эканини уқтирди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг мактуби совет кишилари қалбида янги тўлқин яратди, бутун мамлакатимиз механизаторлари учун дастуриламал бўлиб қолди, бинобарин, турсунойчилик ҳаракати ҳам янада кенг қулоч ёйишига омил бўлди. Турсуной ва турсунойчилар учун 1977 йил айниқса қувончли келди. Республикамизнинг ҳамма меҳнаткашлари Леонид Ильич Брежневнинг Турсуной Охуновага йўллаган мактубини янги меҳнат зафарлари сари ундовчи партия даъватномаси деб қабул этдилар. «Машиналардан ғоят унумли фойдаланиш — пахта териш муддатларини қисқартиришнинг ҳал қилувчи шарти,— деб ёзган эди Леонид Ильич.— Машина пахта далаларида актив қўлланилаётганлиги ва пахтакорнинг оғир меҳнати тобора енгиллашиб бораётганлиги қувончли бир ҳолдир».

Ўз номи билан боғлиқ ватанпарварлик ташаббусининг бу қадар қўллаб-қувватланишини кўрган Турсуной Охунова янада руҳланиб кетди. Республикамизда олтмиш центнерчилик ҳаракатини бошлаб берганлардан бири бўлди. Унинг ташаббуси билан Чиноз районидаги Киров номли колхозда аёл механизаторлар мактаби ташкил этилди.

Лекин бу ишлар осонгина амалга ошгани йўқ. Улар ғайрат-ташаббуснинг, пировардида қолоқ консерватив фикрларни енгиб чиққан янгилик курашининг самараларидир. Улар бунёдкор меҳнатнинг, янги замон камол топдирган меҳнаткаш ижодкорнинг типик намояндаси — Турсуной Охунова инсоний моҳиятининг мужассамларидирлар.

Пахта станцияси билан Турсуной Охунова бошлиқ 5-бригада шийпони икки кўздек ёнмаён. Улар орасидан ўтган темир йўл бўйлаб кечаю кундуз поездлар ўтиб туради.

— Бу бригадага ўтганимга ўн бир йил бўлди,— дейди Турсуной Охунова.— Чумоли тинимни билади-ю, бу поездлар тинимни билмайди. Уларни кузата туриб, вақтнинг югуриклигини яна бир марта ҳис қиламан. Биз вақтни беҳуда совурмаслигимиз, уни инсоний ҳаётимизнинг мустаҳкам қалъасига айлантиришимиз керак. Вақт инсоннинг юксак мурод-мақсадларини моддийлаштириши керак. Ана шунда инсон умри ҳам, унинг эзгу ниятлари ҳам абадиятга дахлдор бўлади. Масалан, ўн бир йил аввал — мен бошлиқ бўлиб ўтганимда бригада қолоқлардан ҳисобланарди, 18 центнер ҳосил оларди. Ҳозир 60 центнердан пахта етиштираётибмиз. Шу йиллар мобайнида ҳосилдорлик 42 центнерга ўсди. Ёки бошқа мисол: ҳозиргача колхозимиздаги механизаторлар мактабини қиз-жувонлардан 400 дан кўпроқ киши битириб чиқди. Яъни вақтни бой бермадик, истеъдодимизга истеъдод қилиб қўшиб олдик. Битта эдик, 400 та бўлдик.

Дарҳақиқат, пахтачиликда механизатор ўз мавқеини тобора мустаҳкамламоқда. Партия, ҳукуматимиз трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлигини янада ривожлантиришга аҳамият бермоқда. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов партиямиз XXVI съездида сўзлаган нутқида СССР Министрлар Советидан пахтачиликни механизациялаштиришни янада ривожлантириш, шу тармоқни тобора замонавий серунум машиналар билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқишини илтимос қилди, мамлакатимизнинг пахтачиликка мўлжалланган техникаси дунёда энг яхши бўлиши учун бизда ҳамма имкониятлар мавжудлигини айтди. Ишончимиз комилки, бу муҳим масала албатта ижобий ҳал этилади.

Биз, делегатлар, КПСС XXVI съездидан истиқболга янада зўр ишонч билан қайтиб келдик: партиямизнинг олий анжумани тасдиқлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» СССРдаги коммунистик қурилиш тажрибасини умумлаштиради, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибасини эътиборга олади, Коммуни-

---

РАССОМ Т. ЦИГАНОВНИНГ «ТУЯМУЙИН ГЭСи» ТУРКУМИДАГИ ЛИНОГРАВЮРАЛАРИДАН. 1. Сув омбори ҳавзасида. 2. Тунги смена. 3. Меҳнат нашидаси.

©«Гулистон» 1981

Турсуной Охунова қизлари — Муҳаббат ва Ҳилола билан.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси

Беш йиллик режалари амалда

ҚУДРАТЛИ ОҚИМ

нистик партиянинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига доир стратегияси ва тактикасини 80-йилларнинг конкрет шароитларига татбиқан тўлиқ ифодалайди, планларимизнинг тинч, бунёдкорлик характерини намоён қилади. КПСС XXVI съезди барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларини назарда тутди, энг кескин ва етук халқаро проблемаларни ҳал этиш тўғрисида доно таклифларни илгари сурди.

Мен Кремлнинг Съездлар саройида ўтириб, бу ҳаётбахш таклифларнинг мағзини чақар эканман, ёшлик ҳақида, куртакдек истиқболли, айни пайтда ҳимояга муҳтож болалик ҳақида ўйлаб кўрдим.

Бизнинг фарзандларимиз дўстлик қўли билан қурилган боқчаларда тарбияланмоқдалар, дўстлик қўли билан бунёд этилган мактабларда таълим олмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига Ҳисобот докладида атрофимиздаги ҳамма нарсалар гўзал, яхши дид билан ишланган бўлиши қанчалик аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, «Навоий ва бошқа шаҳарлардаги янги қурилишлар — булар бизнинг фахримиздир», деди. 1966 йил зилзиласидан кейин Тошкентни тиклаш воқеасини иттифоқдош республикаларнинг қардошларча дўстлигининг намунаси сифатида тилга олди. Яъни биз ўз фарзандларимизни юксак намуналар мисолида тарбияламоқдамиз. Ҳилола съездни табриклаганда, нима ҳақда ўйладингиз, дейсизми? Худди ана шулар тўғрисида ўйладим. Аввало давримиздан, меҳнаткаш инсон қадрини нондек азиз билган замонамиздан фахрландим. Ҳилоланинг сўзлари менга деярли ёд бўлиб қолди. «Менинг исмим — Ҳилола. Мен фақат аъло баҳолар билан ўқиётирман,— деди қизим.— Мен ҳам онам Турсуной Охунова раҳбарлик қилаётган пахтакор қизлар мактабига кириб ўқишни истайман». Ҳилола шундай деганда, ҳамма делегатлар, меҳмонлар қарсак чалиб юбордилар. Менинг мижжамга ёш қалқди. «Бунинг учун ҳозирлик кўрмоқдаман,— деди яна Ҳилола.— Ўтган йили бутун дружинамиз учун пионер формаси тикишга етадиган миқдорда пахта тердим». Қизим шундай дедию қарсаклар янгради, залда жонланиш сезилди. «Азиз делегатлар,— деди Ҳилола,— менинг шеъримни эшитинглар:

Бу кун яхши ўқисам,
Беш баҳолар оламан.
Эрта Турсуной онам
Мактабига бораман».

Залда жонланиш пайдо бўлиб, ҳамма делегатлар қарсак чалганларида, бу оламда мендан бахтиёр она йўқдек эди...

Айниқса Ҳилола съездни табриклаганидан кейин Вақт ҳақида, умрнинг тезоблиги тўғрисида кўп ўйлайдиган бўлдим,— деб сўзида давом этди Турсуной опа Охунова.— Вақт менинг тенгдошларимдан кўпларининг номини ёш авлод учун ибрат намунасига айлантириб улгурди. Юрий Алексеевич Гагарин парвозининг 20 йиллигини нишонладик. Юрий Алексеевич менинг тенгдошим, дўстим эди. ВЛКСМ XIV съездида кўп суҳбатлашганмиз. Съезднинг очилиш маросимида байроқ тутган Юрий Гагарин ҳамроҳларидан бири бўлганим билан фахрланаман. Энди эса, Юрий Алексеевичнинг ҳайкаллари, бюстлари совет кишилари қаҳрамонлиги рамзи сифатида қад кўтарди. Унинг яқинда Гагарин шаҳрида ўрнатилган ҳайкалини бориб кўрдим — барҳаёт дўстимни зиёрат қилдим. Искандар қишлоғида ҳамюртимиз — СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Жонибеков бюсти ўрнатилади. «Пахта қишлоғида бюстингиз ўрнатилгани билан табриклайман», дейсизми?.. Раҳмат. Коммунистик партиямизга, халқимизга раҳмат. Нима десам экан... Бюстим ўрнатилганда фахрландиму ўйланиб ҳам қолдим. Шунинг учун ўйланиб қолдимки, бюст менинг шахсимни, хизматларимни, ҳали айтганимдек, ибрат намунасига айлантириб қўйди. Демак, халқнинг мислсиз ишончини — шу катта обрўни кундан-кунга ошириб боришим керак бўлади. Қизим Ҳилола КПСС XXVI съездига республикамизнинг ҳамма ёшлари, болалари номидан: «Турсуной Охунова мактабига борамиз», деб ваъда берди. Ёш ленинчилар кўрсатган шу ҳурмат-эҳтиром ҳам биз хотин-қизларнинг ватанпарварлик ҳаракатимиз ўн биринчи беш йилликда ўз камолотининг янги юксак босқичига кўтарилиши кераклигини кўрсатади.

Ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон ССР 30 миллион тонна «оқ олтин» етиштиради. Бу эса, Леонид Ильич Брежнев таъбири билан айтганда, пахтачилик бобида ҳам «Воқелик орзудан ўзиб кетди», дейишга асос беради. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли, тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» деб чиқарган қарори, КПСС XXVI съездининг бир гуруҳ ўзбекистонлик делегатлари — орзудан ўзган воқелик намояндалари бошлаган «Партия режалари — ҳаётга!» ватанпарварлик ташаббуси ўн биринчи беш йиллик ғалабалари жуда ҳам салмоқли бўлишини кўрсатиб турибди.

Машҳур пахтакор барчанинг дилидаги гапларни айтди. Ишончимиз комил: Ўзбекистон ўн биринчи беш йилликнинг ҳар йили рекорд ҳосил чўққисини тобора баланд кўтаради. Турсунойчилик ҳаракати янги тўлқинлар яратади. Унинг ташаббускори — Турсуной Охунова парвози янада баланд бўлади. КПСС XXVI съездида: «Онамнинг изидан бораман», деб ваъда берган Ҳилола, минглаб ҳилолалар келажакда турсунойчилик ҳаракатининг янги ойлари бўлиб болқадилар.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ

КПСС XXVI съезди тасдиқлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да бутун мамлакатимизнинг, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг келгуси ўн йилликдаги тараққиёти истиқболи тўла ва ёрқин белгилаб берилди. Ўн биринчи беш йилликда республикамиз меҳнаткашлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 28—29 процентга, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажмини 17—19 процентга кўпайтирадилар, узумчилик, полизчилик ва мевачиликни жадал ривожлантирадилар, Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштиришни давом эттирадилар.

Булар — мислсиз даражада улуғ, лекин, айни пайтда, амалга оширса бўладиган вазифалардир. Буюк мақсад барча совет халқлари каби серқуёш ўлкамиз меҳнат аҳлини коммунистик қурилишнинг олдинги марраларида бўлишга, янгидан-янги қаҳрамонликлар кўрсатишга даъват этмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли, тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» деб чиқарган қарорида таъкидланганидек, Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг беш йиллик биринчи йили шахсий ва бригада топшириқларини 7 ноябргача тўлиқ бажариш, Ярославль область меҳнаткашларининг ўн биринчи беш йилликда ишлаб турган кишилар сонини кўпайтирмай саноат ишлаб чиқаришини ўстиришга эришиш, Ростов области меҳнаткашларининг лойиҳаларда белгиланган қувватларни муддатидан илгари ўзлаштириш борасидаги ташаббуси, Краснодар ўлкаси ва Днепропетровск области колхоз ва совхозларининг қишлоқ хўжалик маҳсулоти сифатини яхшилаш борасидаги ташаббуслари, Урал ва Кузбасс саноат корхоналари коллективларининг металлни ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш соҳасидаги иш тажрибаси бепоён мамлакатимиз бўйлаб, республикамиз бўйлаб қўллаб-қувватланмоқда ва қизғин якдиллик билан амалга оширилмоқда. Бутун мамлакатимизда, серқуёш ўлкамизда ҳукм сураётган маънавий-сиёсий руҳ доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг 111 йиллигига бағишланган қизил шанбаликнинг зўр уюшқоқлик билан, муваффақиятли тарзда ўтказилишини таъминлади. Коммунистик шанбалик куни республикамизда 8 миллион 900 мингдан ортиқ киши меҳнат байрамига чиқди, 42 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, 2 миллион тоннадан кўпроқ юк ортиб туширилди, 11 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Дарҳақиқат, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезди минбаридан айтганидек, эркин, онгли меҳнат, ўзи учун ва ўз жамияти учун қилинадиган меҳнат ҳамма нарсага қодирдир!

КПСС XXVI съездининг тарихий қарорлари кундан-кунга тўлароқ тарзда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳаётимиздаги ҳар бир воқеа буни исботлаб турибди. Чунончи, ҳозирги даврнинг энг зарур талаби — илм-фан билан ишлаб чиқариш интеграцияси масаласини олайлик. ЎзССР Фанлар академиясининг 1980 йилги ва ўнинчи беш йилликдаги фаолияти асосий натижалари муҳокамасига бағишланган йиллик умумий йиғилиши ижодий фикр ва ижодий меҳнат ҳамкорлиги мустаҳкамланаётганлигини кўрсатди. Унда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида академия муассасаларининг 1981 йилги ва ўн биринчи беш йилликдаги вазифалари белгиланди.

Республикамиз меҳнаткашлари халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ажойиб ғалабаларни қўлга киритмоқдалар, янги ватанпарварлик ташаббусларини бошламоқдалар. Шонли ишчиларимиз 1981 йил I квартали планини 30 мартдаёқ муддатидан анча илгари бажардилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, ЎзССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли, тўла ва ошириб бажариш учун республика социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида» деб чиқарган қарори ишчиларни, деҳқонларни, зиёлиларни янгидан-янги меҳнат муваффақиятлари сари руҳлантирди. Қашқадарё чорвадорларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган 1981 йилги социалистик мажбуриятларини республикамизнинг барча меҳнаткашлари қўллаб-қувватладилар. Ҳазорасп районидаги Фрунзе номли колхознинг бригада бошлиғи, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Салой Худойқулов 70 центнерчилик ҳаракатининг байроқдорларидан бири сифатида майдонга чиқди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра уч йилдан буён КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлаётган Нишон районидаги «Нишон» давлат наслчилик заводи чорвадорлари эса ўт сероб бўлган бу йилги шароитда икки ярим йиллик миқдорда хашак тайёрлашга аҳд қилдилар.

Халқ меҳнати — қудратли оқим. У орзуни чинга айлантирмоқда. Мамлакатимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда. КПСС XXVI съезди қарорларидан куч олаётган бу қудратли оқим мўъжизалар бунёд этишда давом қилмоқда.

Тошкент Нон маҳсулотлари ва шираворлик комбинатининг машинисти, КПСС XXVI съезди делегати Ноиба Иброҳимова ҳамкасабалари билан.

А. ЖДАНОВ фотоси

Фарғона Тўқимачилик комбинатининг илғор ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати Шакархон Мирзабобоева Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

В. МОЛГАЧЁВ фотоси

Ўзбекистон Қурилиш министрлигига қарашли Халқлар дўстлиги ордени 160-Чирчиқ қурилиш трестининг бригадири, КПСС XXVI съезди делегати Сайфиддин Баҳриев (чапдан тўртинчи) бригада аъзолари Жумабой Раҳимбоев, Федор Александров, Абдузоҳид Ортиқов, Василий Клешч, Нина Гришина ва Сафар Тошпўлатов билан.

А. ЖДАНОВ фотоси

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Гулистон

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 6 (376)
июнь
1981

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

СССР Ёзувчиларининг VII съезди олдидан

ҚАҲРАМОНИМИЗ— МЕҲНАТ КИШИСИ

* * *

Жонажон Коммунистик партиямизнинг оталарча ғамхўрлиги, оқилона сиёсати туфайли кўп миллатли совет адабиёти, жумладан, ўзбек совет адабиёти камол топмоқда. Республикамизда адибларимизнинг асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Адабиётни, шеъриятни жон-дилдан севган халқимиз дўстлик давраларига, мазмунли мушоираларга ҳамиша муштоқ. Пахтакору ишчи, соҳибкору чорвадорларимиз меҳнат кишиларининг улуғвор ишларини, давримиз ҳақиқатини юксак бадиият билан тасвирлаб берган асарларни қизиқиб ўқийдилар, асарларимизнинг етук образлари — илғор замондошларимиздан ибрат оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партиямизнинг XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида шундай деди: «Совет жамиятининг маънавий ҳаёти тобора ранг-баранг ва бой бўлиб бораётган экан, бу маданиятимиз арбобларининг, **адабиёт ва санъатимизнинг** шак-шубҳасиз хизматидир». Съездда Леонид Ильич яна совет санъатида янги тўлқин мавж ураётганини алоҳида таъкидлади. Бу руҳлантирувчи, илҳомбахш сўзлар биз — қаламкашларни ижодий фаолликка даъват этиш билан бирга зиммамизга катта вазифалар, юксак мажбуриятлар ҳам юклайди, жонажон партиямиз, халқимиз олдидаги масъулиятимизни оширади. Бинобарин, ижодкорлар миллионларнинг қалбидаги ёлқинни, бунёдкор инсонларнинг қаҳрамонона ҳаётини ҳаққоний тасвирлаб беришлари лозим, китобхонга ҳамма учун зарур бўлган гапни, партиямизнинг, халқимизнинг юксак идеалларига муносиб фикрларни рўй-рост, бадиий етук тарзда айтиши керак. Ана шундагина совет ёзувчиси деган юксак номга муносиб иш қилган бўламиз. Мен аминманки, ўзбек ёзувчилари доно партиямизнинг, зукко китобхонларимизнинг ишончларини оқлайдилар, давримиз талабларига жавоб берадиган кўплаб асарлар яратадилар.

Эътибор ОХУНОВА

* * *

Биз асарларимизда меҳнат кишиларининг баркамол образларини яратиш тўғрисида кўп гапирамиз. Бу — табиий ҳол, албатта. Ўйлайманки, СССР Ёзувчиларининг VII съездида ҳам шу ҳақда жиддий фикрлар билдирилади.

Менинг биринчи асарим 54 йил муқаддам зълон қилинган эди. Ўша пайтларда — 1934 йилда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг йўлланмаси билан Чирчиқ қурилишида экскаватор машинисти бўлиб ишлардим. Биринчи китобимни ёстиғим тагида сақлардим. Баъзан, сменадан қайтган пайтларимда, баракда ҳеч ким бўлмаса, китобимни олиб ўқирдим. Қайта-қайта ўқиб, яна яшириб қўярдим.

Қурилишда иш уч сменада ташкил этилган эди. Биз Чирчиқнинг бир қирғоғида айланма канал қазирдик. Бошқа қирғоқда эса деривация канали қурилаётган эди. Деривация каналининг бош инженери Амин Эрматович Ниёзов эди. Мен уни яхши танирдим, у ҳам баъзан мен ишлаётган экскаватор ёнидан ўтиб қолганда саломлашиб қўлини силкитар, қичқириб ишларимнинг боришини, ҳол-аҳвол сўрар эди. Мен ҳам баланддан туриб сўроқларига қичқириб жавоб қайтарардим ва бош бармоғимни кўрсатардим. Ўша пайтлари у ҳам, мен ҳам, ҳеч ким — ўн беш йил ўтгач, ана шу инженер Ниёзов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлишини билмас эди. Ҳаётда кўпинча шундай бўлади. Инсон вояга етади, ўқийди-ўрганади, меҳнат қилади, лекин эртага уни қандай ташвишу қувончлар, юксак масъулият юкловчи вазифалар кутаётганини билмайди. Чунки ҳамма нарсани, жумладан, инсон тақдирини ҳам ҳаёт, давр белгилайди.

Чирчиқ қурилиши — иккинчи беш йилликнинг энг йирик иншоотларидан эди. Биз электркимё комбинати қурилишида қатнашардик. Ўшанда, Бош узелда экскаваторчи бўлиб ишлаб юрган кезларимда, орадан йигирма беш йил ўтиб, Чирчиқда кўрган-кечирганларим ҳақида «Агар севсанг...» романимни ёзаман, деб ўйламаган ҳам эдим.

Меҳнат кишиси!.. У энг яхши асарларимизнинг бош қаҳрамони бўлиши лозим. Ишонаманки, съездда адабиётда янги дунё бунёдкори — меҳнаткаш инсон образини яратиш борасида қўп теран фикрлар билдирилиши, мулоҳазалар айтилиши шубҳасиздир. Яна ўйлайманки, бутун жаҳонга совет турмуш тарзимизни юксак бадиият билан, реалистик кўрсатиб берадиган асарлар яратиш ҳақида ҳам чуқур фикрлар ўртага ташланади.

Шомил АЛЯДИН

Тўлистон № 6 1981 й

* * *

Тоғнинг улуғлигини тасаввур қилмоқ учун ундан узоқлашиш керак бўлганидек, буюк тарихий воқеаларнинг ҳайбатини расмона ҳис этиш учун маълум вақт масофаси лозим бўлади.

Мана букун Йигирма олтинчи улуғ анжуманнинг долғали кунлари биздан бир неча ой олислаб қолган бир пайтда, унда сўзланган докладлар ва нутқларнинг мазмунига яна бир қайта синчиклаб назар солар эканмиз, уларни оҳиста, шошилмай ўрганар эканмиз, юртимиз режаларининг буюклигини, халқимиз ўз зиммасига олган уҳдаларнинг мушкул ва мушаррафлигини бутун кўлами, салмоғи билан тасаввур қиламиз, қалбимиз улуғ Ватан учун, музаффар Коммунистик партиямиз учун ифтихор туйғулари билан тўлади.

Одатда партия ҳужжатларини бадиий асар билан қиёсламайдилар. Лекин менинг шоир хаёлимда Леонид Ильич Брежневнинг XXVI съездга қилган Ҳисобот доклади давримизнинг, ҳаётимизнинг улуғвор достони бўлиб кўринади. Букун шу тарихий ҳужжатни қайта ўқиб туриб унда кўтарилган масалаларнинг улканлигига, фикрларнинг ҳаққонийлик қудратига, ҳар бир жумладаги маъно юкининг салмоғига киши ҳайратланади.

Леонид Ильич адабиёт ва санъатнинг вазифалари ҳақида бир неча жумлагина сўз айтди. Лекин бу қисқа сўзларда адабиётимиз ва санъатимиз эришган энг катта ютуқлар ва олдимизда турган энг буюк вазифалар ўз ифодасини топди.

«... Шу нарса муҳимки,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев съезд минбаридан,— хом-хатала, бадиий жиҳатдан бўш асарлар мавзунинг актуаллигини ўзларига қалқон қилмасликлари лозим». Нақадар ҳаққоний, нишонга уриб айтилган сўзлар. Дарҳақиқат, адабиёт замонамиз кишиларининг юксак дидига мос бўла олиши, чинакам мукаммаллик талабига жавоб бера олиши керак. Китобхон учун авторнинг ёшу қариси, унвонли, унвонсизи бўлмайди. У ҳамиша ёзилган сатрларга қараб муаллифга ўз муносабатини билдиради: ё қалбига жо қилади, ё унутади, йўқликка маҳкум этади.

Бизда кўплаб яхши асарлар қаторида, афсуски, юзаки ёзилган асарлар анчагина бор. Баъзи ёзувчиларимиз, шоирларимиз сўз устида меҳнат қилишга иккинчи даражали иш, деб қарасалар керакки, уларнинг асарларини ўқиб она тилимизнинг бойлиги ва рангинлигини ҳамиша ҳис қилавермаймиз.

Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Ғафур Ғулом ва бошқа улуғ адибларимиз қолдирган мероснинг кўп жиҳатларини таҳлил қилиб ўрганиш талай ёш ва ёш бўлмаган ёзувчилар учун мактаб бўлар эди. «Сен етим эмассан», «Роксананинг кўз ёшлари», «Қутлуғ қон», «Синчалак», «Мушоира» каби асарларни кўз олдимизга келтирсак, уларнинг ўз даври учун нечоғли актуаллигини ва шунга яраша бадиий жиҳатдан баркамоллигини кўрамиз.

Биз ғоят шиддатли, бешафқат замоннинг восифларимиз. Сайёрамизнинг тақдири, одамзод тарихининг давом этиш ё этмаслиги масаласи ўртада турган бир даврда яшамоқдамиз. Аслида, планетанинг «ё ҳаёт-ё мамоти» олдида, башариятнинг аламли нидоси олдида қадим замон фожеалари нима деган гап? Эсхиллар, шекспирларнинг замонларида ҳаёт-мамот саволи инсон олдида турган бўлса, бугун ана шу савол инсоният олдида турибди. Қадимда улуғ ёзувчилар нидоси замон устида юксалиб турган бўлса, бизнинг қаршимизда давр нидоси даражасига кўтарила олиш масаласи бор.

Бу йил менинг биринчи китобим чиққанига йигирма йил тўлади. Орқамга қайрилиб қарасам, куни кечадай. Олдинга қараб ҳисобласам, яна шунча вақт ўтса, икки минг биринчи йил бўлади. Демак, бугун биринчи китоби чиққан йигит янги минг йилликнинг «ёш шоири» бўлади. Ўша олис келажакнинг «ёш шоири»га айтадиган сўзим бор: бизни эркалаб бағрига босган ҳам, шоир қилиб бийрон тил берган ҳам жафокаш, меҳнаткаш, бағри кенг, орзуларидай улуғ — халқимиз. Шоир бўлишдан олдин шу халққа фарзанд бўлайлик, садоқатли, фидойи ўғил бўлайлик. Агар шоир бўлсак, унинг юзига қараганда уялмайдиган шоир бўлайлик. Халқимиз жасоратли, матонатли, зукко халқ, навоийхон, бедилхон халқ. У олтин билан миснинг, олмос билан шишанинг фарқини билади. Ана шу ҳалол, қўли қадоқ, ақли теран халқимиз олдида ҳалол бўлайлик. Зар килолаб эмас, мисқоллаб ўлчанишини унутмайлик.

«Гап кўп-ку, умр оз», дейди ўзбеклар. (Кўмир эмас, дўстларим.) Ёзувчиларнинг яқинлашиб келаётган Бутуниттифоқ VII съезди арафасида гаплашадиган гапларимиз кўп. Ютуқларимиз ҳам оз эмас, камчиликларимиз ҳам. Биз-ку, камчиликсиз асар бўлмайди, ҳар тўкисда бир айб, деб ўзимизга тасалли берамиз. Аммо китобхон учун, адибнинг чин мухлиси учун ижодкор пир ва устоздир. Ихлос нуқсонни тан олмайди. Санъатнинг, адабиётнинг шарти — баркамоллик ва мукаммалликдир...

Эркин ВОҲИДОВ

Адҳам РАҲМАТ,
Александр Фадеев мукофоти лауреати

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ

ХАЛҚИМИЗНИНГ бугунги тинч, фаровон ҳаёти, эртанги порлоқ истиқболи ҳақида ўйлаган киши Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлик саҳифаларини, совет жангчиларининг улуғвор шижоатини эслайди, уларнинг мислсиз қаҳрамонлиги ва матонати тимсолига айланган Брест мудофаасини кўз ўнгига келтиради, албатта.

Бундан қирқ йил аввал — 1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирди. Кўпмиллатли совет халқи жонажон Коммунистик партия теварагида метиндек жипслашиб, Улуғ Ватан урушига отланди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидаёқ Совет Армияси ўзининг энг яхши жанговар фазилатларини намойиш этди. 1941 йил 22 июнь — 20 июль кунлари — 28 кун мобайнида давом этган Брест мудофааси жанглари бунинг мисолидир. Брест қалъасига фашистларнинг артиллерия, танк ва авиация кучлари билан қуролланган 45-пиёда аскар дивизияси ҳужум қилди. Совет қўшинларининг 4-армия 42- ва 6-ўқчи дивизиялари Брест қалъасидан дала машқларига олиб чиқилган эди. Улар фашистларнинг кутилмаган ҳужумига дуч келиб, мудофаага улгуролмай, кўп қурбонлар бериб, шарққа чекиндилар. Армиянинг қолган бўлинмалари чегарачилар билан биргаликда қалъани қаҳрамонларча мудофаа қилдилар. Қалъа ҳимоячилари 3,5 минг кишидан иборат эди.

Брест ҳимоячилари сафида кўпмиллатли мамлакатимиз халқларининг фарзандлари бор эди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Петр Гаврилов, 125-ўқчи полк сапёрлар ротасининг собиқ командири Павел Сиваков уз эсдаликларида кўпгина ўзбек жангчиларининг номларини тилга оладилар, уларнинг жанговар ҳаётидан мисол келтирадилар. Брест мудофаасида 500 га яқин ўзбек жангчилари иштирок этдилар. 84-ўқчи полкининг 5-ўқчи ротасида Ризоқулов раҳбарлигидаги ўзбек ансамбли бўлганлигини ҳам биламиз.

Брест мудофаасининг аҳамияти йилдан-йилга улуғвор миқёс касб этмоқда. Унинг қаҳрамон жангчилари ҳақида асарлар яратилмоқда. Ленин мукофоти лауреати Сергей Смирновнинг «Брест қалъаси» китоби, Ленин мукофоти лауреати Константин Симонов сценарийси асосида суратга олинган «Ўлмас гарнизон» фильми шулар жумласидандир.

Улуғ Ватан урушининг 20 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда Брест қалъасига «Қаҳрамон қалъа» унвони ва Ленин ордени берилди.

Урушдан кейин яна қад кўтарган қаҳрамон Брест қалъаси музейида сақланаётган ҳужжатларнинг баъзи бирларида, ўз хотираларини ёзган кишилар орадан кўп йиллар ўтганлиги сабабли ўз жанговар дўстларининг исм, фамилияларини унутган бўлсалар ҳам, аммо қайси миллат жангчиси эканлигини эслайдилар.

84-ўқчи полк миномёт батареясининг жангчиси Захар Степанович Ковтун шундай деб ёзган:

«Мен ва бир ўзбек жангчиси (афсуски, бу жанговар дўстимнинг исм ва фамилияси ёдимда йўқ) икковимиз қоронғи кечада разведкага жўнадик. Вайрона ертўлаларни оралаб юриб, бир казармага яқинлашиб бордик ва у ердаги харобаларга яшириниб олдик. Шу ерда туни билан мижжа қоқмай, душман ҳаракатини кузатиб тонг оттирдик. Эртаси куни изимизга қайтдик. Разведкага кетган еримизга не машаққатлар билан етиб келсак, ҳеч ким йўқ.

... Мен ҳали-ҳали ўша разведкачи ўзбек дўстимни ҳеч унута олмайман. Энг даҳшатли дамларда ҳам кулиб турадиган бу истараси иссиқ биродаримнинг сиймоси кўз ўнгимдан нари кетмайди. Кўнглимда доим, у тирик бўлса керак, деб ўйлайман. Агар тирик бўлса, у гапларимни ўқиб, менга хат ёзса, бошим осмонга етар эди, туғишган акам ёки укамни топгандек бўлардим».

Музейдаги ҳужжатлар қалъада қаҳрамонона жанг қилиб, душман қуршовидан чиқиб кетган жангчилар ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Улар Белоруссия ўрмонларида ёвуз душманга қарши мардона кураш олиб борган халқ қасосчилари — партизанларга қўшилиб кетганлар. 455-полк алоқачилар ротасининг жангчиси Иван Петрович Оскирко бу тўғрида шундай ҳикоя қилади:

«Ротамиздан тирик қолган йигирма тўрт жангчи, нима қилиб бўлса ҳам, душман қуршовидан чиқиб кетишга қарор қилдик. Бу жангчилар орасида мен билан бирга Зиновий Балюк, Иван Бухилко, Жаламаев, ўзбек йигити Юсупов ва бошқалар бор эди. Биз йўл қидириб, ниҳоят қалъанинг шимолий томонидан ёриб чиқдик.



Брест қалъасида ўрнатилган комплекс мемориал.



Қаҳрамон Брест қалъасининг Холм дарвозаси.

Брест областида партизанлар отряди тузилганлиги тўғрисида дарак топишимиз билан ҳаммамиз ўша отрядга бориб қўшилдик. Биз ҳам халқ қасосчилари сафига қўшилиб, ҳалок бўлган қадрдон дўстларимиз учун фашист газандаларидан шафқатсиз ўч олишга аҳд қилдик. Отряд командирининг барча топшириқларини шараф билан бажардик: разведкаларга бордик, душман аскарлари, яроғ-аслаҳа ортилган эшелонларини портлатдик ва бошқа жанговар ишларни амалга оширдик...

Жанговар дўстларимиздан Зиновий Балюк ҳозир бизнинг районда тракторчи бўлиб ишламоқда. Бухилко ҳам тирик, деб эшитаман, Жаламаев билан ўзбек йигити Юсупов партизанлар отрядида мен билан бирга эдилар, кейинчалик ҳаракатдаги армияга қўшилиб кетган эдик. Ўшандан бери уларнинг тақдири мен учун номаълум. Аммо бу жанговар дўстларимнинг сиймоларини, уларнинг менга кўрсатган меҳрибонликларини унута олмайман!»

Брест қалъасини мардона туриб ҳимоя қилган ўзбекистонлик жангчилардан Мамадамин Ҳожиев ҳозир Сирдарё районидаги 4-совхозда, Филипп Иванович Лаенков Тошкент шаҳар Водоканали трестида, Аҳмад Ғофуров Самарқанд область, Пастдарғом район, Куйбишев номли колхоздаги мактабда, Ефим Яковлевич Лисс Самарқанд шаҳридаги Пойафзал фабрикасида, Маҳамаджон Абдувалиев Ленинобод шаҳрида ишламоқдалар.

Брест қалъаси. Бу икки сўзни жаҳондаги барча халқлар биладилар, унинг шон-шуҳрати, Брест мудофаасида совет кишилари кўрсатган мислсиз бирдамлик, матонат, қаҳрамонлик бутун тараққийпарвар инсониятни ҳамон ҳайратда қолдиради. Мана, қирқ йилдирки, жаҳон халқлари Брест мудофаачилари жасорати олдида тиз чўкиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган совет жангчилари хотирасини эъзозлайдилар.

КПСС XXVI съезди тарихий қарорлари бутун мамлакатимиз истиқболида янги уфқлар очди, барча қардош совет халқларини коммунистик қурилиш соҳасида янги ва улкан ғалабалар сари руҳлантириб юборди. Жонажон партиямиз XXVI съездида иштирок этган ҳамма делегатлар, шу жумладан, ўзбекистонлик делегатлар ўз партия ташкилотлари, меҳнат коллективларига юксак сиёсий-маънавий руҳ, битмас туганмас ғайрат-шижоат билан қайтдилар, XXVI съезд тарихий қарорларини амалга ошириш учун бошланган социалистик мусобақа байроқдорларига айландилар. КПСС XXVI съездида қатнашган ўзбекистонлик бир гуруҳ делегатлар «Партия режалари — ҳаётга!», деб республикамизнинг барча меҳнаткашларига очиқ хат билан мурожаат қилдилар, янги ватанпарварлик ташаббусини бошлаб бердилар. «Бутун мамлакатда бўлгани каби, Узбекистон экономикасида ҳам чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги янада ошди,— деб мурожаат қилдилар улар.— Эндиги вазифамиз ана шу ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда уни ривожлантиришдан, ўн биринчи беш йилликни ҳам самарадорлик ва сифат беш йиллигига айлантиришдан иборат. Бунинг учун социалистик мусобақани тобора авж олдиришимиз, ички имкониятлар ва резервларни сабот билан излаб топиб, уларни рўёбга чиқаришимиз лозим».

Янги ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берганлардан бири В. П. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари, КПСС XXVI съезди делегати, КПСС Марказий Ревизия комиссияси аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Ленин ордени, Октябрь революцияси ва «Ҳурмат белгиси» орденлари кавалери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннопов. «Унинчи беш йилликда икки беш йиллик планини, КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача эса 1981 йил I квартали планини бажардим,— дейди ўртоқ Назрулла Маннопов.— Съездан қайтгач, янги ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берган ҳамма дўстларим каби, ўз зиммамга оширилган социалистик мажбурият олдим: ўн биринчи беш йилликда ўн бир йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилдим». Суратда: Н. Маннопов ҳамкасбларига съезд таассуротларини сўзлаб бермоқда.

В. МОЛГАЧЁВ фотоси

Беш йиллик режалари амалда

ОДАТИЙ МЎЪЖИЗА

КПСС XXVI съезди тасдиқлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да ижодий меҳнатга катта эътибор берилган. Дарҳақиқат, ижодий меҳнат замондошларимиз ҳаётий фаолиятининг муҳим соҳасидир. Шунинг учун ҳар бир совет кишиси,— у ишчими ёки инженерми, пахтакорми ёки чорвадорми, барибир,— давлат миқёсида фикрлайди, муайян масалага актив ҳаётий позицияда туриб муносабатда бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисобот докладида ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» деб қилган докладида: «Янги беш йиллик қурувчилар учун жиддий имтиҳон бўлади,— деб таъкидлади.— Маҳсулотнинг энг кўп ўсишини таъминлашга, қийинчиликларни бартараф этишга қодир корхоналарни тезроқ қуриб битказиб, ишга тушириш учун кучларни ҳар томонлама жамлаш шу беш йилликка хос хусусиятдир».

КПСС XXVI съезди белгилаб берган Асосий йўналишларда таъкидланган корхона — Андижон Ип-газлама комбинати ишчилари ва қурувчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу сўзларини ўз ижодий меҳнатлари учун дастуриламал деб қабул қилдилар.

Дарҳақиқат, Андижон гигантида ҳаёт қайнамоқда: унинг муддатидан бир йил илгари қурилиб фойдаланишга топширилган биринчи навбатида узелларни, технологик линияларни тўла-тўкис ўзлаштириш, замонавий машина ва дастгоҳларни созлаш қизғин давом этмоқда. Ҳар куни 11—12 тонна калава етказиб берилмоқда.

— Корхонанинг биринчи навбати бир йилда 7 минг тонна калава тайёрлайди,— деди партия ташкилоти секретари Динора Умарова.— Шунча хомашёдан 70 миллион метр газлама тўқиш мумкин. Лекин ишлаб чиқариш имкониятларимиз бу билан чегараланиб қолмайди. Дастгоҳларни бюртмаларга мослашимиз, уларнинг иш услубини ўзгартиришимиз, яъни ҳозирнинг ўзида 20 хил калава тайёрлашимиз мумкин. Бу нарса газламалар турини муттасил яхшилаб ва ўзгартириб бориш имконини беради. Корхона тўқимачилик техникасининг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланмоқда. Комбинатимизга мамлакатимизнинг 100 дан ортиқ шаҳарларидаги саноат корхоналари дастгоҳлар, машина ва механизмлар етказиб бермоқдалар. Демак, ишлаб чиқариш жараёнларини тўла-тўкис механизмлаштирамиз. Цехлар ўртасидаги жараёнлар узвий боғланган. Тараш цехидан чиққан хомашё йигирув цехига махсус қувурлар орқали жўнатилади. Шунинг эвазига қўл меҳнати камайиб, ишлаб чиқариш маданияти ўсади. Йигирув цехига урчуқсиз дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Бу машиналарга чангни тортиб олувчи мукаммал қурилмалар жорий этилган. Улар ҳозир республика тўқимачилик корхоналарида фойдаланилаётган машиналардан икки-уч марта унумлироқ ишлайди. Шовқин ва ип узилишини кескин камайтирадиган мокисиз тўқув дастгоҳлари ҳам монтаж қилинмоқда.

Комбинатнинг ишга тушган биринчи навбатида ҳам, қурилаётган иккинчи навбатида ҳам меҳнат тобора ижодий тус олмоқда. Унинг Марҳамат районидаги филиали қурилишида ишлаётган механизмлашган кўчма колонна қурувчиларининг фаолиятлари ҳам шундай дейишга асос беради. Мисол учун, лойиҳага кўра комбинатнинг Марҳамат районидаги филиали бош корпусига устунлар қўйиш учун узунлиги 140 метр, эни 90 метр бўлган майдонни 1 метр 65 сантиметр чуқурликда кавлаб, тупроғини 50 метр узоққа олиб бориб тўкиш, демак, 40 минг кубметр тупроқ ишларини бажариш лозим эди. Бу кўп куч, кўп вақт талаб қилар эди. Устунлар ўрнатиб бўлингач, қазиб чиқарилган тупроқ яна аввалги жойига тўкилиши ва шиббаланиши зарур эди.

Шунинг учун участка бошлиғи Келдибой Абдураззоқов раҳбарлигидаги инженер-техник ходимлар лойиҳани янада мукаммаллаштирдилар. Тупроқ ташқарига ташиб чиқилмади. Устунлар ўрнатилгач, тупроқ ўрнига суриб, текислаб қўйилди. Натижада бош корпусда лойиҳада белгиланган 295 устун муддатидан бир ой илгари ўрнатилиб, 3 минг сўм тежалди. 250 тўсин ва 1 минг 300 та темир-бетон плитани тез ва сифатли жойлаштириш имконияти туғилди.

Булар — Андижон Ип-газлама комбинати биринчи навбати ишчилари ҳамда иккинчи навбати қурувчилари ижодий меҳнатининг кундалик мисоллари, ишчилар яратаётган одатий мўъжизалар. Андижон гиганти бунёдкорлари КПСС XXVI съездидан кейин мисли кўрилмаган даражада қизғин тус олган социалистик мусобақа муҳитида, улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 111 йиллик байрами шарафига шу йилнинг 18 апрель куни ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликда янгидан-янги меҳнат мўъжизаларини амалга оширдилар.

Маълумки, ўнинчи беш йилликда бутун мамлакатимиз, жумладан, республикамиз экономикаси гуркираб ўсди, фан ва техника муваффақиятли ривожланди, маданиятимиз гуллаб-яшнади. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида зўр ғалабаларга эришилди. Кўплаб янги корхоналар, тураржойлар, маданий-маиший объектлар қурилди. Хуллас, КПСС XXV съезди белгилаб берган улуғвор режалар тўла-тўкис амалга оширилди. КПСС XXVI съезди қарорларига асосан ўн биринчи беш йилликда республикамиз халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағлар ҳажми ўнинчи беш йилликдагига нисбатан 22—25 процент кўпайтирилди. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида енгил саноатни равнақ топтириш учун 1980 йилдагига қараганда 1,6 марта кўп маблағ ажратилган. Бу беш йилликда бир қанча қувватлар, жумладан, Андижон Ип-газлама комбинатида ҳам янги участкаларнинг ишга туширилиши белгиланган.

Тараш цехининг илғор операторлари С. Қўчқорова ва М. Бадалова ўртоқлар КПСС XXVI съезди шарафига қизғин давом этган социалистик мусобақа илғорлари.

Комбинатнинг илғор тўқувчиси Х. Уктамова иш устида.

Манзурахон Йўлбарсова — комбинатнинг пешқадам йигирувчиларидан.

Андижон Ип-газлама комбинати иккинчи навбати электр жиҳозларини монтажлаш ишида Ўзбекистон Электр жиҳозларини монтажлаш бошқармасининг А. Азизов, П. Бабинов, Ю. Гуцкалов, А. Лангер каби илғор ишчилари, В. Бромер сингари тажрибали мастерлари бошқаларга ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар

Комбинатнинг йигирув цехи.



Ишлаб чиқариш бўйича инструктор Х. Эшонова билан илғор тўқувчи М. Назарова: «КПСС XXVI съезди белгилаб берган Асосий йўналишларда Андижон Ип-газлама комбинатида қувватлар ишга туширилсин, деб таъкидланган. Бу областимиз кенжа саноати тармоғини ривожлантириш борасида жонажон партиямиз, ҳукуматимиз кўрсатаётган ғамхўрликнинг яққол тимсолидир», дейдилар.

Г. КЕЧКИН, У. РАҲИМОВ, Р. АШУРОВ фотолари

Отанг ердир, онанг ердир
Сен ҳам ердек қилиқ қил,
Ёмонлик қилганга сен яхшилик қил.

Шарқ ҳикмати

Биринчи боб

БУ ВОҚЕАЛАР тоғ этагидаги адирлар ўрмон хўжалигига ўтиб, сурувлар даштга ҳайдаб кетилмасидан сал бурун бошланган эди. Чўпонлар нечоғли норози бўлмасинлар ўрмон хўжалигининг қоровуллари билан ҳисоблашишга мажбур эдилар. Уйимиз атрофидаги қир-адирларга ўтакетган қонунчи, бўлар-бўлмас нарса устида зринмай тортишадиган Худойқул чағиркўз тоғбеги[1] бўлди. Илгари дуч келган жойда ишлаб, қўним тополмай юрган Худойқулга тоғбегилик тегдию одамлар юрак бетлаб тоққа чиқолмайдиган бўлиб қолишди. Шундай тинч, ташвиши камроқ, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам одамлар бир нимани илтимос қилиб келадиган амалнинг орзусида юрган Худойқулнинг энди оёғи олти, қўли саккиз эди.

Шу пайтгача саломига алик олмаган бош чўпонлар қўтир байталини йўрттириб тоғ кезадиган Худойқулнинг олдига гурунглашиш баҳонасида келишади, битта-яримта қўйи бўлса сурувларига қўшиб қўйиши мумкинлигини айтишади. Худойқул ичида жон-жон деб турса ҳам, сир бой бермай, «Беш-тўртта қўй бўлса бир амаллаб боқармиз», дейди ўзини ҳалол кўрсатиб. Аслида-ку уларнинг уйидаги тўртта тирриқ қўйини қўярда-қўймай ҳайдаб кетишларини истайди. Куни кеча пулидан қочиб қўйларини қишлоқ отарига қўшмай ўзи боқиб юрган Худойқул энди уларни бирорта сурувга қўшишдан ор қиларди.

Ўрмон хўжалигининг директори Тиловберди Қораевнинг «Кўчат ўтқазилган участкаларга молларни йўлатманг», деган топшириғини у бутун қишлоқ тўпланган маъракада «Тоғда мол боқиш умуман тақиқланади», деб эълон қилди. Ранги ўнгиб кетган эски мотоциклини тариллатиб қишлоқдагиларнинг қулоқларини танг қиладиган ҳовлиқма Алимурод милиционер ҳам бу гапни маъқуллади.

— Бутун тоғда эмас, фақат янги кўчат ўтқазилган участкалардадир балки?— деди кимдир.

— Бўлмаса бор молимизни сотар эканмиз-да,— деди яна биров.

— Нима, кейин Худойқулнинг қирчанғисини соғиб ичасанми?

— Унга қўйиб берсанг нималар демайди? Айтаверади-да!

Бироқ ҳеч ким дангал чиқиб Худойқулнинг гапи нотўғри эканини исботламади. Одамлар ўзи билан ҳисоблашадиган бўлиб қолганлигидан бир қоп семирган Худойқул, ясовули билан юрган приставдай, Алимурод икковлари тоққа қараб кетдилар. Шу-шу қишлоқ подасини Ўртақирдан нарига ўтказмай қўйдилар.

— Ҳаҳ хом сут эмган банда-я! Қаердан ҳам унга амал тегдию бир ўзи бутун қишлоқни бийлайдиган бўлиб қолди,— дерди энам олисдан унинг қорасини кўрганда.

Ёши қирқдан ошганига қарамай, бирон жойга меҳр қўйиб уй-жой қурмаган Худойқулнинг яйдоқ даштдаги лойсувоқ ҳужраси кечалари оддий тепаликка, гоҳо эса ердан бошини чиқариб ниманидир пойлаётган алвастига, ёлғиз дераза эса алвастининг кўзига ўхшарди. Уйимиз Яссиқирда жойлашгани учун, этакдаги барча уй ва дов-дарахт миттигина бўлиб кўринади. Ҳовлиларда ғимирлашиб юрган одамларнинг хатти-ҳаракатини кузатсанг, уларнинг тирикчилиги кишига жўн ва бачкана туюлади. Аслида ҳаёт шунақами ёки уйимиз тепаликда бўлгани учун менга шундай туюладими, билмадим.

— Бир ҳисобда Худойқулнинг қаттиққўл бўлгани ҳам маъқул. Одамларга қўйиб берсанг Ойқорни тақсимлаб олишдан ҳам қайтишмайди,— дерди гоҳо энам.

Бирор фикр айтмасам-да, энамнинг гапларига қўшилардим. Одамлар ўз боғлари ва томорқаларига ҳеч кимни йўлатишмайди. Нега энди тоғда дуч келган одам истаган номаъқулчилигини қилаверіши керак экан? Энамнинг гаплари билан айтганда, Ойқорнинг қорли чўққиларида осилиб турган оппоқ сочларига, кўм-кўк бахмал арчазорларига, какликларнинг сўлим тоғ шамоли олиб келган ёқимли сайрашларига қулоқ солиб ўтиришнинг ўзи бир давлат эмасми! Унинг бағридан отилиб чиқиб, инсонларни, ям-яшил далаларни обиҳаётга қондириш учун тўлиб-тошиб оқадиган шарқироқ Маржонбулоқсой олиб келадиган қувонч-чи!

Шуларни ўйлаб туриб, юрагим ҳаприқиб кетади. Қувончимни ичимга сиғдиролмай Маржонбулоқсой билан басма-бас югураман. У билан эсимни танигандан бери яқинига йўлашга юрагим бетламайдиган Мушукжаргача ўзишиб бораман. Илгари, унинг жарга туташган ерида тегирмон бўлар экан. Қишлоғимизга электр олиб келиш масаласи кўтарилганда райондан одамлар келиб, тегирмон ўрнига электр станцияси қурмоқчи бўлишибди. Илгари Мушукжар пастликдан, Жарбулоқ қишлоғидан бошланаркан. Сув емираверіб уни қишлоғимизнинг этагигача олиб қўйибди. Электр станцияси қуриш негадир чала қолибдию қуйилган бетон қоплама Мушукжарни емирилишидан сақлабди.

Маржонбулоқсой билан қувлашиб келардиму Мушукжарга етишим билан дамим ичимга тушиб кетарди. Қуёш нуридан кўзни қамаштириб ярқираётган, тошлар билан ўйнашиб оқадиган сой ичини тиканаклар босиб кетган, қоронғи кечалари ёввойи мушуклар миёвлашиб юрадиган жарликка тушишга юрагим бетламасди. Сой ёқасида ўсган жамики довдарахт ва ўт-ўлан уни қучоғида асраб қолиш учун курашар, Мушукжарнинг муздек дами гўё комига тортиб турар эди. У Ойқор бағридан отилиб чиқарди-да майин шивирлаётган мажнунтоллар сочларини тортқилаганча ялпизлар билан ўйнашиб, минг бир қувонч оғушида қишлоғимизга кириб келарди. Сахийлик билан боғ-роғларни суғориб, кишилар ташналигини қондириб, йўлида давом этарди. Юзида қуёшни жилвалантириб, қувончидан умбалоқ ошиб оқарди у. Мушукжарга етганда унинг ҳам дами ичига тушгандек бўлар, жар суви эса шаршарага айланиб, буралиб-буралиб яна пастга отилар эди. «Мен ер юзида оқишни истайман, яшил далаларга оқиб чиқаман», дегандек гумбурлаб оқарди. Мен ҳам унинг Мушукжарнинг зимистон қаъридангина олис, яшил далаларга оқиб чиқишини жуда-жуда истардим. Сўнгра у тош ўрнига зар оқадиган афсонавий Сангзор дарёсига бориб қўшиларкан.

Эркин ва ёйилиб оқиш учун ҳам жарликлардан ўтиш керакдир... Маржонбулоқсой Мушукжардан чиққан жойни фақат дадам кўрган. Мен катта бўлсам албатта энамни у ерга олиб бораман. Энамга шуни айтсам, «Худо хоҳласа, албатта борамиз», деди.

«Қўй сурувлари Тайпоқсой даласига, ундан Жиззах даштига кўчиб, тоғда фақат эчки сурувлари қолармиш», деган гап чиққанидан кейин Худойқулнинг тихирлигига ҳеч ким парво қилмай қўйди. Эчкибоқарларнинг қулоғи оғзида бўлса, қўйчивонларнинг қовоғидан қор ёғарди. Дадам билан борди-келди қиладиган бош чўпон, қишин-ёзин солдатча кулоқчин кийиб юрадиган сергап Саттор уйимизга келиб, узундан-узоқ алланиманинг маслаҳатини қилди. Аям олдиларига кулчатойнинг туппасидан тўғраб қўйганларидан сўнггина суҳбат мавзуи сурувни тоғ этакларига тушириб кетишга кўчди.

— Ҳар қалай, тоғ совуқ бўлса ҳам бўрон-чопқинидан панароқ эди да,— деди дадам Сатторни овқатга таклиф этаркан.

— Э-э, тоғнинг нимасини айтасиз! Қирққиздаги қўтонларга бўрон нари турсин, тош ёғса ҳам кор қилмайди. Қўйнинг ётар жойи қуруқ бўлса бас. Қор ялаб бўлса ҳам қорнини тўйдиради,— дерди Саттор апир-шапир овқат еркан.

— Қор қалин ёғса даштда қўйнинг озиқ топиши амри маҳол. Тоғнинг шамолпана жойларида қовжираган ўт-ўлан бўлиб туради. Мол оёғи кам тегади-да.

— Қўй очиқса дуч келган нарсани еб кетаверараркан. Раббим чўпоннинг айтишича, олтмиш саккизинчи йилги қаҳратонда сурувида юздан ортиқ қўйнинг ошқозонига тупроқ тиқилиб нобуд бўлибди.

— Мен ҳам кўрганман. Қўй қўтондан чиқолмагандан кейин деворни кемириб тешиб ташларкан. Ўшанда пичан олиб келишни яна бирор кунга кечиктирилса борми қўранинг шифти сурувни таппа босиб қоларди.

— Садағаси кетай, бу чорванинг бир қишлик ташвиши бир йилга татийди!

— Ўйлаб қарасам, чўпонлик қонқонимизга сингиб кетибди. Лекин одамлар чўлда не-не ишларни қилишяпти. Биз бўлсак ҳамон сурувнинг ортидан таёғимизни сургаб юрибмиз.

— Қийнинг ҳиди димоғимизга уриб турмаса уйқумиз келмайди да, оғайни. Ҳаммаси ҳам майли-ку, тоғ қишлоққа яқин, қирда туриб чақирсанг уйга эшитилади. Ундан ташқари, тоғда одам боласи оч қолмайди. Айниқса қишда, жониворлар ўзини ўт милтираган жойга уради. Битта сочма ўқ билан бир тўп как-

[1] Тоғ қишлоқларида ўрмон қоровулини тоғбеги деб атайдилар.

Нурали ҚОБУЛ

Қисса

СЕНГЗВОР

ликни уриб олса бўлади,— деди кўзлари ўйнаб Саттор.

— Давлат ҳам шуларни ҳисобга олган-да. Ўша олтмиш саккизинчи йилги қаттиқ қишда кўтон атрофида умрим бино бўлиб кўрмаган парандаларни кўрганман. Оч бўлгандан кейин ҳар қандай парранда-ю даррандалар ҳам одамдан ҳайиқмас экан. Қорайган нарсага ўзини уради. Милтиқ нари турсин, таёқ отсанг элликтаси жойида қолади. Чўпон болалар ёш, гапга қулоқ солавермайди.

— Ўрмон хўжалигининг тракторлари ҳам юролмай, Ойқору Моргузардаги бутун жониворлар оч қолган эди-да.

— Қиш тушмасдан ҳамма нарсани ғамлаб қўйиш керак-да.

— Тўғри гап. Каклик сайраб турмаган тоғнинг тоғлиги қолдими?

— Лекин бўрилардан хўп қутулиб кетадиган бўлибмиз! Ойқорнинг ўққа чап берадиган беш-ўнта қари бўриси бизнинг аламимизни ҳам эчкибоқарлардан оладиган бўлди.

— Эчки дегани шайтондан тарқаган, бўрига панд беради. Бироқ чўлда ҳам чиябўри мўл эмиш-ку? Бўридек келадиган шақаллар қўзини бемалол ўнгариб кетаверараркан.

— Чўлнинг жондорлари қўрқоқ бўлади. Бир қийқирсанг — инига уриб кетади. Ҳай-ҳай Ойқорнинг бўрилари, қичқирмоқ туриб, отаман, десанг ҳам кўзини лўқ қилиб ирillаб тураверади. Айтишларича, ҳозир мамлакатимизда қирқ мингта бўри бормиш.

— Шуни ҳам санашибдими-я?

— Шунинг орқасидан ойлик оладиганлар бўлгандан кейин, санайди-да.

— Чўлда ер текис, итлар бўрини сурувга яқин йўлатмаса керак-ов?

— Йўлатмайди ҳаму қувиб ҳам етолмайди-да. Шофёрлар теп-текис чўлда бўри-ю тулкини чироғ билан кўзини қамаштириб отиб олишаркан.

— Ҳозир итларга ҳам ишониб бўлмай қолди. Илгари ит деган нарса оғзига илинганини ерди. Ҳозир гўштни пиширib бермасанг емайди.

— Бу ҳам тўқчиликнинг оқибати. Бир ҳисобда, яхши ит беғам чўпондан афзал.

— Ҳақ гап. Лекин даштда шувоқ мўл бўлса қишда ҳам қўй семиради. Қуриган шувоқ ёғин-сочинда ивиб, шунақа роҳатижон бўладики, асти сўраманг.

— Бир ноқулай томони — қор ёғиб, қаттиқ бўрон турса, қўтонни қор босиб, қўй-эчкинг билан қор остида қолиб кетишинг ҳеч гапмас!

— Буниси ҳам бор. Шунинг учун, эҳтиёт шарт, қўтоннинг шамол эсадиган тарафига ҳашак босиб қўйиш керак. Бўронни тўсади, ҳам ёмон куннинг яроғи. Лекин, мен сенга айтсам, чўлга бориб ер очмоқчиман. Тўйиб-тўйиб ерга кетмон уришни орзу қиламан,— деди дадам кўзлари ёниб.

— Қўйсанг-чи! Эсингни едингми! Китобдагига ўхшаб гапирасан-а! Худо сен билан мени таёқ учун яратган! Ота-боболаримизнинг чўпонлигига дуо кетган экан. Бу ҳам қасамдай гап! Қандай қилиб бу мўътабар таёқни ерда қолдирасан?— деди куйиб-пишиб Саттор.

— Аврамай қўяқол. Ҳозир сен билан мен қўйни таёқ билан боқамиз. Бошқалар мотоцикл миниб боқишяпти.

— Менга бари бир, бугун бўлмаса эртага фикрингдан қайтасан,— деди Саттор писанда қилгандек.

Овқат тугаб қўлларини артишлари билан гап ҳам тугади шекилли, Саттор серҳашам носқовоғини олиб, каштасини келтириб тилининг тагига нос ташлади. Уларнинг суҳбатига диққат билан қулоқ солиб, урчуқ йигириб ўтирган энам энди гапга аралашди:

— Дунёнинг ташвиши икковингга қолгандек боядан бери ниманинг маслаҳатини қиляпсизлар? Киндик қонларинг тўкилиб, ўсиб-улғайган қишлоқларингда сизларга нон тегмай қолдими?

— Шунақа бўп қозди, Оймўма хоза. Кўчирма қизишяпти,— деди Саттор оғзида носи борлиги учун «л» товушини «з»га айлантириб.

— Бормаймиз, денглар. Ота-бобомиз қўйни чўлда эмас, тоғда боққан, денглар!— деди энам, дашном бергандек бир оҳангда.

— Бизнинг айтганимизга кўнармиди?— деди елкасини қисиб Саттор.

— Давлат бошқарадиганларнинг ҳам сенга ўхшаган калласи юмалоқ, бути айри, яхшилаб тушунтириш керак!

— Ўша юмалоқ каллалар бизникидан яхшироқ ишласа керак-да!— деди Саттор.

Энам билан Сатторнинг гапига ҳаммамиз кулдик.

Энам оиламизнинг, қолаверса барча ҳамқишлоқларимизнинг кўчиб кетишини истамасди. У кишининг назарида Ойқорни, Маржонбулоқсойни ва қишлоғимиз Бешбулоқни ташлаб кетиш ота-боболаримиз руҳига хилоф иш, етти пуштимиз кўмилган она тупроққа ҳурматсизлик эди. Дарвоқе, энам учун дунё — чўққисидан қор аримайдиган Ойқор, олисдан тоғ бағрида қорайиб кўринадиган мўъжазгина Бешбулоғу ялпиз ҳидини анқитиб, мажнунтолларнинг сочини юлқилаб оқадиган Маржонбулоқсойдан иборат эди. Энам ҳар куни эрта билан туриб Маржонбулоқсойнинг кўпириб оқадиган муздек сувига юзларини ювиб, тушларини айтар, Ойқордан эл-юртимиз учун ризқ-рўз, эсон-омонлик тилар эди. Ўзининг айтишича, Ойқор билан Маржонбулоқсойни боладек яхши кўрарди.

— Бир ҳисобда, пахтакор даштга кўчиб боргани ҳам маъқул. Терим пайтида одамлар бола-чақанинг орқасидан югуришдан қутулади,— деди дадам орадаги жимликни бузиб.

Расмларни А. МИРЗАЕВ чизган

— Ўзбек деганнинг туғилганда танглайи пахта билан кўтарилган. Термаса ҳам, ичига бир ораламаса хумори ёзилмайди,— деди Саттор худди пахтани биладигандек.

— Даштлик чўпонларнинг айтишича, терим тугагандан сўнг сурувни ҳосили йиғиб олинган майдонларга ёйиш, қўйни ангорда боқишдан ҳам яхши экан. Қўй ҳам, сигир ҳам тили билан чаноқда қолиб кетган чигитларни илиб олаверараркан. Қсрамол шунақа семириб кетаркан-ки, ҳайдаб чиқармасанг, бўкиб ҳаром ўлиши ҳеч гап эмас.

— Чигитнинг турган-битгани ёғда!..

Шу пайт қўш табақали кўча эшигини тақиллатиб, кимдир Сатторни сўраб келди. Салом-алик ва хайрмаъзурга унча уқуви йўқ Саттор наридан-бери хайрлашган бўлди-да, чақириб келган одам билан Жийдали даштга қараб кетди.

— Борма чўлга! Саттор сергапнинг ўзи бораверсин! Қўй боқмасанг, эчки боқарсан! Ҳамма сурувларда чўлиқ етишмай турибди,— деди энам у кетгандан сўнг худди ёш боладек дадамни зиқновга олиб. Эркак рўзғордан узоқлашса, уйдан фариштa қочади. Болаларинг ёш. Ота-онасининг қўлидан ишини оладиган бўлишига анча бор. Хотининг шўрлик мол-ҳолга қарасинми, рўзғорга? Менинг бўлса фойдамдан кўп зиёним.

— Ҳозир кетаётганимиз йўқ-ку! Ҳали директор ким кетиб, ким қолишини аниқ айтади. Аммо, чўлга бораман, деб ариза берганларга йўл харажатларини тўлашяпти. Иссиқ овқатга сўйиш учун уч-тўрт отар Ойқорда қолса керак. Балки бизни ҳам қолдиришар,— деди дадам энамни тинчитиш учун.

Кейин ўтин ёрмоқчи бўлиб, ўтинхонага чиқиб кетди. Мен эса тезроқ чўлга кетишни ва йўлда Маржонбулоқсойнинг Мушукжарни доғда қолдириб, эс-ҳушимни оғдирган яшил далаларга отилиб чиқишини томоша қилишни орзиқиб ўйлардим.

Иккинчи боб

ХА, ЎЗИМ уни шундай бир сўзли қилиб тарбиялаганман. Отаси ҳам шунақа — отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган одам эди раҳматлик,— деди энам, ниҳоят оиламизнинг тўқайнинг нариёғидаги яйловга кетиши аниқ бўлгач, сир бой бермай.

— Энди бизга оқ фотиҳа берасиз, Оймўма хола!— деди кўча эшикдан ҳовлиқиб кириб келган Саттор пахталигининг енги билан терини артиб, сўрига оғир чўкаркан.

Дадам эса бўғчаларни арқон билан танғирди. Аям ҳам, кўчиб кетишимиздан норози бўлса-да, дадамдан ҳайиқиб ҳеч нима демасди. Бўлаётган ишларнинг ҳаммасига Саттор айбдордек унинг гапини эшитмагандек бўлиб ўтирган энамнинг юзидаги ажинлари кўпайиб, кўзлари маъюс тортиб қолган эди. Йигираётган иплари ҳам тез-тез узилиб кетар, асабийлашиб, узилган ипни тили билан узоқ улар эди. Дадам эса иложи борича энамнинг нигоҳидан кўзини олиб қочарди. Ниҳоят ишларини тугатиб, ёш боладек жовдираганча энамнинг қаршисига келиб ўтирди. Менинг эса энам билан қишлоқда қолишим аниқ эди.

— Қандай қилиб сизларни ташлаб кетамиз?— деди дадам оғир нафас олиб.

— Болангга ачинаётган бўлсанг, олиб кетақол, ўзим ўтираверaман!— дедилар энам дадамга қарамай.

— Уни ўйлаётганим йўқ. Бизсиз қийналиб қолармикансизлар? Бирга ҳам, мингга ҳам ош-сув, қозон-товоқ, ўтин-чўп керак. Ҳаммасини ғамлаб берамиз-у, уриниб қоласиз-да...

— Сен мени ўйласанг, мен арвоҳни ўйлаяпман, болам. Қандай қи-

либ отангнинг арвоҳини чирқиллатиб ташлаб кетяпсан-а? У қидириб келади,— деди энам кўзларига ёш олиб.

— Майли, эна, тез-тез келиб тураман. Фақат сиз хафа бўлмасангиз бўлгани. Ҳар ҳолда элдан ажраб қолсак яхши бўлмас. Ўзингиз буни яхши тушунасиз.

— Худо омадингни берсин, болам! Минг қатла розиман! Чўлга борганлар ёмон бўлаётгани йўқ! Бирнинг минг бўлиб, даштни обод қилганга нима етсин!

— Бўлмаса бизга фотиҳа беринг! Мен кўчни ташлаб, шу машина билан қайтиб келаман. Кейин сурувни ҳайдаб кетамиз!

Ҳамма кўч ортилган юк машинаси турган яланглиққа чиқди. Режам амалга ошмаганидан бир оз кўнглим ҳижил бўлса-да, энам билан қолаётганимдан хурсанд эдим. Ундан ташқари, энам мени ҳеч уришмайди. Дадамдан ҳайиқиб каптар ушлагани болалар билан Мушукжарга боролмай юрган бўлсам, энди бемалол кетаверамен. Шу хаёллар билан банд бўлиб турганимда энам урчуқ ва калаваларини қўлтиғига қисиб фотиҳага қўл очди.

— Эсон-омон, бағри бутун, тўрт кўз тугал манзилларингга етиб олинглар! Йўлларинг оқ, йўлдошларинг ҳақ бўлсин, бўталарим! Олинглар, олдирманглар! Омин!

Ҳамма қулини бетига сийпади. Кейин улар жўнаб кетишди. Олди тоққа қараган, пешайвонининг устунлари офтобдан оқариб кетган уйда энам иккаламиз қолдик. Энди энамнинг бирдан-бир суянган кишиси, маслаҳатчиси мен эдим. Энам мен билан худди катта одамлардек сизлаб гаплашар, бедани қачон ўриб боғлаш ёки ейишдан ортган узумларни майиз қилиш учун қаерга ёйиш кераклигини эринмай маслаҳатлашар эди, мен ҳам жиддий туриб ўз фикримни айтардим. Шу кундан бошлаб энди илгаригидек кўча чангитиб ўйнай олмаслигим, ёш болага ўхшаб қолган энамдан хабардор бўлиб туришим кераклигини илк марта астойдил ҳис этдим.

Назаримда кунлар одатдагидан секинроқ ўтарди. Қишлоғимизда бирга ўйнайдиган болалар ҳам деярли қолмаганлиги учун кунни кўпроқ энам билан Яссиқирда ўтказардик. Қолган битта-яримта болалар ҳам сомон ташиш билан овора эди. Энамнинг эса урчуқ йигириш ва номоз ўқишдан бошқа иши йўқ. Гоҳо чироқнинг пилигини кўтариб, урчуқ йигиришга киришади. Мен эса сўрининг панжарасига суяниб, осмонни тўлдириб шивирлашаётган юлдузларни томоша қиламан. Кеча сутдек ойдин. Тоғ томондан салқин шабада эсиб, кишини аллалайди. Сойнинг шарқираши орасидан эчки ёки сигирини излаётган кишининг товуши эшитилади. Ўрганиб қолганинг учун итларнинг вовуллаши одатий туюлади. Дадамлар шу вақтда нима қилишяпти экан? У ёқда тоғ йўқ. Тептекис далалар...

— Ҳа, мунча хаёл суриб қолдинг? Даданг билан аянгни соғиндингми?— деди энам урчуқ йигиришдан тўхтамай.

— Йў-ў-ўқ,— дедим чўзиб.

— Бўлмаса, муштдек бола, мунча хаёл сурасан? Дунёнинг қай бир ташвиши елкангга тушиб қолди?

— Сизнинг гапларингизни ўйлаяпман,— дедим.

— Қанақа гап?— деди энам урчуқ йигиришдан тўхтаб, менга жиддий тикиларкан.

— Ҳов, намоздан туриб, кимларнидир қарғадингиз-ку?— дедим секингина.— Нима, улар бобомга ёмонлик қилишганми?

Энам кутилмаганда хаёл суриб, индамай қолди. Урчуғи ипдан чиқиб юмалаб кетди. Урчуққа чувалиб кетган ипни ўраб, қўлига тутдим. Ниҳоят энам оғир хўрсиниб, гап бошлади.

— Ҳа, бўтам, ёмонлик қилган. Менинг хат-саводим бўлмаса ҳам виждоним бор. Бекордан-бекорга бировга худодан ўлим тиламайман. Инсон тили билан нима демасин, дилидагисини айтаркан. Хоинларнинг дили бошқа, тили бошқа бўларкан. Бобонг саводли одам эди, худо раҳмат қилгур. Не-не машаққатлар билан Бухоро мадрасасини битириб келган эди. Қишлоқ болаларини тўплаб мачитдами, бошқа ердами ўқитмоқчи бўлди. Сўнг кишиларга ариза ёзиб, хат-хабар ёзиб бериб, тирикчилик қилиб юрди. Шу орада: «Оқ подшо ағдарилиб, омон-омон бўлибди!..», деган хабар келди. Сал ўтмай босмачи деган бало пайдо бўлди. Босмачилар қишлоғимизни босганда ўтов тикиб, Ойқорга кўчиб чиқдик. Шу тоғнинг борига минг қатла шукурки, ҳаммамизни асраб қолди... «Колхоз бўлармиш», деган гап чиққанда қишлоқ аҳли тўпланиб, хат-саводи бор, деб бобонгни раис қилмоқчи бўлишди. Бобонг «Раислик қўлимдан келмайди», деб кўнмади. Шунда бир кун кечаси уйимизга тўртта аскарни эргаштириб Раҳим Қовоқ билан ҳозир қишлоғимизнинг ювуқсиз мулласи бўлиб олган Мансур Хира кириб келди. Бобонгни олиб кетишди. Шу кетганча дом-дараксиз кетди. Етти йил деганда ўпкасини совуққа олдирганча ногирон бўлиб кириб келди. Олти ой яшади бечора. Эҳ, мен кўрган кунларни худо душманимга ҳам кўрсатмасин. Орқасидан югурадиган меҳрибони йўқ эди. Шунинг учун жувонмарг кетди. Сўнгра Раҳим раис, Мансур Хира дўм[1] бўлди. Бобонгни «Мулла, эскилик тарафдори», деб қаматиб юборган Мансур қариганда сўфи бўлиб мулла Мансургга айланди қолди. Имонсиз Раҳим Қовоқ мулла Раҳим бўлиб, Боғмозорнинг тупроғини ялаб ётибди. Ҳамма нарсани кечириш мумкин, болам, лекин виждони йўқ одамнинг қилмишини кечириб бўлмас экан. Одам бошида одам бўлиб туғиларкан-у, яшаш учун инсонлигидан ҳам воз кечиб, ўзини минг бир қиёфага соларкан. Ҳаммамиз ҳам тирик тупроқмиз. Тупроқнинг олдида ҳаммасининг тақдири бир-у, лекин душманингдан бурун ўлгинг келмас экан. Шу иккови қишлоғимиздан ўн чоғли кишининг ёстиғини қуритди. Раҳим Қовоқ ўзи зомин бўлган одамларнинг болаларининг кўзига кўринишдан қўрқиб, кўчиб кетди.

Мен мум тишлагандай индамай ўтирардим. Бу энамнинг биз билмайдиган сири экан. Лекин умуман энам ҳақ эди. Ҳамма қўни-қўшниларимизнинг маслаҳатгўйи энам бўлмайдиган гапни гапирмасди.

Яхши кўрган нарсам — энам билан уйимизнинг кун чиқиш томонидаги тепаликда ўтириб, Маржонбулоқсойнинг шовуллаб оқишига қулоқ солиб, томоша қилиш эди. Сойнинг бир маромда шарқираши энамнинг пириллатиб урчуқ йигиришига қўшилиб кетар, беғубор осмонга тикилиб, Маржонбулоқсой осмон қаъридан Ойқордан бошланиб кўз илғамас даштларда туташадиган уфқида тугайдигандек туюлар эди. Аҳён-аҳёнда олдимизда саман биясини қамчилаганча қоқбурун Худойқул келиб қоларди.

— Ҳормanглар эна-бола! Яхши ўтирибсизларми?— дерди у деярли ҳар келганида киноялиғ оҳангда.

— Худога шукур, сўраганингдан бери. Ўзинг яхшимисан, бола-чақанг

[1] Дўм — Қишлоқ советининг раиси.

тинчми?— дерди энам урчуғини қўлидан қўймай.

— Давлатнинг мулкини қўриқлаб юрибмиз,— дерди у жуда муҳим ишни бажараётганлигини уқтираётганлигини уқтираётгандек.

— Нима, дов-дарахтларни суяб турасанми? Сурувлар бўлса даштга кетди,— деди энам унинг юзига қарамай.

— Қўй, бечора, садағаси кетсанг арзийдиган жонивор. Тоғда юрса ҳам дов-дарахтга озор етказмайди. Ҳай-ҳай отинг ўчкур, онаси шайтондан тарқагани — эчки! Худонинг тирик балоси. Дарахтларни қайчилагандек қилиб ейди. Аслида қўй сурувларини қолдириб, эчкиларни даштга ҳайдаш керак эди,— деди Худойқул чордана қуриб ўтираркан.

— Қўйингни қўшадиган сурув қолмагани учун алам қилаётгандирда? Одамлар қатори сен ҳам чакана бер! Нима, тоғбеги бўлсанг, шохинг борми? Одам ердан ажраса ҳам элдан ажрамайди,— деди энам гап билан ўйиб олиб.

Худойқул кўзларини қисиб, тиржайди. У энамнинг гапларини ҳазилга йўймоқчи бўлди. Энам эса ҳамон жиддий гапирарди.

— Раҳматлик энанг дугонам эди. Ростини айт, Худойқул. Мени алдаганинг энангни алдаганинг. Тоғбегиликни қандай қилиб олдинг? Жаббор тоғбеги ҳеч кимга оғзидан нонини олдирадиган одам эмасди-ку? Ёки пора-мора бердингми?

Худойқул кўзларининг икки чети тиришиб, илжайдида, шу ҳолда анчагача серрайиб қолди. Ўзини йўқотгудек довдираб, гоҳ у тиззаси, гоҳ бу тиззаси билан чўккалар, гоҳ чордана қуриб ўтирар эди.

— Нима, ичингга қурт кирганми дейман?— деди энам калавага ип ўраркан.— Бозорвойжон! Урчуқни ушлаб тур, калавамни ўраб олай,— деди энам урчуқни менга узатиб.

Мен одатдагидек икки кўрсаткич ва бош бармоғим билан урчуқнинг икки томонидан ушлаб турдим. Энам калава ўрарди. Худойқул эса талқон ютгандай ҳамон миқ этмасди.

— Ҳа, Худойқулжон, даминг ичингга тушиб кетди? Бир гапинг бор экан-да,— деди энам уни баттар ноқулай аҳволга солиб.

— Бе-э, Оймўма хола! Нима гап бўларди?.. Ҳей, бола, бор сен ўйнаб кел. Катталар гаплашганда ёш бола қулоқ солиб ўтирмайди. Урчуқни мен ушлаб турақолай,— дея урчуқни мендан олди Худойқул.

— Майли, Бозорвойжон, бор, ўртоқларинг билан ўйнаб кела қол. Сен урчуқни ушлай олмайсан, ўзимга бер. Оёғимнинг орасига қистириб ўрайверaман,— деди энам урчуқни унинг қўлидан олиб.

Мен ноилож пастга қараб юрдим. Мушукжар томонга бориб ўйнаб келмоқчи бўлдим. Лекин негадир Худойқулнинг гапларини эшитгим келарди. Тепаликнинг орқа томонига ўтиб ағнаганимча уларнинг суҳбатига қулоқ солиб ётдим.

— ... Ҳеч кимдан тап тортмайман-у, сизга келганда тилим айланмай қолади-да, Оймўма хола. Нега шундайлигига ўзим ҳам ҳайронман. Сизнинг бир нимангиз бор. Ё авлиёсиз, ё кўзбойлоғич!.. Шуниси борки, сизга ҳамма гапни айтиб, маслаҳат олиш мумкин. Яхши одатингиз — бировнинг гапини бировга айтмайсиз,— дерди овози бўшашиб Худойқул.— Энди ростини айтсам бу тоғбегиликни оламан дегунча она сутим оғзимга келган. Лаънати Жаббор Сариқнинг томири чинорникидек мустаҳкам экан. Ўнта пайғамбардан битта худо маъқул, деганларидек, шу ўрмончиларнинг энг каттарини қўлга олдим. Оёғига йиқилиб: «Шу ёруғ дунёдаги паноҳим бўлинг!», деб, топган-тутганимни сарф қилдим. Қарабсизки, икки ҳафтага бормай бизга приказ келиб турибди-да.

Худойқулнинг оти кетма-кет кишнаб, унинг гапини эшиттирмай қўйди.

— Қуриб кетсин қилган ишинг!— деди энам калава ўрашдан тўхтаб.— Сенга ўхшаган ҳаромхўрларнинг дарёси тошаётганидан хавотирдэман. Сенинг тегирмонингга сув қуядиганларнинг тагига ҳам сув кетар бир кунмас-бир кун!...

— Нима десам экан? Бундай ишларни умрида бир-икки марта қилган одамнинг виждони қийналиши мумкин. Шу ишни сен қилмасанг, биров қилиб, оғзингдан ошни олиб кетади. Хўш, илож қанча?

— Тавба-а! Одамлар қанақа бўлиб кетишган-а? Ўғрилигингни, қинғирлигингни билардим-у, лекин бунақа устомонлигингни билмас эканман. Ҳой, бола, худо бу нобакорлигингни жазосиз қолдирмайди. Мана, соқолингга оқ тушиб, қарияпсан. Эсингни йиғ. Юрт орасида юруксиз бўлиб қоласан. Лекин сендақаларга одам боласи бас келолмайди!

— Худоси ҳам бас келолмайди! Ёмонмиз! Шунинг учун юраверамиз! Отсангиз ўқ тегмайди! Бўлганимиз шу!— деди Худойқул энамнинг гапига тегиб.

— Э, шаккок! Беандиша! Қулоқ сол, сенга бир гапни айтиб бераман. Шундан кейин кимлигингни билиб оласан,— дея бироз энгашиброқ сўзлай бошлади энам.— Бир беимон бор экан. Барча қатори унинг ҳам куни етиб чин дунёга элтиб қўйишибди. Бир вақт олдига Мункар-Накир келибди. «Тур эй, худонинг бандаси! Сўроқларимизга жавоб бер!»— дейишибди улар. «Ахир бир одамни неча марта сўроқ қиласизлар!— дебди у ўрнидан туриб.— Ҳозир кимдир келиб сўроқ қилиб кетди-ку?» Нима деб жавоб қайтаришини билмай қолган Мункар-Накир ноилож хуноб бўлиб, худонинг олдига қайтиб боришибди. «Мункар-Накир бизми ёки биздан бошқа Мункар-Накир ҳам борми? Агар Ёўлса бизни ишдан бўшат?», дейишибди худога ва бўлган воқеани айтиб беришибди. «Унинг алдамагани битта сизлар эдинглар. Сизларни ҳам алдабди, энди унга тегманглар, ётаверсин! Жаннатгами, дўзахгами ўтказиб юборсак у ёқдагиларни ҳам йўлдан уради, нобакор,— дебди худо. Ана кўрдингми, бундайларга худо ҳам бас келолмайди!— деди энам шаҳд билан урчуқларини айлантириб.

— Жа-а пухта одам экан-да, Мункар-Накирни ҳам алдабди-я?— деди Худойқул ҳиринглаб.

— Содда одамларнинг нонини туя қилма бола. Кошки шу йўл билан топганинг ўзингга буюрса! Ўзингга ўхшаганлар еб кетади.

— Енгилдим, Оймўма хола! Энди нима иш қилсам сиздан сўраб қиламан!

— Сўрама! Кўзимга камроқ кўрин!— деди энам аччиқланиб.

Худойқул индамай қолди. У гуноҳкор боладек ерга тикилиб ўтирар, аҳён-аҳёнда кир қулоқчинини кўтариб, пешанасини артар, бурнини тортиб қўяр эди.

— Ишингга бор энди! Тоғни қўриқла!— деди энам янгидан урчуқ йигиришга киришар эканлар.

— Бизникига бориб туринг, ёлғиз ўзингиз зерикиб кетасиз. Келинингиз ҳам ёлғиз,— деди Худойқул кета туриб.

— Қўлим тегса борарман. Ўрдадай ҳовлини мен билан шу зарғалдоқдек болага ишониб кетишган,— деди энам уйимиз томонга ишора қилиб.

Худойқул тепаликнинг кун ботиш тарафидаги бўлиқ ўт қоплаган ариқ бўйида ўтлаб юрган отига қараб юрди. Худойқул имиллаб отнинг тушовини ечди-да, эгарнинг устига ташлади. Сўнг узангига оёқ қўйиб, эгарга қўнди. Энам эса шитоб билан урчуқ йигирарди.

Охири келгуси сонда

БОКУ ПРОЛЕТАРИАТИДАН ЁДГОРЛИК

Алишер Навоий номидаги Республика давлат кутубхонасининг нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлимида 13 мингдан зиёд китоб сақланади. Бўлим фондида XV асрдан XX асргача нашр қилинган мазмунан турли-туман қимматбаҳо асарлар бор. Улар орасида революцион нашрлар, марксизм-ленинизм классиклари асарлари алоҳида ўрин тутади.

Боку пролетариати ва коммунистларининг қаҳрамонона фаолияти билан боғлиқ нашрлар орасида эса «Прогресс» газетасининг 1907 йил, 18 февралда шойига босилган 1-сони алоҳида қимматга эгадир. Қадимда мўътабар асарларгина шойи қоғозга ёзилган. Аммо шойида газета чиқариш ҳодисаси тарихда илгари учрамаган.

1905—1907 йиллар рус революцион матбуоти тарихида муҳим давр ҳисобланади. Доҳиймиз В. И. Ленин «1905 йил революцияси тўғрисида доклад» асарида шундай деган эди: «Матбуот эркинлиги қўлга киритилган, цензура шундайгина суриб ташланган эди. Ҳеч қандай ношир босилаётган нарсаларнинг мажбурий нусхасини ҳукуматга топширишга ва маъмурлар эса бунга қарши бирон чора кўришга ботина олмас эдилар. рус тарихида биринчи марта Петербургда ва бошқа шаҳарларда революцион газеталар эркин суратда чиқди».

Шунинг учун ҳам худди шу йиллари В. И. Ленин асарлари очиқ имзо билан нашр этилган. Нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлимида шундай нашрлардан икки нусхаси сақланади: биринчиси доҳийнинг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» (Москва, 1905) асари бўлиб, китоб РСДРПнинг Москва комитети томонидан нашр эттирилган; иккинчиси эса «Ишчи партиясининг аграр программасини қайта кўриб чиқиш» (Санкт-Петербург, 1906) асаридир. Бироқ кўп ўтмай, 1907 йилнинг ўрталарида Петербург суд палатаси ҳукми билан иккала нашр ҳам тақиқланиб, қўлга тушган нусхалари йўқотиб юборилган.

Фикримизча, «Прогресс» газетасининг дастлабки сонини шойи матода босиб чиқаришда Боку большевикларини ўша қўлга киритилган матбуот эркинлиги илҳомлантирган. Газетанинг мақсад ва вазифалари ҳақида айтилган қуйидаги ошкора фикрлар ҳам вақтинча эришилган матбуот эркинлиги туфайлидир, албатта:

«Вилоят матбуотининг янги органи редакцияси бугун «Прогресс» газетасининг биринчи сонини чиқарар экан, қуйидаги мақсадларни ўзига дастур қилиб олади: 1. У халқ меҳнат ва ҳунармандчилик ҳаётига доир бевосита ёки билвосита масалаларни изчил ёритиб боради... 2. Мусулмонлар оммасининг мафкуравий, умуммаданий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўсувига бутун эътиборини қаратар экан, редакция бу ишга зинҳор миллатчилик тусини бермаяжак, балки шу билан бирга қабилавий, диний ва бошқа айирмаларидан қатъи назар, моддий жиҳатдан кучли синфлар томонидан эксплуатация қилинганлар, хўрланганлар ва барча жабр-зулм остида эзилганлар манфаатини ёқлаяжак...

Биз ҳозирги нашриётчиликнинг тиканакларидан кўз юммаймиз; аммо бизга халқ ваколати фикр ва сўз устидан назоратни, жазони, эрксизликнинг оғир жабрини итқитиб ташлайдиган, матбуот тўғрисидаги қонунларнинг у ёки бу «жиноятлари»ни баҳолаш, эзилган ва ҳозирда қиёфасиз граждан суди билан узил-кесил ҳамда умрбод ўрин алмашадиган ажойиб, бунинг устига яқин қолган келажакка бўлган ишонч мадад бағишлайди».

Газета биринчи сонининг юзга яқин нусхаси шойига босилиб, эътиборли обуначиларга тарқатилган. Шундай обуначилардан бири ўша пайтдаги Туркистон халқ кутубхонаси мудири И. П. Зиков бўлган. Фикримизча, газета подшо маъмурияти томонидан тақиқлангач, Зиков унинг 1-сонини яшириб қўйган. Библиографлар 1961 йили кутубхона архивини тартибга келтираётганларида «Прогресс» газетасининг шу мўътабар нусхасини топиб олдилар.

Уч ой давомида «Прогресс» газетасининг атиги 47 сони чиққани маълум. Ўз саҳифаларида ишчи ва меҳнаткашлар манфаатларини ёқлаб, корхона эгаларини танқид қилгани учун газета редакцияси Боку шаҳар бошлиғининг буйруғи билан ёпилади, босмахона эса мусодара этилади.

Марксистик адабиёт Ўрта Осиёга Каспий денгизи орқали, Боку — Красноводск йўли билан келтирилади. Чунки бу йўл энг қисқа ва хатарсиз, подшо охранкасининг эътиборидан четроқда эди. Туркистон социал-демократлари Бокудаги вакиллари орқали ўзларининг бошқа шаҳарлардаги ноширлари билан алоқа боғлар эдилар. 1918 йили Бокуда босилган В. И. Ленинниинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарининг нусхалари ҳам ана шу сув йўли орқали Ўрта Осиёга олиб келиб тарқатилган.

В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлимида сақланаётган доҳий асарларининг камёб нашрларини саралар эканмиз, Озарбойжонда босилган мазкур китоб нусхаси эътиборимизни тортди. Яқинда кутубхонамиз меҳмони бўлган Озарбойжон Давлат кутубхонаси нодир китоблар бўлими мудирининг Бокуда 1918 йили нашр этилган В. И. Ленинниинг бу китобига кўзи тушиб, нашрнинг ўзларида йўқ эканлигини айтди. Биз асарнинг Иттифоқимиздаги бошқа кутубхоналар фондларида бор-йўқлигини суриштирдик. Ўзбекистон ССР Китоб па-

Ҳақиқат

Изоҳлашиб узундан-узоқ
Эски миш-миш — кексалар сўзин,
Излаб келди донолар ҳар чоқ
Унутилган ҳақиқат изин.
Уқтирдилар: «Аччиқ ҳақиқат
Тушган қочиб қудуққа мубҳам,—
Сув ичаркан бари ҳамжиҳат
Қичқирдилар:— Топамиз шундан!»

Лекин кимдир, Азроил огоҳ —
(Сал бўлмаса кексайган Қувват)
Кекқайишган гўлларга гувоҳ,
Шовқин, сувдан кутмай мурувват,
Кўринмас сир баҳридан кечиб,
Айб ҳақида илк бор ўй сурди,
Косадаги бор сувни ичиб,
Ҳақиқатни тубида кўрди.

Дераза

Ҳозиргина қорайганда қош,
Туман йўли узра ой ёлғиз
Юзган чоғи хилватда нурпош,
Кўриб қолдим — ўлтирар бир қиз
Деразада хаёлга ботиб,
Қалби депсиб сирли ваҳмдан.
Ҳаяжонга тушар у боқиб
Тун чулғаган йўл томон зимдан.

«Мен шундаман!»— ел шивир сочди,
Қизнинг қўли қалтираб бежой,
Ҳадиксираб дарчани очди...
Қоронғига кириб кетди ой.
«Хушбахт!— дедим чекиб мен
фиғон,—
Сени шодлик кутмоқда бу дам.
Қош қорайган чоғлари қачон
Очиларкан дарча менга ҳам?»

* * *

1828 йил, 26 май

Кутилмаган беҳуда ҳиммат,
Ҳаёт, нечун берилдинг менга?
Ёхуд сени мубҳам бир қисмат
Ўлим билан жазолар, нега?

Хусуматдан дилида захм,
Чорлаб қолса бирон беимон,
Тўладими қалбимга ваҳм,
Шоширармн ақлимни гумон?..

Мақсад деган нарса менга ёт:
Қалбим — бўм-бўш, ақл — бемаъни,
Доим бир хил ғувлаган ҳаёт
Азоблари тўйдирган мени.

Эргаш МУҲАММАД таржимаси

Ўзбекистонда А. С. Пушкин кунлари

Инсонпарварлик ғояларини юксак бадиият билан куйлаган буюк сўз санъаткорларининг ижоди фақат ўша адиблар мансуб халқнинггина эмас, балки бутун башариятнинг, барча халқларнинг ҳам маънавий мулкига айланиб қолади. Рус адабиётининг асосчиси Александр Сергеевич Пушкин худди шундай улуғ сиймолардандир. Пушкин гениал асарларида рус халқининг энг яхши хислатларини — эрксеварлик, ватанпарварлик ва революцион журъатини теран бадиий акс эттирди.

Улуғ санъаткорнинг ўзи ҳам ижодининг тонгида, яъни ўн олти яшарлигида яратган «Лицейга» шеърида шундай деб ёзган эди:

Қўқракда қайнайди эрк учун ҳавас,
Улуғвор халқ руҳи менда мудрамас.

Узбек китобхони Пушкинни ўз шоирим деб севади. Унинг пурмаъно асарлари халқимизнинг қалб мулкига айланган. Улуғ рус шоири асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимиз орасида кенг шуҳрат қозонишида маданиятимиз вакилларининг бир неча авлоди катта ижодий меҳнат қилди. Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳ. Олимжон, Уйғун, М. Шайхзода, Зулфия, А. Қаҳҳор, Миртемир, У. Носир, Т. Фаттоҳ ва бошқа адибларимиз Пушкиннинг бой мероси билан халқимизни таништиришда зўр ғайрат кўрсатдилар.

Бугунги кунда А. С. Пушкин асарлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ. Республикамизда шоир ижодига бағишлаб китоблар ёзилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати Пушкин меросини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш ишига яқиндан туриб раҳбарлик қилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори билан республикамизда тузилган Пушкин комитети самарали иш олиб бормоқда. Ўзбекистон халқ шоири Зулфия бошчилигидаги комитет Пушкин асарларини халқимиз орасида ёйишда хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда: ҳар йили июнь ойида пушкинхонлик кунлари бўлиб ўтмоқда, шоир асарларининг янги нашрлари, янги таржималари амалга оширилмоқда, лекциялар ўқилмоқда, Пушкин асарлари кўргазмалари ташкил этилиб, суҳбатлар ўтказилмоқда. Пушкин кунлари умумхалқ байрамига айланиб бормоқда.

А. С. Пушкин ижоди — бепоён маънолар уммони. Ҳар бир халқ, ҳар бир давр бу буюк уммондан ўз эҳтиёжига яраша дуру жавоҳирлар тераверади. Пушкин мероси башариятнинг ўзи каби абадийдир!

БАРҲАЁТ МЕРОС

Адабиёт муҳлисларига аёнки, А. С. Пушкин асарлари тўғрисидаги илк маълумотлар Туркистонда ўтган асрнинг 80-йилларидан тарқала бошлаган. Фактлар шуни кўрсатадики, 1899 йилнинг 27 майида Тошкентдаги бир қанча рус-тузем мактабларида ўқитувчи ва ўқувчилар улуғ рус шоири туғилганига 100 йил тўлишини алоҳида нишонлаб, адабий кечалар уюштирганлар. Ўша йили «Туркистон вилоятининг газети» Пушкининг «Шоир», «Шоирга» шеърлари, «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асари ҳамда «Боғчасарой фонтани» поэмасидан олинган бир парчанинг насрий баёнини эълон қилади. Кейинроқ газетада шу эртакнинг шеърий таржимаси босилади.

Улуғ ўзбек демократ шоири Фурқат ҳам Пушкин ижоди билан ўша йиллари «Туркистон вилоятининг газети» доирасида танишади.

1906 йили Тошкентда рус маърифатпарвар педагоги С. Граменицкийнинг маҳаллий халқ болаларининг рус тилини эгаллашларига мўлжалланган «Учинчи ўқиш китоби» дарслиги босилиб чиқади. Дарсликда рус классик адиблари асарларидан кўпгина намуналар берилади. Улар орасида Пушкин ижодига алоҳида ўрин ажратилиб, шеърлар келтирилган эди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Туркистон матбуотида ёритилган ва татар, озарбойжон матбуоти орқали маълум бўлган Пушкин ҳақидаги хабарлар моҳиятига кўра ибтидоий эди, дейиш жоиздир. Буюк рус шоири ижодини ўрганишдаги янги босқич, шубҳасиз, Октябрдан сўнг бошланди. Ўзбекистон халқ артисти Мария Кузнецованинг хотирлашича, Ҳамза Пушкин асарлари ҳақида мароқ билан сўзлаб, унинг ижодини чуқур ўрганишга даъват этган. Пушкин ижодининг дастлабки ташвиқотчиларидан бири Шокир Сулаймон эди. У 1922 йилнинг май ойида «Қизил байроқ» газетасида мақола эълон қилиб, янги замон ўзбек ёзувчилари рус классик адабиётининг энг яхши вакилларидан ўрганишлари лозимлигини таъкидлаб, дейди: «Рус адабиёти Пушкиндан кейингина кўзга кўрина бошлагандир. Пушкиннинг «Евгений Онегин», «Капитан қизи» асарлари русларнинг янги адабиёти даврини бошлайдилар».

«Маориф ва ўқитғувчи» журнали 1926 йилдаги 3- 4- ва 5-сонларида латаси, В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонасида сақланаётган доҳий асарлари нашрлари каталогларида ҳам Боку нашри хусусида маълумот йўқ. Кутубхонада сақланаётган мазкур нашр нусхасида китоб нашири «Боку Маориф халқ комиссарлиги» деб кўрсатилган. Нашр этилган йили, тиражи кўрсатилмаган. Аммо биргина шу «Боку Маориф халқ комиссарлиги» деган ном бизга кўп нарсани англатади. Кўз ўнгимизда оловли 1918 йил жонланади. Пролетариат Бокуда аксилинқилобчилар ва муссвотчиларга қарши курашиб, шу йилнинг бошларида ҳокимиятни ўз қўлларига олади ва 25 апрелда Боку Халқ Комиссарлари Советини ташкил этади. Боку ХКСга раис қилиб оташин революционер Степан Георгиевич Шаумян, Боку Маориф халқ комиссари вазифасига инқилобчи рус қизи Надежда Николаевна Колесникова сайланадилар. Бироқ 31 июлда Боку вақтинча душманлар қўлига ўтади. Инглиз интервентлари ва оқгвардиячилар Закаспий областига ўтган 26 Боку комиссарини қўлга тушириб, 20 сентябрда ваҳшийларча отиб ташлайди.

Боку Коммунасининг ўша шонли ва машаққатли кунларида Маориф халқ комиссарлиги В. И. Ленинниинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» китобини босиб чиқариб, барча партия аъзоларига тарқатган. Бу китоб 1918 йилнинг ўзида Бутунроссия Марказий Ижроия комитети томонидан икки бор, сўнгра Петроград, Архангельск, Брянск Саратов, Смоленск, Тамбов, Тверь, Тула, Тошкент, Фарғона шаҳарларида нашр этилади. Асарнинг Тошкент нашри хусусида «Советский Туркестан» газетасининг 1918 йил, 26 июнь сонида шундай хабар босилган: «В. И. Ленинниинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» китоби босмадан чиқди ва сотувга тушди. Тошкент ишчи ва солдат депутатлари советларининг нашри. Баҳоси 50 тийин». Асар Петроградда эстон тилида, Германия, Швейцария, Шимолий Америка Қўшма Штатлари (инглиз, рус, литва тилларида 9 нашр), Канада, Франция, Янги Зеландияда нашр этилади ўша йили.

В. И. Ленинниинг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарининг 1918 йилги нашрлари жаҳон афкор оммасини Совет ҳокимиятининг мақсад ва вазифалари билан таништирди. Келажакка ишонч руҳини уйғотди. Биз учун, айниқса, китобнинг Боку нашри алоҳида қимматга эга. Бу нусханинг титул варағида «Советский Туркестан» газетаси редакциясининг печати бор. Мазкур газета 1918 йилнинг 14 июлидан 29 октябригача Туркистон Республикаси Халқ Хўжалиги Кенгаши раиси П. Г. Полторацкий (1888—1918) ва 36-сонидан бошлаб Туркистон ХКС раиси Ф. И. Колесов (1891—1940) муҳаррирлигида чиқарилган. Шунга қараганда, китоб Бокуда нашр этилиши билан бир нусхаси Тошкентга келтирилгани маълум бўлади. Китобнинг юқори қисмига сиёҳ билан «Ап. Норман» деб ёзилган. «Советский Туркестан» саҳифаларидаги театр ҳаётига доир мақолаларига қараганда Аполлон Норман газетанинг адабий ходими бўлган. У маданий қурилиш ишларида ҳам фаол қатнашган.

Ўрта Осиёда озарбойжонлик большевиклар кўп эди. Улар бу ерда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда ўзбек коммунистларига мададкор бўлганлар. Шу туфайли ҳам В. И. Ленин асарининг 1918 йили Бокуда босилган нусхаси биз учун мўътабар, Боку Коммунасидан ёдгорликдир.

Наим НОРҚУЛОВ,
тарих фанлари кандидати

«Русиянинг буюк адиблари» рубрикаси остида Пушкин, Лермонтов ва Гоголь ижодига бағишланган мақолалар эълон қилади. Жумладан, журналда шундай фикрлар бор: «А. С. Пушкин (1799 — 1837) бир тарафдан ҳаётга қайдсиз, ғамсиз манзумалари, дигар тарафдан «Қишлоқ» ва «Ҳурлик»дек шеърлари била шу қайнашма (1812 йилги Ватан уруши ва декабристлар қўзғолони — **М. Ю.**) даврида ўртага чиқмоқда эди. Пушкин бу шеърларида халқ асорати чорнинг тилагига мувофиқ тушишини ва ҳокими мутлақ ҳуқуқининг халқ эрки билан чекланишини ўйлар эди. Лекин «Ханжар» манзумасида Пушкин инқилобнинг мажбурий суратда бўлишига ҳам мойилдир... Бу улуғ шоирнинг буюклиги энг гўзал, бадиий ва санъаткорона муваффақиятларида ўзининг синфий доираси чорчўбасидан чиқишидадир». Сўнгра мақола автори Кубиев шоир ижодининг гуманистик моҳияти, халқчиллиги хусусида, инсон эрки учун курашгани ҳақида махсус тўхталади.

Илк ўзбек совет журналисти ва таржимонларидан бири Саидғани Валиев 1927 йили «Ер юзи» журналида босилган «Пушкин» сарлавҳали ахборотида шоирни «ҳозирги рус адабиётининг отаси» тарзида юксак баҳолайди ва унинг рус адабиёти тарихидаги мавқеини Алишер Навоийнинг ўзбек адабиёти тарихида эгаллаган буюк мавқеи ҳамда аҳамиятига қиёслайди. Пушкин асарларининг халқчиллиги, оммабоплигини уқтиради.

Пушкиннинг даври, ҳаёти ва адабий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шу тариқа оз-оздан тўплана бориб, 30-йилларнинг бошларига келиб унинг асарлари ўзбек тилида китоб ҳолида нашр этилади.

1936 йили А. С. Пушкин вафотининг 100 йиллигига Умумиттифоқ миқёсида тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Олий ўқув юртлари, мактаблар, кутубхона, клубларда Пушкин кечалари ўтказила бошланди. Ўша йилнинг 7 январида Тошкентдаги Қизил Армия уйида ёшлар ва мактаб ўқувчилари ҳар хил костюмлар, ғаройиб ниқоблар кийиб, балмаскарад ташкил этадилар ва унда улуғ шоир асарларидаги ўлмас образларни жонлантирадилар. Татьяна, Евгений Онегин, Сув париси — Русалка ва бошқа қаҳрамонлар китоб саҳифаларидан чиқиб, одамлар орасига кириб келадилар. Пушкин драмаларидан парчалар кўрсатилади.

Ўзкомпартия Марказий Комитети ва республика ҳукумати шоир юбилейига катта сиёсий-маданий тадбир, халқлар дўстлиги, маданиятлар ҳамкорлиги байрами сифатида қараб ЎзССР Марказий Ижроия Комитети қошида махсус Пушкин комитети туздилар. Комитет июнь ойида эълон қилган тадбирларга энг муҳим ишлардан бири — Пушкиннинг энг йирик асарларини, ажойиб лирикаси дурдоналарини ўзбек тилида нашр этиш экани айтилган эди. У ерда кўрсатилишича, Ойбекка «Евгений Онегин»ни, Ҳамид Олимжонга «Кавказ асири» ва «Сув париси»ни, Мақсуд Шайхзодага «Моцарт ва Сальери» трагедияси ҳамда лирик шеърларни, Иззат Султонга «Бекат назоратчиси»ни, Миртемирга лирик шеърларни, Т. Фаттоҳга «Лўлилар»ни, Усмон Носирга «Боғчасарой фонтани»ни, Ҳ. Ғуломга «Хасис рицарь»ни, Элбекка «Балиқчи билан балиқ ҳақида эртак»ни ва болаларга аталган асарларини, Аъзам Айюбга «Бўрон»ни таржима қилиш топширилган. Комитет таржима билан шуғулланувчи адиблар бошқа ишлардан озод этилиб, Чимён курортида ажратилган махсус жойда ишлаяжакларини билдирган.

Ўзбекистон вақтли матбуоти эса А. С. Пушкин ижоди билан халқни таништириб боришга катта эътибор берди. «Пушкин йиллигига» доимий рубрикаси очилиб, ўзбек ва рус адабиётчиларининг мақолалари мунтазам босилиб турди. «Қизил Ўзбекистон»нинг 1936 йил, 6 июнь сонида Юрий Круковскийнинг мақоласи ёритилиб, унда шоирнинг «Хайкал» шеъридан парча келтирилади ва Пушкин энди илк марта ўн миллионлаб кишиларга маълум бўлди, дейди. Адиб Пушкин ижодининг жаҳоншумул аҳамияти масаласига тўхталиб, ёзади: «Пушкин ҳеч қачон нуқул рус ҳаётидан олинган мавзу доирасида биқиниб қолмади. У ўзининг доҳиёна фикри ва сезгиси билан бошқа синфлар, замонлар, халқлар турмушини англар эди. Унинг доҳиёна хусусияти масофа, замон чегарасини билмас эди... Пушкин ҳаммага ва ҳар кимга яқинлиги шунга ҳам асосланганки, унинг поэзиясида «умумий» бўлган нарса бор, бирон доира ёки миллат кишисигина эмас, балки ҳар бир киши тушунадиган хусусиятлар бор... Пушкин поэзиясининг асосий оҳанглари — турмушга (ҳаётга — **М. Ю.**) ташналик, ижод, муҳаббат ва дўстлик».

1937 йилга келиб ўзбек тилига қилинган таржималардан намуналар эълон этила бошланади. Газеталар ва «Совет адабиёти» журналида «Евгений Онегин», «Борис Годунов»дан парча босилади, «Боғчасарой фонтани», «Кавказ асири» каби асарлар босилиб чиқади.

1937 йилнинг 10 февралида Файзулла Хўжаев имзоси билан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг юбилей тадбирлари ҳақидаги қарори матбуотда эълон этилди. Қарорда таржима қилиниб, босмага топширилган Пушкин асарларининг ҳар бирига белгиланган тиражлар кўрсатилган, шоирнинг китоблари 1937—1938 йиллар мобайнида нашрдан чиқарилсин, деб таъкидланган. Шу билан бирга қарорда китобхонлар, танқидчилар томонидан билдирилган фикрларни қайта нашрларда ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланган. «Бундан буён,— дейилади қарорда,— таржима ишлари Адабиёт ва тил институтига топширилсин. Институт Нафис адабиёт нашриёти ва Ёзувчилар Союзи билан бирга А. С. Пушкиннинг кўрсатилган асарларини нашр қилсин ва бу ишни ўз планига киритсин».

ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети А. С. Пушкин номини абадийлаштириш учун Адабиёт ва тил институтига, Самарқанддаги область халқ кутубхонасига Пушкин номини бериш ҳақида қарор чиқаради. «Қизил Ўзбекистон»нинг шу қарор босилган сонининг биринчи саҳифасида «Асрлар шоири» сарлавҳали редакцион мақолада, жумладан, шундай ҳақиқат бор: «Пушкин ҳаммадан ортиқ бизга қадрдон. Ўзбек халқи ҳам, Иттифоқ ва бутун дунё халқлари қаторида Пушкиннинг энг минатдор ва энг самимий мухлисларидан бўлиб қолажак».

Газетанинг иккинчи саҳифасида Ойбекнинг «Доҳийдан ўрганиш», Юсуф Султоннинг «Нечун Пушкинни севамиз», Ойдиннинг «Пушкин маданий даражамизни оширди» мақолалари, Ҳамид Олимжоннинг «Пушкин» деган шеъри босилган. Агар Ойбек: «Бу йил ўзбек адабиёти учун жуда бахтли йил бўлди. Пушкиннинг бир кўп шеър ва поэмалари, ҳикоя ва қиссалари ўзбек тилига таржима этилди... Энди ўзбек китобхонлари Пушкин шеърларининг фикрларига, мусиқасига берилиб, гўзалликни туядилар», деб ёзган бўлса, Ойдин: «Биз Пушкиннинг ўлимига 100 йил тўлиши юбилейини ҳаммамиз биргаликда уни тирилтириш тўйи қилиб ўтказмоқдамиз», деб эл қувончини изҳор этган эди.

Юсуф Султон мақоласида биз қуйидагиларни ўқиймиз: «Пушкин ўз замони назаридан юқори кўтарилган эди. Ўз асарларида киши характерининг шундай умумий хусусиятларини кўрсатиб берганки, улар ҳали ҳам ўз қимматларини йўқотмаганлар, улар бизга таъсир этишда, бизни тарбиялашда давом этадилар... Пушкин поэзияси руҳий кўтаринкиликни ва кишиларнинг энг яхши интилишларини куйлади. Пушкин доим тирик, ҳамон бизга замондош».

«Қизил Ўзбекистон»нинг 1937 йил, январь-февраль ойларидаги бир қанча сонларида адабиётшунос В. Кирпотиннинг шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалари босилиб турди. Турли ўқув юртларида «Пушкин ва унинг даври», «Пушкин ва декабристлар», «Пушкин — драматург», «Пушкин поэзияси», «Пушкин — прозаик» каби мавзуларда адабий кечалар, лекциялар уюштириларди.

«Совет адабиёти» журнали Ҳамид Олимжоннинг «Салом, Пушкин!» (1937 йил, 1-сон), адабиётшунос ва танқидчи Раҳмат Мажидийнинг «Пушкин бизники» (1937 йил, 2-сон) мақолаларини ва бошқа адибларнинг фикрларини адабий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди. Ҳамид Олимжон Пушкин ижодини тарихий ва юксак илмий-назарий йўсинда таҳлил этгач, Октябрь революцияси шоирнинг буюк хаёлларини ҳақиқатга айлантиргани, «Русиянинг буюк шоирининг улуғ номи бутун СССРни қуршаб олгани», СССР халқлари Пушкиннинг номини «унинг ўзи ўйлагандан яхшироқ қилиб аташга эришганлари»ни гаъкидлаб, шоирнинг ўзбек маданияти ва адабиётига қандай ҳисса қўшганини кўрсатади: «Букун ўзбек халқи Пушкин асарлари орқали бадиий ижоднинг энг буюк намуналари, кишилик маданиятининг энг муҳташам ҳайкаллари билан танишди... Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилишда жуда катта тарихий иш қилинди ва бу ишнинг натижасида буюк шоирнинг асарлари ўзбек халқининг мулки бўлди... Бу кичкина иш эмас. Бу ўзбек халқининг маданий тарихида ҳеч қачон унутилмас воқеадир... Пушкин асарлари устида ишлаш натижасида ўзбек шоирлари жуда катта бир мактабни ўтган бўлдилар...»

Раҳмат Мажидий Ҳамид Олимжонга ҳамоҳанг равишда Пушкинни улуғлайди, «ўша ёвуз замонда ҳуррият куйлагани»дан, ижоди чуқур гуманизм ва халқчиллик руҳи билан суғорилгани туфайли бизники бўлиб қолганидан фахрланади. Рус адабиётида «кучли реализм оқимини бошлаб берган, ўзидан кейинги машҳур рус классикларига устоз»лик қилган шоирни, «янги рус адабий тилини яратган, бойитган» шоирни олқишлайди. Мажидий фикрича ҳам, «Пушкин асарларининг ўзбекчага таржима қилиниши улуғ маданий ишдир. Бу бизнинг бутун дунё адабиёти вакиллари билан таниш бўлишимиз йўлида ҳам катта қадамдир. Пушкин асарларининг таржимаси яна ўзбек совет адабиёти ва адабий тилининг Октябрдан кейин ўсганлиги, бойиганлиги натижасидир...»

А. С. Пушкин ўзбек шоирларининг илҳом булоғини жўштириб юборди. Шоирларимиз Пушкинга атаб шеърлар ёздилар. Ойбек «Пушкин» сарлавҳали шеърида:

Олтин мисраларга нақшланган
фикр,
Қалбинг қуёшидан қуйилган
туйғу —
Сўнмайди, эй шоир, ўтса юз аср,
Ҳайкалинг сингари чидамли,
тунд у,—

деб, ҳур Ватанда шоир созининг садоси янада баланд юксалажагини айтса, Уйғун «Шоир» шеърида «Кишанларга, қамчига, дорга, киборларга, олчоққа, чорга» қарши исён кўтарган Пушкин илҳомни «ҳақиқатнинг ҳур қуёшидан» олиб, асарларини «Қул мужикнинг тўккан ёшидан» суғорганини айтади.

Ҳамид Олимжоннинг мазмунан марсияни эслатадиган шеърхонда буюк шоирнинг тақдирига ачинишдан иборат ҳазин туйғуларни уйғотадиган «Пушкин» шеъридан кейин Амин Умарийнинг бир миннатдор шогирднинг қадрдон устозга таъзими шаклидаги мисралари келади. Асарлари «қиммат, ноёб фикрларга хазина» бўлган шоирга қарата: «Эй, шеърият замзамаси — Пушкин, дилинг фикримда», «Ижодимнинг қуёши — сен, лирикамга бер сайқал», «Мухлисингман улуғ шоир, эй дилларнинг гавҳари», дейди.

1949 йили А. С. Пушкин таваллудининг 150 йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан Мақсуд Шайхзода «Мис чавандоз» достонини таржима қилди. «Шарқ юлдузи» журнали ўзининг 6-сонини Пушкинга бағишлади. Унда М. Ф. Охундовнинг «Пушкин ўлими ҳақида шарқ афсонаси» асари, Фозил Йўлдош ўғлининг «Пушкинга» шеъри, В. Зоҳидовнинг «Бизнинг Пушкин», Ж. Шарифийнинг «Пушкин ўзбек тилида», профессор А. Семёновнинг «А. С. Пушкин ва бир Шарқ қўлёзмаси» мақолалари ёритилган.

Республика газеталари Пушкинга алоҳида саҳифалар бағишлаб, шоир ижодини тарғиб қилдилар. Юбилей мақолалари орасида Иззат Султоновнинг «Правда Востока» газетасининг 1949 йил, 5 июнь сонида чиққан «Пушкин ва ўзбек адабиёти» мақоласи мазмундорлиги билан ажралиб туради. Мақола автори ўзбек ёзувчилари Пушкиндан нималарни ўрганаётганликлари хусусида сўзлаб, ёзади: «Пушкиннинг реализми, унинг воқеликка муносабати — ёндошуви, адабиётнинг ижтимоий-актив ролини тушуниши, ижодининг социал йўналиши, фольклорга ва халқ тилига муносабати, типиклаштириш приёмлари, драмада реалистик, чуқур фалсафий коллизиялар ярата олиши ва бошқалар ўзбек ёзувчилари эътиборини ўзига жалб қилган моментларидир...» Мақолада Пушкиннинг таъсири унинг реалистик анъаналарини давом эттирган Лермонтов, Гоголь, Толстой, Чехов, Горький, Маяковский ижодиёти орқали ҳам ўзбек ёзувчиларига кучли бўлгани таъкидланади.

«Қизил Ўзбекистон» газетаси 1962 йил, 10 февраль сонида «Шеърият қуёши» деган умумий сарлавҳа остида шоирга бағишлаб саҳифа берди. Уйғун «Бизнинг Пушкинимиз» мақоласида 1937 йилдаги юбилейга тайёргарлик онларини, таржимага сафарбарликни эслайди, Пушкин асарларининг таъсири масалаларидан баҳс этади. Солиҳ Қосимов эса «Буюк устоз» мақоласида шоир ижодининг ўрганилиши ҳақида сўз юритади.

Кейинги йилларда Бутуниттифоқ миқёсида ўтказилаётган Пушкин кунлари байрамида ўзбек шоирлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. 1974 йили шоирнинг туғилганига 175 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон адабий жамоатчилиги ва меҳнаткашлар Пушкич шарафига ўрнатилган ҳайкални очиш маросимига тўпландилар. Митингни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов очди.

Замонлар ўтган сари Александр Сергеевич Пушкиннинг шуҳрати ортаверади. Шоирларимизга шеъриятнинг зилол чашмасидан шарбат тутган, уларни «маҳоратнинг фусункор сеҳрловчи боғларига олиб кирган» доҳий санъаткор биз билан бирга олға қадам ташлайверади.

Маҳмудали ЮНУСОВ

Омон МАТЖОН

Ҳамид Олимжон ҳақида қўшиқ

Она Семурғ, қанотлари уфқни қамраб,
Ҳориб-толиб қайтиб келган чоғи ошёнга,
Кўзи тушди безовта, ғуж полопонлару
Бир одамга ва ерпарчин ётган илонга.

Қушни кўриб полопонлар чувлаб қолишди:
«Бизни бу зот халос этди, етказма зиён!..»
Семурғ эса кулар ҳорғин: «Нега билмаййин,
Бу — биз ҳақда эртак ёзган Ҳамид Олимжон!»

«Ҳамид,— давом этар Семурғ,— етти фалакни
Қамраб-елиб ўтиб келдим емиш ахтариб.
Аммо бугун безовтадир, тунддир коинот,
Бирон рағбат топмадим кўп юлдузга боқиб.

Барқиб-жўшиб сен мадҳ этган замин ҳам нотинч,
Бош кўтармиш унда бугун қора илонлар.
Кетганинг соз бу эртакдан — олис юлдуздан,
Юртингга бор, бошиндадир мушкул замонлар».

«Қандоқ?!— ҳайрон бўлар шоир.— Ахир ҳаётим
Айни парвоз фаслидадир, орзу — минг алвон.
Нур, адолат ва эзгулик мўлдир фалакда,
Шу уч нарса бўлса — ер ҳам яшнар фаровон!»

«Ҳамид!— дейди Семурғ қатъий.— Қара, Испания!
Илонларнинг оғусидан Гарсиа ҳалок!
Германияда Гёте, Гейне руҳи оловда,
Моабитда ўлаётир Муса ёқа чок...»

«Наҳот, нечук?!— баттар ҳайрон ёнади шоир.—
Шунча ишга жаҳон қандай қараб турибди?!»
Семурғ вазмин давом этар: «Ул қора юҳо
Кўпдан сенинг боғингга дум бураб турибди!

«Тезроқ! Учдик!— чорлар Ҳамид.— Ерга элт мени!
Ҳаёлимга солдинг, эй қуш, ёмон бир қутқу...»
Семурғ: «Ҳамид — дейди беҳол,— жиндак сабр қил,
Неча фурсат учиб келдим беем, беуйқу...»

«Йўқ! Учасан!— Ҳамид қўймас.— Учасан, тамом!
Не тусасанг ҳаммасини этгум муҳайё.
Мол етмаса, жоним... Кетдик..»
Семурғ ноилож.
Тоғ кўчгандек гулдуросга тўлади само...

Елкасида шоир, учар Семурғ шиддаткор,
Лекин чарчар, титрар: «Ҳамид, ҳол йўқ учишга...
«Чида, қайтма, халоскорим», қистайди шоир
Ва жисмидан парча узиб тутади қушга.

Қора бўшлиқ Семурғдан ҳам баттар ташна, оч,
Гир айлана каҳкашонлар — совуқ исканжа.
Семурғ кучи етганчалик учиб боради,
Ҳамид борин бериб борар кучи етганча.

Ва ниҳоят ҳолдан тойди жасур қуш, алп қуш,
Ҳамидда ҳам қалбдан ўзга қолмай ҳеч вақо,
Юрагини шарт суғириб бераркан қушга...
Яна бир оз йўл очади буларга фазо.

Семурғ билди — бу шоирнинг сўнгги илинжи.
Лекин йўқ ҳам деёлмади. Боқмади ортга
Ва энг сўнгги хуруж билан, шахт билан етди
Шоир шунча бесаранжом шошган ҳилқатга.

Қўнди. Ва юрт боғларини кўмди гулларга
Семурғ қушнинг қанотидан тўзиган парлар.
Чангалидан маҳв бўлиб қанча илонлар,
Нафасидан текисланмиш тақирлик, жарлар.

Кўклам ва қуш шарпасини туйиб тонготар —
Фарзандлари, суюклиси, дўстлар чиқса шод,
Бир қуш ётар баҳор янглиғ қоплаб ўлкани
Елкасида эса жонсиз шоири, ҳайҳот...

Шеър тугади.
Давом этар лекин оламда
Оқ ва яшил ғулғулали баҳор айёми,
Бор бўлсинлар баҳор учун фидойи жонлар,
Бор бўл, даврим, шулар ҳаётининг давоми!



Қушлар

Иброҳим Ғафуровга

Менинг юрагимда ранг-баранг қушлар,
Билмайман, қачонлар қурмиш ошиён.
Хаёлнинг безовта парвози шундан,
Шундан кўксимдаги ғавғо, тўполон.

Қушларки, минг алвон тоифа, бозор,—
Бўлак ҳар бирининг туриш-турмуши.
Бирлари хонаки, бирлари қийғир,
Бирлари — осмонсиз «зоопарк» қуши.

Бирлари тўтидек, аллакимларни
Такрорлаб жонимдан этади зада.
Бирлари, булбулдек, келмас ой-йиллаб,
Кўринмай сайрайди агар келса-да.

Бирлари — бедана, уришқоқ, питрак —
Енг ичидан боқиб рақиб кўзловчи.
Эҳтиётсиз, башанг қушларим ҳам бор,
Сезмаслар, пайт пойлар муғомбир овчи.

Бирлари, қор тушди дегунча турмай,
Қуёшга яқинроқ жойга қочарлар.
Бирлари ўз қадрин билмас, бурди йўқ,
Ўзгалар тухмидан бола очарлар.

Аммо яна бошқа, безбет ва исқирт,
Ялқов бир тоифа қанотли дўстлар
Мени уялтириб кун кўрар доим,
Улкан тегирмонлар пинжини кўзлар...

Шунчалар ҳайдайман, қуваман нолон:
«Кетинг, бундай ҳаёт уят, масхара!..»
Улар миқ этишмас, донли уловнинг
Чиқишин кутарлар қўзғалмай сира.

Кўкрак қафасимда ранг-баранг қушлар
Қачонлардир шундай қурмиш ошиён.
Ҳисларимга осмон шундан тангу тор,
Қалбим — жаҳон ичра митти бир жаҳон.

Ва лекин ўзгача, рангпар, меҳнаткаш,
Қанотлари чайир, камтар бир қуш бор;
Кўринмай яшар у ҳатто ўзимга,
Фасллар ўзгарса қилмас эътибор.

Қоронғи тунларда кўзим илиниб
Ва лекин уйқусиз орттирганда тонг,
Ул қушнинг ўрнини бўм-бўш сезаман —
Бағримни пайпаслаб кўрсам ногаҳон.

Биламан, бу пайт у юксак-юксакда
Учади — жамулжам меҳр ва ёғду.
Юртимнинг улуғвор дарёларидан,
Зумрад кенгликлардан ризқ топади у!

Соғиниб кутаман.
Қайтар у ҳорғин
Қадрдон уяга кундузми-тунда...
Асли, шу қуш боис, шу соғинч боис
Мен тирик юрибман Она заминда.

«Сақили наво»

Хоразмнинг машҳур «Сақили наво» куйини Ортиқ Отажонов дуторда, Комил Авазов торда ижро этганларида...

Бир дўстим дуторда, бир дўстим торда
«Сақили наво»ни чалган чоғинда
қалбим гоҳ нурларга ошуфта бўлди,
гоҳ қолди қора бир ғамнинг доғинда.

Юртим тарихидан бу куй бир манзар,
муаззам шодлик бу, ғам бу ложарам.
Ҳаётнинг икки зид қутби бир куйда
қандай янгратдийкан масалсал жаранг?

Бу Амударёда буюк тошувдир,
дарё шодлиги ҳам аслида ушбу.
Аммо қирғоқларни ўпирган ҳайбат,
боғларни оқизган сел бу, дегиш[1] бу.

Бу — тақдир. Хивада бир хон ўз қабрин
қўйдирмиш Паҳлавон Маҳмуд пойига.

Офарин! Бир умр кўкда от суриб,
етиб келгани бу лойиқ жойига...

Севги бу!
Гарчи бу — нур фаввораси,
унга шоҳсупадир сояи ҳижрон.
Бу — даврон гурроси яксон этгувчи,
бу — даврон нидоси бергувчи омон.

Шундай,
бири ҳофиз, бири бошқа касб,
ҳулқ-тийнати бўлак икки оғайни
не чоғ нозил, матлуб
этдилар ижро
ҳам шодлик, ҳам фиғон яширин куйни!

Мумтоз мусиқадир ҳаёт аслида,
унда ҳар бир инсон жарангдир ўзга.
Демак, куй яралмас, юксалмас оҳанг,
яқин бўлолмасак бир-биримизга.

«Сақили наво» бу!
Бир ёқдан қалбни
тиғларкан етти шод шамшири торнинг,
малҳам қўймоқдадир бир ёқдан, йиғлаб,
икки майин ипак қўли дуторнинг...

---

[1] Дегиш — дарёнинг қирғоқни тагидан ўпириб кетиши.

* * *

Қуёш тонг олдида қизарган каби,
ғунчалар қисиниб юз ёрган каби,
келасан ийманиб,
очилолмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...», дейсан.

Қўлингда Зуҳрадан гўё бир хат бор,
гўёки Лайлидан мерос қисмат бор,
минг йиллик ёзуғдан қутулолмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...», дейсан.

Азизам, юлдузлар фалакда бахтли,
инсон ўз қалбида —
юракда бахтли...
Сен сира ўзингни нурга солмайсан:
«Анавилар бор-да, ўшалар...», дейсан.

Гулим, «ўша»ларга ўчма-ўч очил,
бугун сенинг учун боғлар бўш, очил!
Уларни қўявер, ҳеч вақт қолмаслар,
чунки бизлар каби сева олмаслар!

Бухорода Насриддин Афандига ҳайкал қўйилди

Мен яна ишондим, қадим Бухоро
руҳлар, қувватларга жой эканига.
Ҳайкал қўйибдилар бунда ғаройиб
буюк Насриддиннинг ўлмас шаънига.

Мана, ўша биққи оқ эшагини
«Юр-юр», демакдадир, шоввоз, их-ихлаб,
вафодор дўст эса юролмай ҳайрон —
Кимдир тош супага қўйибди михлаб.

Енгил тин олар, ай, бугун ул шоҳлар,
калтабин вазирлар кулар жонзада.
Ўғрилар кафт ишқар, қаллоблар шодмон:
«Ҳақиқат бор экан, э, оз бўлса-да!..»

Мен-чи, тош бобомга тикилар эдим,
кўнглимни маъюс бир мамнунлик қамраб.
«Насриддин ҳам тамом...» Куюндим.
Аммо
хаёлимни бўлди бир эшак ҳанграб.

Сесканиб, атрофга мундоқ қарасам,
на от, на эшакда кўрдим бирон кас.
Одамлар ҳам ўтар сезмай ҳеч нима,
ҳайкалнинг қошида тўхтаркан бир пас.

Шу пайт бирдан жўшқин, қувноқ қув
овоз
келди-ку ерданми, кўкдан, наридан...
«Болам, аллақачон кечиб кетганмиз
ҳайкал, пул, мукофот, шуҳрат — баридан!

Бугунким, оламда мушкуллар бисёр,
биздан хуш бир ёрдам кутганлар қанча.
юракдан бир учқун, бир нидо чиқмай,
турмоқ инсофданми бунда қотганча?

Болам, бир тошланиш танангда сезсанг,
ҳали улгурмайин қалбинг тош бўлиб,
шоҳсупада, майли, ҳайкалинг қолсин,
лекин мен билан юр аслингни олиб».

Мени ким чизмоқчи бўлса, ўйласин
хуш кайфият элни, сахий заминни.
Бу сафар рассомга «Афанди шу!», деб,
рўпара қилганман Неъмат Аминни...»

Қамбар ЎТАЕВ

Тулки

Ялтираган беғубор,
Майин, асил думим бор.
Ўйлаб кўрсам мен
шўрлик
Думдан бошқа нимам
бор?
Уни силаб-сийпайман,
Сен обрўйим, шоним,
деб.
Қўрқаман ўз думимдан,
Қолмай яна фириб еб.
Шумлигимни тўсатдан
Бир кун сезиб қолмасин.
Ўлжа билан чопганда
Оғзимдагин олмасин.

Расмларни
М. ШУВАЛОВА чизган.

Аҳад ПЎЛАТОВ

Гулнора
РАЖАБОВА

Болаларга ўқиб беринг

Турсунбой АДАШБОЕВ

«Ш» билан «ч»

«Арра», «карра» сўзларини
Бурро айтар укам Ботир.
«Ш» билан «ч» ҳарфларига
Бироз тили келмаётир.
— Пишлоқ едим қишлоқда,
Шермат юрар «Чайка»да.
— Пислоқ едим қислоқда,
Сермат юрар «Ҳайка»да.
— Чинорнинг шинниси бор.
Чиннисида шиннси бор.
— Ҳинорнинг ҳинниси бор,
Ҳиннисида синниси бор.
Ана шундай жумлаларни,
Сал қийналиб айтар Ботир,
Лекин жуда машқи баланд,
Бўлманг сира хавотир.

Тунги суҳбат

Оқшом чиқиб булоқдан
Пақирчамда сув олсам,
Ёнар қуртга мақтаниб,
Гап маъқуллар чуволчанг:
— Соз тупроқни пармалаб,
Метро қурдим — кўркамдир.
Юлдуз тўла шу осмон
Пахта гулли кўрпамдир.

Буғдой бошоғи

Буғдой пишди, етилди,
Қадди-басти ёй каби.
Пайкал узра ҳар бошоқ
Қалқиб турар ой каби.
Кутар гўё зор, интиқ,
Ўз миришкор устасин.
Балки деҳқон бошоқдан
Олган ўроқ нусхасин.

Ухлаб қолди

Қўғирчоғин Дилфуза
Ўйнатиб, чўпчак айтди.
Сўнгра уни кўтариб
Боғдан уйига қайтди.
Каравотга ётқизди:
— Жоним, чарчадинг сен ҳам,
Мен уйларни супурай,
Берай ойимга ёрдам.
Сўнг ўзим уйғотаман,
Ухла, нинни, юм кўзинг...—
Дея ёнида ётиб,
Ухлаб қолди у ўзи.

ҚУЁШГА ХАТ

Болалар офтобрўяда ўйнаб, гуллар териб юришган эдилар. Бирдан шамол турди. Қуёш булутлар ичига кириб кетди. Болалар жуда хафа бўлишди.

— Мен биламан, нима қилиш кераклигини,— деди Раъно.

— Нима қилиш керак?— деди Равшан.

— Бунинг учун варракка хат ёзиб, қуёшга жўнатиш керак,— деди Раъно.

Болаларга бу гап маъқул бўлди. Улар ишга киришдилар. Хатда мана шундай сўзлар ёзилган эди: «Бизнинг меҳрибон қуёшимиз! Қачон чиқасан? Биз сени яхши кўрамиз. Сен чиқсанг гуллар ҳам очилади, биз ҳам яйраймиз! Болалар варракни учириб юборишди. Улар варракка қараб кузатишарди. У борган сари баландлаб борарди. Кўп ўтмай варракнинг ипи узилиб, уни шамол учириб, булутлар орасига олиб кириб кетди. Бирданига қуёш ҳам чиқиб қолди. Болалар жуда хурсанд бўлишди. Улар яна қувнаб ўйнай бошлашди.

МУШУК БИЗНИ ҚУТҚАРДИ

Ҳовлимизда бир мушукча пайдо бўлиб қолди. У кимни кўрса эргашади, овқат сўрагандек миёвлаб қўяди. Мушукчага раҳмимиз келиб, унга сут, гўшт ва нон бера бошладик. У бизга ўрганиб қолди. Кўчага чиқсак, дарров олдимизга югуриб келади ва биз билан ўйнайди.

Қўшнимизнинг Қоплон деган кучуги бор. Кимни кўрса вовуллайди.

Биз ундан қўрқардик.

Бир куни укам билан иккаламиз ҳовлида кечгача ўйнадик. Кейин уйга кирамиз десак, эшигимизнинг тагида Қоплон турган экан. Ўтишга қўрқдик. Буни кўрган мушукча олдимизга келди. У бир бизга, бир Қоплонга қаради. Кейин унинг ёнидан ўтиб кетди. Кимга вовуллашини билмай турган ит мушукнинг кетидан қувлаб қолди. Биз дарров уйга кириб олдик. Кейин деразадан қарасак, мушук дарахтга чиқиб олибди, Қоплон унга қараб вовуллаяпти.

Гулнора Ражабова Тошкентдаги 64-мактабнинг учинчи синфини тугатди. Гулнора жажжи ҳикояларида кунда юз бериб турадиган оддий воқеалардан ҳаётий маънолар излайди, ҳодисаларни ўзига хос идрок этишга интилади.

БУЛУТСИЗ ОСМОН

Мен кутубхонадан «Сув париси» деган китобни олдим. Унда сув парисининг тароғини бир бола ўғирлагани, сув париси кечаси боланинг уйига келиб, деразадан қарагани, боланинг қўрққанлари ёзилган эди. Кечқурун ётаётганимизда укам мендан сўраб қолди:

— Сув париси келиб қолса қўрқмайсизми?

Мен жуда қўрқиб кетдим. Секингина деразага қарасам, осмон булутсиз, ой, юлдузлар кулиб қараб. турарди.

Мен қўрқмасдан ухлаб қолдим.

ДАВР ВА ЗАМОНДОШИМИЗ

АДАБИЁТ ва санъат — халқ қалбининг кўзгусидир. Маданий ҳаётимизда яратилган ҳар бир ҳаққоний, бадиий баркамол асар замондошимизнинг коммунизм қуриш йўлидаги курашида мададкор, ҳамдам бўлади, унинг маънавий дунёсини бойитади. Совет адабиёти ва санъатининг ана шу юксак мавқеи хусусида КПСС XXVI съезди минбаридан ижод аҳлини янги-янги изланишлар ва муваффақиятларга чорловчи илҳомбахш сўзлар янгради. «Ўз соҳаси бўйича фикр айтиш адабий танқидчилар билан санъатшуносларнинг иши,— деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев съездга қилган Ҳисобот докладида.— Лекин, назаримда, барча китобхонлар, томошабинлар, тингловчилар сезиб туришибди: совет санъатида янги тўлқин мавж урмоқда. Кейинги йилларда деярли барча республикаларда кўплаб истеъдод самараси бўлган асарлар майдонга келди. Бу ҳол адабиёт ва театрга, кино ва музикага, рассомлик ва ҳайкалтарошликка тааллуқлидир.

Санъаткорларимиз ижодида юксак революцион мотивлар ҳамон янграб келмоқда. Маркс, Энгельс, Ленин образлари, кўплаб оташин революционерларнинг образлари, Ватанимизнинг қаҳрамонона тарихи уларни санъатнинг жуда хилма-хил соҳаларида янги-янги мароқли асарлар яратишга илҳомлантирмоқда».

Республикамиз рассомларининг Ўзбекистон Компартияси XX съезди ва КПСС XXVI съездига бағишлаб республика Рассомлар союзининг Кўргазмалар залида яқинда «Биз коммунизм қурамиз» тематик кўргазмасида намойиш этилган асарлари ҳам ўртоқ Л. И. Брежнев фикрларининг нақадар ҳаққоний эканлигига бир далилдир. Кўргазмада рассомларимиз ўнинчи беш йиллик давомида турли ижодий услуб ва усулларда, ранг-баранг мавзу ва жанрларда яратган асарлар намойиш қилинди. Бу кўргазма илгариги кўргазмалардан тематик бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Ундан республикамизнинг ўлкада Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йиллардан то ҳозирги етук социализм даврига ча босиб ўтган шонли тарихий йўлини, содиқ ленинчи инқилобчилар, колхоз тузумининг ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, бугунги илғор меҳнат кишилари, илм-фан, адабиёт ва санъат арбобларининг образларини, замонамизнинг яратувчилик руҳи ва шиддатини, она юртимизнинг гўзал табиати манзараларини бадиий акс эттирган турли савиядаги асарлар ўрин олган. Энг муҳими, намойиш этилган асарларнинг аксариятида замондошимизнинг маънавий дунёсини тасвирлашга асосий эътибор қаратилганки, бу — ўзбек тасвирий санъати янги юксалиш босқичига кирганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Б. Назаровнинг «Улар биринчилардан эдилар» туркуми, Р. Виконинг «Ўзбекистон Компартиясининг I съезди» картинаси хеёлимизни инқилобнинг оловли йилларига олиб кетади.

Б. Назаров триптихининг марказида катта-катта қадам ташлаб деҳқонсифат азамат одам келаётир. Оёғида этик, эгнида чопон, бошида фарғонача дўппи. Чеҳраси очиқ бутетик одам улкан қалб эгаси, халқимиз Ота деб эъзозлаган Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевдир. Триптихнинг бошқа картиналарида, Охунбобоев билан бир сафдаги атоқли революционерлар — халқимизнинг асл фарзандлари: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Акмал Икромов ва ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси Файзулла Хўжаев омма орасида тасвирланган.

Диққат қилсангиз, туркумнинг намойиш этилган ҳар учала қисмида ҳам қизил ранглар устунлик қилади: Йўлдош Охунбобоев одим отиб келаётган ўзбек замини тасвирида ҳам, қаҳрамоннинг либосида ҳам — ҳаммасида қизил бўёқлар кўзга яққол ташланади; Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев қиёфаларига эса полотнодаги қизил байроқлар ўзгача рамзийлик бағишлайди.

Рассомдан: «Нима сабабдан Отанинг эгнидаги тўнни қизил рангда тасвирлагансиз?», деб сўраганимизда у шундай жавоб берди: «Бир неча йил муқаддам Фарғона водийсини айланганимизда кекса кишилар билан суҳбатлашган эдик. Улар қизиқ воқеани айтиб беришди. 20-йилларда Фарғона водийсида инқилобий ҳаракатда қатнашган коммунистларни халқ «қизил чопонлилар» деб атаган экан. Отахонларнинг ана шу ҳикояси картинани яратишимда менга жуда қўл келди». Дарҳақиқат, алвон ранглар социалистик Ўзбекистон бунёдкорларининг унутилмас ишлари, алангали қалби, бой маънавий дунёсини кўрсатишда, инқилобий йилларнинг шиддатли руҳини, оташ нафасини томошабинга етказишда ижодкорга ёрдамга келган.

Умуман, рассом бу туркум устида узоқ йиллардан бери иш олиб бормоқда. Рассом эзгу ниятини рўёбга чиқариш учун тинмай изланди, кўп китоблар ўқиди, архив материаллари, нодир қўл ёзмалар билан танишди. Булар билан ҳам қаноатланмай, қаҳрамонларининг фарзандлари, қариндош-уруғлари, замондошлари билан суҳбатлашди, маслаҳатлашди. Натижада «Улар биринчилардан эдилар» туркумининг дастлабки уч картинасини тугаллаб санъат мухлислари ҳукмига ҳавола этди. Ижодкор туркумнинг навбатдаги картиналари устидаги ишини давом эттирмоқда.

Рассом Р. Виконинг «Ўзбекистон Компартиясининг I съезди» картинаси, энг аввало, кенг кўламлилиги билан диққатни тортади. Асар марказида Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калинин образи туради. У нутқ сўзламоқда. Нотиқнинг ҳам, у билан ёнма-ён турган Акмал Икромовнинг ҳам, митинг қатнашчиларининг ҳам — барчанинг юз-кўзида, ўзини тутишида янги дунёни қуришга зўр иштиёқ, келажакка буюк ишонч, уни инқилоб душманларидан қатъий ҳимоя қилишга тайёр турганликлари сезилиб туради.

Халқимизнинг ифтихори бўлган азамат пахтакорларимизга бағишланган асарлар, ҳақли равишда, кўргазмадан кенг ўрин эгаллади. В. Ковининнинг «Ш. Р. Рашидов Жиззах пахта далаларида», Т. Пирматовнинг «Мўл ҳосил», Й. Турсунназаровнинг «Пахтакор», М. Саидовнинг «Сўнгги чаноқ», Н. Қўзибоевнинг «Жиззах ерларининг уйғониши», А. Мирсоатовнинг «Уйғониш» каби асарлари шулар жумласидандир.

Рассом И. Баҳромов «У. Орифжонова портрети» асарида пахтакор ўзбек хотин-қизларининг умумлашма образини яратган. Қўлида бир чаноқ пахта ушлаб, дадил, очиқ чеҳра билан тик қараб ўтирган аёл томошабин диққатини тортади. Унинг салобатли қиёфасига, бошига танғиган рўмоли, қишлоқ аёлларига хос кийиниши жуда ярашган. Рассом қишлоқнинг меҳнаткаш аёлларига хос фазилатларни, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамолликларини очиб беришга ҳаракат қилган. Портрет томошабинда кучли эмоционал кайфият уйғотади: қаҳрамоннинг соғлом, забардаст келбати, куч-қувватга тўла қўллари уни иродали, меҳнатсевар, танти одам сифатида кўз олдимизда гавдалантиради, руҳий бардамлиги, ўктам қиёфасини равшан ифодалайди. Рассом яратувчи меҳнат кишисини ана шундай улкан меҳр, ҳурмат-эҳтиром билан улуғлайди.

Рассом Д. Имомовнинг «Тракторчи оиласи» тематик полотноси ҳаётийлиги билан диққатга сазовордир. Мана, олдинда ширин уйқудан турган болаларининг юз-қўлларини ариқ сувига чайиб, сочиққа артаётган тракторчининг хотини. Бир томонда челак кўтарган тракторчи сизга қараб келаётгандек. Орқада тракторчининг сингиллари дарахтлар остига қўйилган чорпояда нонушта ҳозирламоқдалар. Бир чеккада турган трактор, узоқларга чўзилиб кетган кенг пахтазор, уфқни ёритиб чиқаётган қуёш нурлари томошабин қалбида ажиб туйғулар уйғотади. Бутун борлиқ тоза ва мусаффо. Кўкка бўй чўзган дарахтлар, ўт-ўланларнинг тиниқ, яшил рангларда тасвирланиши табиат гўзаллигига ғоят уйғун, бу ранглар тонг ҳавосининг ёқимли ва илиқлигини таъкидлаб тургандек. Картинани кўздан кечираркансиз, табиат, меҳнат ва инсон ҳаётининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги, инсоннинг меҳнат ва табиат билан тириклигини яна бир бор юракдан ҳис қиласиз. Асарда тасвирланган ҳаёт, табиат манзаралари бир томондан руҳингизни кўтарса, иккинчи томондан оиладагиларнинг яшаш шароитини ўйлаб ҳаёлга чўмасиз.

Санъатда замондошларимизнинг ўлмас образларини яратишдек олий мақсад сари интилаётган А. Мирзаев, Б. Жалолов, А. Маматова, М. Тўхтаев, Ж. Умарбеков каби истеъдодли ёш рассомларимизнинг изланиш руҳида яратилган мазмундор асарлари кўпчилик мухлисларда қизиқиш уйғотди. Ленин комсомоли мукофоти лауреати рассом Жавлон Умарбековнинг «Сув ҳақида достон» композицион асари теран мазмунни ифодалашга қаратилгани билан қизғин баҳсларга сабабчи бўлди. Ҳаёт манбаи — сув учун ўзбек халқи асрлар бўйи олиб борган кураш, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва жасорати картина сюжетини ташкил этади. Бу мазмун полотнода ранг-баранг мойли бўёқлар воситасида ифодаланган.

Асар қаршисида томошабин албатта узоқроқ туриши керак. Чунки юксак профессионал маҳорат ва бадиий дид билан яратилган бу композиция киши қалбида сув ҳақида теран фикрлар туғдира боради. Асар композицияси турли қисмлардан ташкил топган бўлса-да, бу унинг тематик-ғоявий яхлитлигига путур етказмайди.

Кўргазмада намойиш этилган рассом Қ. Носировнинг «Сув келади», В. Нечаевнинг «Туямўйин бунёдкорлари», А. Мирсоатовнинг «Зомин сув омбори қурилишида» каби ва бошқа рассомларнинг айрим асарлари ҳам сув ҳақида, унинг ҳаётимиздаги бемисл ўрни тўғрисида ҳикоя қилади.

Рассом В. Нечаевнинг «Туямўйин бунёдкорлари» тематик асарини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шу кунларда Хоразм воҳасида, Амударё бўйларида жуда катта қувватга эга бўлажак Туямўйин сув омбори қурилиши ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Асар шу ҳақда ҳикоя қилади.

Истеъдодли рассом В. Ковинин асарлари ҳаётийлиги, нафис, жозибали бўёқларда ишланганлиги билан томошабинлар диққат-эътиборини қозонди. Санъаткорнинг кўргазмага қўйилган картиналари орасида, айниқса, «Май», «Ухумлик қиз» полотнолари замондошларимиз образларини етук акс эттиргани, ғоят миллийлиги билан рассом ижодининггина эмас, ўзбек тасвирий санъатининг ҳам ютуқлари сифатида баҳоланишга арзийди.

«Май» картинасида рассом табиат гўзалликларини, сўлим баҳор манзарасини фахр билан лирик талқин этади. Баҳор — шод-хуррамлик, байрам намойишларига бой фасл. Картинага диққат билан назар солсак, тоғ ёнбағрида жойлашган қишлоқ, ундаги уйлар, ям-яшил дарахтлар, катта йўл чеккасидаги бекат, ўз юмушлари билан банд қишлоқ одамлари — ҳамма-ҳаммаси табиий ранглар билан конкрет тасвирланган. Бундай конкретлилик, яъни рангларнинг тиниқлиги, чиройли, кўркам манзараларнинг сержозиблиги киши дилида завқ-шавқ туғдиради. Гўё томошабин ўзини картина олдида тургандек эмас, балки шу қишлоқда юргандек ҳис қилади. Картинада тасвирланган киши — сочларига оқ оралаган, кўкрагига социалистик мусобақа ғолиби нишони, жанговар медаль таққан уруш ва меҳнат ветерани образи эса, ҳаётнинг аччиқ-чучук кунларини, серташвиш дақиқаларини бошидан кечирган заҳматкаш инсонларнинг ёрқин тимсолидир. Унинг ҳасса тутган ҳолда, бир оз кулиб турганлигидан ўзига ишончи, ҳаётидан розилиги зуҳур этади. Собиқ жангчини табриклаб тақдим қилинган қизил гуллар, айвон пештоқига осилган алвон рангли байроқ асарга жонлилик, рамзийлик бағишлайди, полотно мазмунини бойитади.

В. Ковининнинг «Ухумлик қиз» портрети ҳам таъсирчанлиги, табиийлиги, миллийлиги билан томошабинларга манзур бўлди.

Ёш, изланувчан рассом Янис Салпинкиди ҳам кўргазмада «Гулчилар» картинаси билан қатнашди. Унинг

Ж. УМАРБЕКОВ. СУВ ҲАҚИДА ДОСТОН.

«БИЗ КОММУНИЗМ ҚУРАМИЗ» ҚЎРГАЗМАСИДАГИ АСАРЛАРДАН

Б. НАЗАРОВ. УЛАР БИРИНЧИЛАРДАН ЭДИЛАР. ТРИПТИХ. АКМАЛ ИКРОМОВ.

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ.

В. КОВИНИН. МАЙ.

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ.

Д. ИМОМОВ. ТРАКТОРЧИ ОИЛАСИ.



В. НЕЧАЕВ. ТУЯМЎЙИН БУНЁДКОРЛАРИ.

Р. ЧОРИЕВ. ТОНГ.

А. МИРСОАТОВ. ҚИШ ЭРТАСИ.

ТАТАББУЪ САНЪАТИ

Навоий гулшани

«Татаббуъ» сўзининг адабий термин, бадиий санъат сифатида аниқ изоҳи йўқ. Бу сўзнинг луғавий маъноси, масалан, «Ғиёс ул-луғат»да — эргашиш, «Фарҳанги Низом»да изланиш ва тадқиқ қилиш, «Ақраб ул-маворид»да «кетма-кет талаб қилиш» деб тушунтирилади.

«КЛЭ» («Қисқача адабиёт қомуси») да татаббуъ термини йўқ, унда: «назира — Яқин ва Ўрта Шарқ адабиётида тарқалган тақлид шаклларидан бири», деб изоҳланади. Ҳ. Ҳомидий, Ш. Абдуллаева ва С. Иброҳимова тузган «Адабиётшунослик терминлари» китобида ҳам татаббуъ назира билан бир маънода изоҳланиб, назира ёзиш анъанасининг адабиётимиз тараққиётида ижобий мавқега эга бўлгани айтилади. Аммо, бизнингча, татаббуъ ва назира моҳиятига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Алишер Навоий форс тилида ёзган девонидаги асарларини изоҳлаш учун татаббуъ (издошлик маъносида), дар таври (йўлидан бориш), дар жавоби (жавоб бериш) термин ва ибораларини қўллайди. Баъзан эса «Татаббуи Маҳдум дар таври Хожа» деб сарлавҳа ҳам қўяди, яъни, Жомийга издошлик қилиб, Хўжа Ҳофиз услубида ғазал битади. Демак, татаббуъ шунчаки эргашиш ҳам эмас, оддий тақлид ҳам эмас, балки ўзига хос мураккаб санъатдир. Уни ҳар тарафлама ўрганиш лозим, деб ўйлаймиз.

Ҳозирда, масалан, пародия ҳам бировнинг асарига тақлидан ёзилади ва у адабиётда мустақил жанр ҳисобланади. Бизнингча, татаббуъни ҳам мустақил жанр дейиш керак. Фикримизнинг яна бир далили сифатида Шарқда татаббуъ йўли билан ўнлаб «Хамса»лар, юзлаб ғазал ва рубоийлар юзага келганини ёдга олишимиз мумкин.

Алишер Навоийнинг Фоний тахаллуси билан ёзган девонини бу жиҳатдан кўздан кечирсак, татаббуъ санъатининг жуда кўп томонлари ҳали очилмаганлиги, уни тадқиқ этиш лозимлиги маълум бўлади.

Улуғ шоир асарларида ҳам бунга ишоралар кўп. Аввало, у, татаббуъ санъатини маҳоратни ошириш воситаси, ўзидан олдин шу мавзуда қалам тебратганлар билан куч синашиш усули деб билади.

Фоний татаббулар ёзар экан,
бил,
Бу на дов, на ўзни бозорга
солиш.
Сухан арбоблари сахийлигидан—
Муроди — тиланиб бир нима
олиш.

Навоийга хос камтарлик билан айтилган бу ҳазиломуз сўзларда катта маъно бор. Биз Фоний девонидаги Жомий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Саъдий ва бошқа буюк шоирлар асарларига ёзилган татаббуъларни Навоий салафлари асарларига чоғиштириб текширар эканмиз, уларнинг тамоман оригинал асарлар эканлигини кўрамиз. Алишер Навоий «Хамса»сини Низомий ва Хусрав Деҳлавий асарлари билан қиёслаб ўрганган олимларимиз ҳам шу хулосага келганлар.

Татаббуъ санъати — мушоира, мунозара, ўзидан олдин шу мавзуда асар ёзган шоир билан куч синашмоқ ва ғоявий-бадиий жиҳатдан ундан ўтадиган асар яратмоқ санъатидир.

Алишер Навоий «Хамса»сида ҳам бу санъат моҳиятини очиб берадиган мисраларни топиш мумкин. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонида улуғ шоир Низомий билан «мусобақалашиш»га бел боғлар экан:

Эмас осон бу майдон ичра
турмоқ,
Низомий панжасига панжа
урмоқ.—

деб, куч синашувда истеъдодда ҳам, заковатда ҳам, маҳоратда ҳам ўз салафига тенг келиш ва балки ундан юқори кўтарила олиш кераклигини таъкидлайди.

Керак шер оллида ҳам шер
жанги,
Агар шер ўлмаса ҳамки, паланги.

Юксак истеъдод эгаси бўлмаган шоир бу ишга қўл уриши номақбул, татаббуъ оддий тақлидга айланиб қолмаслиги керак! Навоий кейинги байтларда Низомийни филга ўхшатади-да, сўнг бу фил хартумига хартум солиб олишмоқ учун фил қудратига эга бўлмоқ лозимлигини уқтиради:

Керак ҳам пил эрур, бу нукта
маълум,
Ки солғай пил хартумиға
хартум!

Навоий ўз салафларига татаббуъ ёзишни орзу қилган, улар билан олишувга бел боғлаган, аммо истеъдоди ва заковати етишмаган баъзи шоирларни пашшага ўхшатади, уларнинг юз минги ҳам бир Низомийга тўғри келолмаслигини айтади:

Агарчи пашшанинг хартуми ҳам
бор,
Эл озариға ниши шуми ҳам бор,
Чу суртар пил хартумини
дарҳам,
Бўлур захмиға юз минг пашша
марҳам.

Биз юқорида татаббуъни пародия билан қиёслаган эдик. Бундан шу нарса маълум бўладики, пародияда шоир кўпинча ўзга бир шоирга ҳазил қилади, унинг бирон камчилигини бўрттириб, ўша камчиликка диққатни тортади. Татаббуъда эса бунинг акси: шоир ўз салафига катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатади. Навоий «Хамса»сида бунга мисоллар кўп. Унинг Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомий ҳақидаги самимий сўзлари барчага маълум. Бундай мисолларни «Фоний девони»дан ҳам келтириш мумкин.

Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба
Ҳофиз, шояд, эй Фоний,
Намойи чошни дарюза з-он
назми жаҳоноро

Яъни: ғазал Ҳофизга таслим бўлди, эй Фоний, сен ҳам жаҳонни безатувчи бу шеъриятдан бир нарса тиланиб олсанг-чи.

Бу, албатта, салаф асарига шунчаки эргашиш деган гап эмас, Навоий «Хамса»сида Низомий ва Хусрав Деҳлавий маҳоратига, улар яратган «Хамса»ларга юксак баҳо бериш билан бирга, ўзининг бошқа йўлдан бормоқчилигини кўрсатиб ўтган.

Алишер Навоийнинг татаббуъдан мақсади — салафлар маҳоратидан, улар ақлу заковатидан илҳомланиш, улардан куч-қудрат олиб, янги асар яратишдир.

Навоийга дағи шавкат етургил,
Бу икки пилдин қувват етургил.

Навоийга дағи шавкат етургил,
қоидаси деб айтиш мумкин.

Навоий татаббуъ ёзишга ундовчи кучни ҳам кўрсатиб ўтади:

Кел, эй соқий ки, тушмиш
жонима жўш,
Кетур бу икки ёди бирла бир
қўш.

Кўрамизки, шоир ўқиган асар унинг жонига ўт ташлаб, унда ҳам шундай асар яратиш иштиёқини алангалатади, акс ҳолда, бу уриниш оддий тақлиддан нарига ўтолмайди.

Татаббуъ санъати ўзидан илгари айтилган сўзни такрорлашда эмас, уни янгилашда, уни янги зиё билан порлата билишда. «Хамса»га жавоб ёзиш анъанасини бошлаб берган, авлод-аждоди шаҳрисабзлик бўлган улуғ бобомиз гениал шоир Амир Хусрав Деҳлавий ҳам бунга ишора қилиб:

Қадим ганжиналар сиёқини ман
Сухан кимёсидин этурмен
равшан,—

деган эди. Алишер Навоий ҳам шу маънода:

Бурун жамъ эт неким бўлғай
таворих,
Борида иста бу фарҳунда тарих.

Топилғай, шояд андоғ бир неча
сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган
кўз.

Ани назм этки, тарҳинг тоза
бўлғай,
Улусга майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Муқаррар айламак сендин не
лойиқ,—

деб ёзади.

Алишер Навоийнинг «Фоний девони»га киритилган машҳур «Туҳфат ул-афкор» қасидаси ҳам, ғазаллари ҳам татаббуъ йўли билан яратилган. Аммо улар тамоман янги асарлардир. Буларда Алишер Навоийнинг инсон ва унинг ижтимоий ҳаёти ҳақидаги мулоҳазалари ажойиб оригинал образларда, пурҳикмат мисраларда ифода этилади.

Алишер ШОМУҲАМЕДОВ

асарида турфа гуллар оғушида тасвирланган гулчи қизлар диққатни жалб этади. Асар гуллаб-яшнаётган республикамиздан фахрланиш ҳиссини уйғотади.

Манзара асарлари замондошларимизда Ватанга, табиатга муҳаббат ҳиссини кучайтиришда, уларда гўзаллик туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Рўзи Чориевнинг ўзи туғилиб ўсган қишлоғининг фараҳбахш манзаралари, лойдан қурилган пастак уйлари, кенг қир-адирлари, кишилари қиёфаси акс этган «Туғилган юртим» картинаси, «Тонг» номли пейзажи мақтовга лойиқдир. Айниқса, рассомнинг «Тонг» картинаси бадиий етуклиги, ранглар мутаносиблиги, таъсирчанлиги билан томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади, асарни кўздан кечираркансиз, тонгнинг майин, ёқимли шабадаси юзларингизни эркалагандек бўлади. Кайфиятингиз енгиллашиб, руҳингиз тетиклашади.

Манзара жанри соҳасида тинмай ижод қилаётган ёш рассом Анвар Мирсоатов асарлари Ўзбекистондагина эмас, балки қардош республикаларда ҳам мухлисларга яхши таниш. Унинг «Ғазалкент чироқлари», «Менинг қўшиғим», «Ватаним тонги» каби картиналари шулар жумласидандир.

Кўргазмада рассом «Уйғониш», «Мўъжизакор ўлка», «Қиш эртаси» асарлари билан муваффақиятли қатнашди. Ёш санъаткорнинг «Қиш эртаси» асари томошабинларга айниқса манзур бўлди.

Картинада катта ўзбек ҳовлисининг ички кўриниши тасвирланган. Ўртада чорпоя, дарахтлар, кечаси ювиб, илинган кийимлар — ҳаммаси оппоқ қор билан қопланган. Эрталабки бу манзара киши қалбида завқ, ҳаяжон туғдиради. Асар моҳирона ишланган: дарахтлардаги маржондек шода бўлиб турган қор, дарахтлар ортидан чиқаётган қуёш нурларининг булут орасидан ажиб тарзда, яъни қизғиш, сариқ ранглар бир-бирига уйғунлашиб, товланиши усталик билан тасвирланган. Рассом диёримиздаги қиш фаслининг илиқ тароватини, теварак-атрофнинг сокинлигини табиат рангларининг тиниқлиги орқали намойиш этади.

«Мўъжизакор ўлка» картинаси ҳам томошабин қалбида ўзгача ҳистуйғулар уйғотади. Унда табиат ва инсон, яратувчилик меҳнати, куз фаслининг ўзига хос шукуҳи турфа ранглар воситасида рангин акс эттирилган.

Кўргазмадан рассом ва ҳайкалтарошларимизнинг графика, плакат, гравюра, портрет жанридаги асарларидан намуналар, кинофильм ва спектакларга ишлаган декорацияларининг эскизлари ҳам муносиб ўрин эгаллаган.

Кўргазмалар — катта ижодий имтиҳон, амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби. Республикамиз рассомларининг «Биз коммунизм қурамиз» тематик кўргазмаси ўзбек тасвирий санъатининг ўнинчи беш йилликда замондошимиз образини яратиш борасида эришган улкан ютуқлари, шунингдек, баъзи камчиликларини равшан кўрсатди, бинобарин, рассом ва ҳайкалтарошларимиз олдида турган бир қанча янги вазифалар ҳам аён бўлди.

КПСС XXVI съезди ҳаётимизнинг барча жабҳалари бўйича яқин ўн йиллик истиқбол режаларини аниқ белгилаб берди. Съезд совет санъати, совет санъаткорлари тўғрисида ҳам улкан ғамхўрлик кўрсатди. Шу билан бирга, съезд санъаткорнинг халқ олдидаги буюк масъулиятини ҳам алоҳида таъкидлади. «Халқ манфаатлари билан яшаш,— деди бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев,— унинг қувончи ва қайғусига шерик бўлиш, ҳаёт ҳақиқатини, инсонпарвар идеалларимизни барқарор этиш, коммунистик қурилишнинг актив иштирокчиси бўлиш — санъатнинг чинакам халқчиллиги, чинакам партиявийлиги мана шундан иборат».

КПСС XXVI съездининг бу юксак даъватига Ўзбекистон рассомлари амалий иш билан жавоб беришлари шак-шубҳасиздир.

Олмахон ХЎЖАНИЁЗОВА

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ САРИ

МАМЛАКАТИМИЗ пахтачилигини машиналаштириш тарихида янги ихтиро дунёга келди. Муҳим аҳамиятга молик бу ихтирони Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли Аграр-саноат бирлашмасининг сув хўжалиги бошлиғи, конструктор-инженер Анвар Рустамов яратди. Тўққиз қаторли пахта териш аппарати лойиҳаси учун СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ихтирочилик ишлари бўйича Бутуниттифоқ давлат патент-экспертиза илмий-тадқиқот институти томонидан 1980 йил 9 июнда «Анвар Рустамовнинг пахта териш аппарати» деган авторлик гувоҳномаси берилди.

Мухбиримиз Ашурали Аҳмедов конструктор-инженер Анвар Рустамов билан учрашиб, мазкур аппарат хусусида суҳбатлашди.

Мухбир: Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш ва элекрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида мутахассислар билан фикрлашдик, ихтиронгиз ҳақидаги тегишли ҳужжатлар билан танишдик. Мазкур пахта териш аппаратини яратиш ғояси сизда қачон ва қандай пайдо бўлди?

Конструктор: Заҳматкаш ва фидойи пахтакор деҳқонларимизнинг мушкулини енгиллаштириш, уларнинг меҳнатини завқбахш этишни кўпдан ўйлаб юрардим. Шу йўлда кўп изландим. «Оқ олтин» тоғларининг янада юксалишига ҳисса қўшиш нияти мени ижодга ундади.

Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларимда ҳам, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институтида саноат корхоналарини электрлаштириш ва автоматлаштириш факультетида ўқиган йилларимда ҳам Сирдарё области хўжаликларида пахта йиғим-теримида деҳқонларга ёрдам берардик. Кўп ҳолларда ҳосилни йиғиштириб олиш декабрь ойи охиригача чўзилиб кетарди. Мен пахтакор меҳнатининг машаққати ва маъсулиятини вужудвужудимдан ҳис қилардим. Вақт ўтиши билан етиштирилган ҳосилни барвақт йиғиб-териб оладиган юқори унумли машиналар деҳқонларимизнинг оғирини енгил қиладиган бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон мамлакатимизнинг асосий пахта базаси ҳисобланади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб республикамизда пахтачиликни ривожлантириш, ҳосилни йиғиб-териб олишни машиналаштириш борасида партия ва ҳукуматимиз бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди. Ана шу қарор ва кўрсатмалар асосида қўл меҳнатини енгиллаштириш учун кўплаб жиддий тадбирлар амалга оширилди. Дастлаб 20-йилларда пахтани шланг билан юриб терадиган машиналар яратилди. Ортиқча меҳнат бўлса-да, пахтачиликни машиналаштиришнинг дастлабки босқичи сифатида партиямиз бу янгиликка дарҳол кенг йўл очиб берди. Олимлар ва конструкторларнинг изланишлари натижасида 1948 йилга келиб «СХМ» пахта териш машиналари пайдо бўлди. Кейинчалик мазкур техника янада такомиллаштирилди, иш унуми анча ошди. Мукаммал пахта териш машиналари яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Республикамизнинг машҳур конструктор инженерлари Ф. И. Глазатов, А. Н. Приходько, М. Н. Марков, В. Д. Тютков ўртоқлар вертикаль шпинделли икки қаторли «ХТ-1,2» маркали пахта териш машинаси яратдилар ва қишлоқ хўжалигига муваффақиятли равишда жорий этдилар. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтачиликни машиналаштириш соҳасидаги бу катта ихтиролари учун 1967 йилда мазкур конструктор-инженерлар ҳамда механизаторлар — Т. Охунова, Ж. Кўчиев, В. Тюпко ўртоқларни Ленин мукофоти лауреати деган унвон билан тақдирлади. Кейинги йилларда эса тўрт қаторли «Ўзбекистон» машинаси, ингичка толали пахта терадиган мукэммал техника майдонга келди.

Эндиликда Ўзбекистон пахта майдонлари ниҳоятда кенгайиб кетди, ҳосилдорлик кескин оширилди. Ҳар йили етиштирилаётган «оқ олтин» ҳосилининг 60—70 процентини йиғиб-териб олиш «зангори кема»лар зиммасига юклатилди. Бунинг учун пахтакорларимиз олим-конструкторлардан беҳад миннатдорлар. Бироқ икки ва тўрт қаторли пахта терадиган машиналарнинг баъзи камчилик ва нуқсонлари ҳам йўқ эмас. Қишлоқ хўжалик машиналарини янада мукаммаллаштириш натижасида иш унумини ошириб тола сифатига шикаст етказмаслик ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир. Ҳамкасбларим каби мен ҳам давр талабига жавоб беришга шайландим, яъни янада юксак унум билан ишлайдиган терим машинаси лойиҳасини яратишга аҳд қилдим. Машина яратиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Тинимсиз ўқиб-ўрганиш, қишлоқ хўжалик машинасозлиги тўғрисида фан ва техника янгиликлари билан муттасил танишиб бориш, пахтачиликни механизациялаш жараёнларини икир-чикиригача билиш даркор. Шу мақсадда республикамизнинг донгдор механизаторлари билан тез-тез учрашиб турдим, хўжаликларнинг техника паркларида бўлдим. «ХВС-1,2» ва тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машиналарининг технологик тузилишларини, ишчи органларининг жойлашуви ва ишлаш жараёнларини ўргандим. Бу масалалар билан чуқур танишиб чиққанимдан сўнг, икки ва тўрт қаторли пахта териш машиналарининг айрим камчилик ва нуқсонлари аён бўлиб қолди. Чунончи, «Ўзбекистон» пахта териш машинасининг иш унуми паст, ўзи анчагина қўпол ва оғир, механизатор учун ноқулай жиҳатлари кўп. Бункернинг ҳажми чекланган. Ҳосилни тўкиб-сочиб теради. Пахта ифлосланади. Шпинделлар ҳам номукаммал, ғўза тупларидаги очилмаган кўсакларни ғажиб, нобуд қилади, унга тез-тез хас-хашак ёпишади. Механизаторнинг уч-тўрт соат вақти шпинделни тозалаш билан ўтади. Ҳосил охирлаб қолганда пахтазорга подбор ва кўсак терадиган махсус механизмлар киритилади. Ёғин-сочинли кунларда эса агрегатлар бўш туради. Гапнинг сирасини айтганда, пахта териш машиналари мавсумда атиги бир ярим-икки ой ишлайди, қолган пайтларда техника паркларида ётиб қолади. Мавжуд техника такомиллаштирилса, йил ўн икки ой ундан фойдаланиш мумкин бўлмасмикан?

Шундай машина яратиш керакки, у пахтакорни қўл меҳнатидан озод қилсин. Яратилажак машинанинг иш унуми «Ўзбекистон» агрегатига қараганда икки-уч баравар юқори бўлсин, ҳосилни йиғиштириб олиш, подбор териш, кўсак узиш ва чувиш ишларини ҳам бажарсин, бункерга уч-тўрт баравар пахта жойлансин, шпиндель системаси мукаммаллаштирилсин.

Олий ўқув юртларида олган назарий билимларим, кузатиш ва изланишларим менга куч бағишлади. Институт мени Янгийўлдаги Усмон Юсупов номли Аграр-саноат бирлашмасига йўллади. Бу ерда тўққиз қаторли пахта териш аппарати лойиҳаси яратиш устидаги ишимни давом эттирдим. Қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институти олимлари ва мутахассислари билан алоқа боғлаб, улардан тегишли маслаҳатлар олиб турдим. Айниқса институт партия ташкилотининг секретари, техника фанлари кандидати Лола Ширинова Алиқулова (ҳозир у Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари) яратилажак машина чизмаларини маъқуллаб, зарур маслаҳатларини аямади. Институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, техника фанлари доктори Григорий Михайлович Рудаков, институт патент-экспертиза бўлимининг бошлиғи Юрий Михайлович Рудаков сингари устозлар мен амалга ошираётган ишга эътибор билан қараб, катта ғамхўрлик кўрсатдилар.

Ниҳоят, 1979 йили тўққиз қаторли пахта териш машинасининг лойиҳаси кўз ўнгимда мукаммал гавдаланди. Бу орада Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия Демократик Республикасида 1940 йилдан 1980 йилгача терим машиналарига берилган авторлик гувоҳномалари тарихи билан яна бир бор танишиб чиқдим. Натижада ҳалигача бундай аппарат мавжуд эмаслигига амин бўлдим. Лекин олдимда бир талай муаммолар турарди. Бўлажак аппарат расчётларини «Ўзбекистон» машинаси билан таққослаб, унинг иқтисодий самарадорлигини чамалаб чиқиш, кейинги чизмаларни қайта тайёрлаш лозим эди. 1980 йил январь ойида аппарат лойиҳаси Янгийўлдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институти олимлари ва мутахассисларининг илмий хулосалари билан бирга Москвага, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича Бутуниттифоқ патент-экспертиза илмий-тадқиқот институтига жўнатилди. Ҳужжатлар орасида институт патент-экспертиза бўлимининг бошлиғи Ю. Рудаков ва пахта териш жараёнини механизмлаш бўлимининг катта илмий ходими Х. Нуралиевнинг аппарат хусусидаги фикрлари ҳам илова қилинган эди. Жумладан, унда шундай дейилганди: «Анвар Рустамовнинг ихтироси 1948 йилдан бери фойдаланиб келаётган пахта териш машиналари конструкциясига ўзгартириш киритади. Унинг техникавий-иқтисодий самараси шундаки, пахта ҳосили мазкур аппарат билан нобуд қилинмай териб олинади, пахтани қўлда теришга бутунлай эҳтиёж қолмайди, хом ашёнинг сифатига путур етмайди. Мазкур аппаратдан мамлакатнинг ҳамма пахтачилик зоналарида тўла фойдаланиш мумкин».

Орадан бир неча ой ўтгач, Москвадан хат келди. Унда шундай дейилган эди: «СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ихтирочилик ва рационализаторлик ишлари бўйича давлат патент-экспертиза Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти енгил саноат бўлими олинган заявка материалларини текшириб кўриши натижасида мазкур техника муаммосини улкан ихтиро деб топишга ва авторлик ҳуқуқи беришга қарор қилди».

Мухбир: Аппаратнинг технологик тузилиши, унинг «Ўзбекистон» пахта териш машинасидан фарқи нимада?

Конструктор: Аппарат тузилиши жиҳатидан «Ўзбекистон» пахта териш машинасига мутлақо ўхшамайди, вазни ундан яқин икки баравар енгил. «Ўзбекистон» машинасидаги юқори куч билан ишлайдиган двигатель ва вентилятор бу аппаратда узоққа чидамли шнёк системаси билан алмаштирилган. Двигатель ва вентилятор системасидан қишлоқ хўжалик техникасининг бошқа турларида фойдаланиш мумкин.

Тўққиз қаторли пахта териш аппаратини «Ўзбекистон» машинасига қараганда «автоном комбайн» деб атаса бўлади. Тўғрироғи, алоҳида аппарат. У ғилдиракли ва занжирли тракторларга махсус гидравлик система орқали тиркаб ишлатилади. Ғилдиракли тракторларнинг тортиш кучига қараб аппарат олти, саккиз, ўн, ўн олти қаторгача жойлаштирилиши мумкин. Бундан ташқари мен мазкур техникадан йил давомида унумли фойдаланишни кўзда тутганман.

Конструктор-инженер А. Рустамов.

«Ўзбекистон» агрегатида битта бункер бўлиб, унга 750—1000 килограмм пахта жойланади. Мазкур аппаратнинг устки рамасига учта бункер ўрнатилган. Булар — асосий бункер ва икки томондаги икки кичик бункерлардир. Пахта бункерларга махсус шнёклар орқали узатилади ва зичланади. Бункер тўлгач, пахта махсус гидроцилиндр орқали прицепларга ағдарилади. Учала бункерга 2,5—3 тоннага яқин пахта жойланади. Демак, бункернинг ҳам иш унуми уч баравар ортади. Агар «Ўзбекистон» машинасида механизатор кунига 20—25 тоннагача пахта терса, бу аппарат билан 60—70 тоннагача, мавсумда эса 2—2,5 минг тоннагача хирмон уйиш мумкин. «Ўзбекистон» машинаси қор-ёмғирли кунларда пахтазорга киролмайди. Мазкур аппаратни эса бундай шароитларда ҳам занжирли трактор тиркаб ишлатиш мумкин. Янги пахта териш аппарати ҳар томонлама мукаммал техникадир.

Мухбир: Аппаратнинг пахта толаси сифатига қандай таъсири бўлиши мумкин?

Конструктор: Аппарат лойиҳасини тайёрлашда муаммо ҳам туғилди.

Мен янги аппаратнинг иш унумини ошириш, тола сифати хусусидаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун шпинделлар конструкциясига ўзгартишлар киритдим. «Ўзбекистон» машинасида тўртта барабан бўлиб, уларнинг ҳар бирида 16 тадан шпиндель бор. Шулардан фақат бир-иккитасигина ғўза тупларидаги очилган пахтани теради. Қолган шпинделлар куч билан айланиб, пахтани тўкиб-сочиб кетади. Бунинг сабаби, машинада шпинделлар бир томонлама ишланишидадир. Янги аппаратда эса шпиндель икки гуруҳга ажратилган. Бу нарса ишчи органларининг унумини оширади, терим сифатини яхшилайди. Биринчи гуруҳдаги шпинделлар ғўза тупларидаги пахтани шпинделларга ҳимариб бериш вазифасини ўтайди. Ана шунда пахта исроф қилинмай териб олинади. Янги аппаратга ўрнатилган иккинчи гуруҳ эластик юмшоқ барабан шпинделлар ҳали очилмаган юмшоқ кўсакларни чайнаб, эзиб кетишидан сақлайди.

«Ўзбекистон» машинасида шпинделлардан пахтани ажратиб олиб камерага ташловчи чўткалар бир тўп қилиб ўрнатилган. Мен янги аппаратнинг икки томонига тозалагич чўткалар ўрнатдим. Пахта ҳаво билан эмас, балки ихчам шнёклар орқали бункерга узатилади. Шпиндель пахтани икки марта тозалайди, натижада ҳосил сифати юқори бўлади. Бундан ташқари, шпинделларни автоматик равишда тозалаб турадиган махсус чўтка ҳам ўрнатилган.

Сўнгги ҳосилни йиғиб-териб олиш ишларини тўкилган пахталарни терадиган, кўсак йиғадиган ва чувийдиган механизмлар адо этади. Долзарб кунларда эса бундай ишларни ҳам тўққиз қаторли пахта териш аппарати бажараверади. Аппарат ивиган кўсакларни ҳам узиб, ҳам чувиб, пахтасини бункерга узатади. Унга бир неча операцияни ижро этиш вазифаси юклатилган.

Кези келганда айтиш керакки, йиғим-терим муддатини қисқартириш «Тошкент» навларига қараганда янада тез пишар, серҳосил, вилтга чидамли пахта навларини яратишни ҳам тақозо этади.

Мухбир: Янги аппаратни пахтакорларга қачон тақдим этмоқчисиз?

Конструктор: Янги ихтиронинг ҳаётга йўлланма олишини ўзим ҳам орзиқиб кутмоқдаман.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездига қилган Ҳисобот докладида



Янги пахта териш аппаратининг иқтисодий самаралари қандай бўлади? Институт конструкторлик бўлими бошлигининг ўринбосари В. Орлов, конструктор М. Усаров ва катта инженер М. Акбаровани шу фикр қизиқтираётир.



Пахтачиликни механизациялашда муҳим янгилик — инженер-конструктор Анвар Рустамовнинг тўққиз қаторли пахта териш аппарати Меҳнат Қизил байроқ орденли Қишлоқ хўжалигини механизмлаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институти мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Суратда (чапдан): институт патент-экспертиза бўлимининг бошлиғи М. Рудаков, катта илмий ходим О. Дудченко ва ихтирочи инженер Анвар Рустамов институтнинг техника паркида лойиҳа истиқболи хусусида фикрлашмоқдалар.

халқ хўжалиги самарадорлигини оширишда, меҳнат унумдорлигини янада юксалтиришда машинасозлар зиммасида масъулиятли вазифалар турганлигини таъкидлади. Айниқса қишлоқ хўжалиги машинасозлигини янада такомиллаштириш, унинг орқада қолишига барҳам бериш зарурлигини уқтирди. «Шу муносабат билан,— деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов,— пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш учун республикада ишлаб чиқарилаётган баъзи машиналарнинг сифати паст эканлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Ўн биринчи беш йилликда янги машина ва механизмларни жорий этишни тезлаштириш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш зарур. Улар ўзларининг хусусиятлари жиҳатидан ҳозирги энг юксак талаблар даражасида бўлиши муҳимдир».

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов КПСС XXVI съездида сўзлаган нутқида ҳам ана шу машина-механизмларга бўлган талаблар муттасил ошиб бораётганлиги, шунга қарамай пахтачилик учун машина ускуналарнинг қуввати ва сифати ҳозирги талабларга кўпинча мос келмаётганлигини айтди.

Партиямиз олий анжуманида ўн биринчи беш йилликда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу — биз конструктор-инженерлар учун амалий иш программаси бўлиб қолади. Тўққиз қаторли янги аппаратни ишлаб чиқаришни тезлаштириш — бир қанча муассаса ва ташкилотларга боғлиқдир. Пахтачилик машинасозлиги Бутуниттифоқ бирлашмаси ҳамда унинг Ўзбекистондаги филиали — Пахта териш машиналари ишлаб чиқариш махсус давлат конструкторлик бюроси, Қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти, республикамиздаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари, қолаверса, Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳамда бошқа масъул ташкилотлар янги машинани азамат пахтакорларимизга тезроқ етказиб бериш учун ғайрат-ҳаракатларини аямаслар, деб умид билдираман. Янада аниқроғи, бу ихтирони амалга ошириш лозим бўлган Қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти коллективи мазкур аппарат лойиҳасининг техникавий чизмаларини тайёрлашини ва бевосита ишга киришувини сабрсизлик билан кутмоқдаман.

Мухбир: Сизнинг ёш конструктор-инженер сифатида республикамиз пахтачилигини машиналаштиришга ҳисса қўшаётганингиздан мамнунмиз. Бу соҳадаги ишларингиз янада яхшироқ самара беришига тилакдошмиз.

Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездига Ҳисобот докладида шундай деди: «Қўл кучи билан бажариладиган, кам малакали ва оғир жисмоний меҳнатни тугатиш ғоят муҳим роль ўйнамоғи лозим. Бунда миллионлаб кишилар ҳамон шундай меҳнат билан банд бўлиб турибдилар. Бу фақат иқтисодий муаммо бўлиб қолмай, балки жиддий иқтисодий муаммо ҳамдир. Буни ҳал қилиш меҳнатни ҳар бир кишининг энг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айлантириш йўлидаги жиддий тўсиқларни йўқотиш демакдир».

Республикамиз пахтачиликнинг ёрқин йўлида ишонч билан янги-янги марраларни эгалламоқда. Бунинг боиси пахта меҳнатининг тўла машиналаштирилаётганидадир. Ўтган йили она-Ватанга армуғон қилинган 6 миллион 237 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин»нинг 4 миллион тоннадан кўпроғи машиналар билан териб олинди. Бу йил республикамиз пахтакорлари ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун кураш бошлаганлар. Етиштириладиган ҳосилнинг салкам 5 миллион тоннасини машиналар ёрдамида териб олишга жазм этганмиз. Конструктор-инженерларимиз юқори унумли пахта териш машиналари кашф этиш, янги конструкциялар яратиш устида изчил изланмоқдалар. Бу билан КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди курсатмаларига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Яқин ўн-ўн беш йиллар мобайнида пахтани қўлда териш ҳақидаги гаплар эртакка айланиб қолса ажаб эмас. Социалистик жамиятимиз тараққиёти, фан ва техника тараққиёти шундан далолат бериб турибди. Коммунистик партиямиз халқ хўжалигимиз учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай янгиликни қўллаб-қувватламоқда. Сизнинг ҳам тўққиз қаторли пахта териш аппаратингиз яқин вақтлар ичида пахтакорларимизга тортиқ қилинса, айни муддао бўлур эди.

Суҳбатни **Ашурали АҲМЕДОВ** олиб борди

Солиҳ ҚОСИМОВ

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

ГЕРМАН ЛОПАТИН ТОШКЕНТДА

ЖУРНАЛХОНЛАР республикамиз пойтахтининг Герман Лопатин номидаги сердарахт, соясалқин, шинам кўчасини яхши биладилар. Биринчи Интернационал Бош кенгашининг аъзоси, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг дўсти, марксизмнинг классик асари «Капитал»ни биринчи бўлиб рус тилига таржима қилган машҳур революционер Герман Александрович Лопатин бундан роса бир аср муқаддам бир йилча Тошкентда яшаган. У чор Россиясининг мустамлакаси бўлган Туркистонга сургун қилинган эди. Г. Лопатиннинг Тошкент сургуни 483 кун давом этди. Бироқ шу бир йилу тўрт ой ўлкамизнинг инқилобий тарихида сезиларли из қолдирди.

Г. Лопатин йигирма ёшидаёқ полиция назоратига олинди. Шундан кейин Тошкент сургунигача ўтган ўн беш йил мобайнида у ҳокими мутлақнинг қўрқинчли душмани сифатида уч марта бадарға қилинди, етти бор қамалди, беш гал полицияни доғда қолдириб қамоқдан қочди. У гоҳ чет элларда пайдо бўлар, гоҳ ўз юртида мужик қиёфасида юрар, ҳеч қачон тиниб-тинчимас эди.

1867 йили газеталардан бирида у Гарибальдининг Капрерадан қочиб Римга кетаётганлиги ҳақида ўқиб қолади ва шу куни кечасиёқ унга мадад бериш учун йўлга чиқади. Бироқ у Флоренцияга Гарибальди мағлубиятга учраб қаҳрамонларча ҳалок бўлган кунигина етиб боради. Шундан кейин руҳи тушиб, кекса Герценни кўриш ва суҳбатлашиш мақсадида Ницца томон йўл олади. Бу унинг муҳожирликда биринчи бор рус революционери билан учрашиши эди. Шундан кейинги чет эл «сафар»ларида у ўша замон рус революцион ҳаракатининг турли оқимларига мансуб бўлган кишилар билан ҳамкорлигини давом эттиради.

Сиёсий оқимлар фаолиятини баҳолашда Г. Лопатин учун энг олий мезон, даставвал, кураш соясига садоқатдир. Шу сабабли шахсан ўзи айрим оқим вакилларининг тактик методларини ёқламагани ҳолда, кези келганда, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да, уларни таъқиблардан ҳимоя қилишда самимий ёрдамини аямасди. Унинг каракозовчиларга муносабатини олайлик. Маълумки, 1866 йилда террорист Д. В. Каракозов Россия императори Александр II га суиқасд қилган эди. Шу баҳона билан мамлакатда ҳокими мутлақ душманларидан ўч олиш бошланиб кетди. «Современник» ва «Русское слово» каби нашрлар ёпиб қўйилди. Подшоҳга қарши деб гумон қилинган кишилар қатори Г. Лопатин ҳам қамоққа олинди, ҳолбуки, у каракозовчилар билан ҳамфикр эмас ва уларнинг кураш методларини қатъий рад этар эди. Бу иш юзасидан Г. Лопатин берган расмий гувоҳлик маълумотларида таъкидланишича, каракозовчилар билан Г. Лопатин ўртасида жиддий ихтилофлар бўлган. «Мен,— дея таъкидлайди Герман Александрович,— гарчи бу масала юзасидан айбланганларнинг баъзилари билан яхшигина таниш бўлсам-да (эҳтимол, менинг қамалишимга ҳам шу сабаб бўлгандир), **каракозовчилик деб аталган ишга фикран ҳам, руҳан ҳам алоқам йўқ эди.** Тарихни диққат билан кўздан кечириш шуни кўрсатадики... суиқасд деб аталган уриниш ҳеч қачон реакцияни кучайтиришдан ва **тўғри ижтимоий тараққиётни** бир неча **йил** кечиктиришдан бошқа натижа бермаган...»

Г. Лопатин марксистик адабиёт билан танишиб, дунёқарашини такомиллаштиради. К. Маркс ва Ф. Энгельс, уларнинг ижодий фаолияти ҳақидаги дастлабки маълумотлар Россияда 40-йиллардаёқ пайдо бўлган эди. Кейинги даврларда эса, марксистик таълимотга қизиқиш кун сайин кучая борди. 1861 йилда «Современник» журналида Н. Г. Чернишевскийнинг сафдоши Н. В. Шелгуновнинг «Англия ва Францияда ишчи пролетариат» мақоласи босилди. Ф. Энгельснинг «Англияда ишчи синфнинг аҳволи» асари асосида ёзилган ва 60-йиллар рус тафаккурини тўлқинга келтирган бу мақолани, шубҳасиз, Г. Лопатин ҳам мутолаа қилган. Худди шу йилларда Ф. Лассалнинг «Маркс бизнинг устозимиз» деган иқроридан қаттиқ таъсирланади ва К. Марксннинг «Сиёсий иқтисод танқидига доир» асарини таҳлил қилиб чиқади. 1867 йилда «Капитал»нинг биринчи жилди немис тилида босилганда Г. Лопатин иштирок этган тўгарак аъзолари бу асарни асл нусхада ўқийдилар, уни рус тилига таржима қилиш зарур, деган фикрга келадилар.

Бу йилларда Г. Лопатин қарашларида марксизм томон жиддий силжиш бўлганлигини кўрамиз. 60-йиллар охирида эса у Парижда К. Маркс асарларининг таржимони сифатида танилди. «Мен,— деб эслайди рус адиби Г. И. Успенский,— Г. А. ҳузурига кечқурун келдим, у Марксни таржима қилиш билан банд эди».

Ярим йил ўтар-ўтмас, Г. Лопатин Лондонда, К. Маркс хонадонида яшай бошлайди ва буюк «Капитал»нинг таржимасига астойдил киришади.

«Жуда мусаффо, **танқидий** ақл, — деб ёзади К. Маркс Ф. Энгельсга унинг тўғрисида,— хушчақчақ характер эгаси, борига кўниб кета берадиган, рус деҳқони сингари сабр-то-

Г. Лопатин Италиядаги Кави шаҳарчасида. 1909 йил.

қатли ва бардошли». Лопатин эса бир хатида Маркс ҳақида бундай дейди: «...мен бу дўстлигимни юксак баҳолайман. Аввало, бу машъал билан гаплашиш учун мендаги маънавият етмаса керак, деб хавфсираган эдим... Бу хавфсирашларим ўринсиз бўлиб чиқди: суҳбатларимиз бир дақиқа ҳам тўхтамади..»

Тез орада К. Маркс ёш дўстини тушликдан сўнг Лондон атрофларига қиладиган сайрларига бирга олиб чиқадиган бўлди. Сайр давомида турли-туман мавзуларда суҳбат тинмай давом этарди. Бундай сайрлар Лопатиннинг фикрий доирасини кенгайтирар, борган сари доҳийга уни қаттиқроқ боғлаб қўяр эди.

К. Маркс ва Г. Лопатин муносабати уларнинг ҳар иккаласи учун фойдали бўлди. Чунки Г. Лопатин ҳам жаҳонгашта, ҳар томонлама билимдон шахс эди. Шу сабабдан «Капитал»ни таржима қилар экан, авторнинг фикрини ифодалабгина қолмай, айрим ҳолларда унинг баёнидаги айрим ноаниқликларни ҳам пайқаб олар эди. Бу жиҳатдан Г. Лопатиннинг К. Маркс билан ер рентаси ҳақидаги суҳбати характерли.

Маълумки, ер рентаси масаласи «Капитал»нинг I томида етарли ёритилмаган. Буни Г. Лопатин таржима жараёнида К. Марксга айтади.

— Сизнингча бу масалани чуқурлатиш лозимми?— деб сўрайди К. Маркс,— хўп, буларнинг ҳаммасини II томдан топасиз.

Г. Лопатиндан сўнг «Капитал»нинг рус тилига таржимаси билан шуғулланган Н. Даниельсоннинг ҳикоя қилишича, Г. Лопатин цитата олинган авторларнинг руҳини чуқурроқ англаш мақсадида Британия музейи кутубхонасига бориб, ўша асарларни асл нусхада ўқирди. Шунинг учун К. Маркс унинг бу борадаги мулоҳазаларини эътиборга олиб, тегишли қўшимчалар киритган.

К. Маркс ва Ф. Энгельс билан ҳамкорлик туфайли Г. Лопатин дунёқарашидагина эмас, бутун рус революцион ҳаракатида жиддий ўзгаришлар юз берди. I Интернационал ва Париж Коммунасида рус революционерларининг иштироки бунинг амалий исботидир. I Интернационал Бош кенгаши аъзолари ва К. Маркс билан Ф. Энгельснинг энг яқин дўстлари қаторида Г. Лопатинни ҳам кўрамиз. Бу ҳамкорлик ёш рус революционери учун тасодифий эмас эди.

«Маркс худди мен Россия чегарасидан ўтаётган куним вафот этибди,— деб ёзади Герман Александрович.— Шундай қилиб, бир неча кунга кечикишим буюк дўст сифатида севган, устоз деб ҳурматлаган ва отадай иззат қилган одамимни тириклик пайтида яна бир кўчиш бахтидан маҳрум қилди».

Тошкентга келганида у К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ихлосманд маслакдоши, ҳаётни марксизм нуқтаи назаридан баҳолашга қодир йирик шахс эди. Энг муҳим сиёсий проблемалар бўйича К. Маркс ва Ф. Энгельс билан мунтазам ва бевосита фикрлашган революционер эди. Натижада долзарб назарий ва амалий проблемалар бўйича, айниқса Россиядаги революцион ҳаракатнинг вазифалари ҳақидаги масалада Ф. Энгельс билан унинг фикрлари тўла уйғун эди. Бу ҳолни Тошкент сургунидан сўнг чет элга қочиб борган Г. Лопатин ўзининг Ф. Энгельс билан суҳбати ҳақида «Народная воля» ташкилоти Ижроия комитетининг аъзоси М. Н. Ошанинага 1883 йил 20 сентябрда ёзган мактубида алоҳида таъкидлайди. «Биз,— деб ёзади у,— рус ишлари ҳақида, бизнинг сиёсий ва социал уйғонишимиз қандай йўлдан бораркан, деган масалада кўп гаплашдик. Қарашларда тўла-тўкис муштараклик борлиги аниқланди; суҳбатда бир-биримизнинг фикр ва ибораларимизни давом эттириб бордик».

Шу сабабли Г. Лопатиннинг Тошкентда яшаган йилларидаги суҳбатлари ва ёзишмалари Туркистонга марксистик дунёқарашни кенг ёйишда катта аҳамиятга эга бўлган. Зеро, у марксизмнинг Туркистондаги илк зиёси эди.

У Тошкентда бир йилу тўрт ой бўлди. Бу тиниб-тинчимас революционернинг умрида бир жойда энг узоқ яшагани шу эди. Узоқ туриб қолмасди-ю, қочиб кетмаслигига кафил бўлиб, катта маблағни гаровга қўйган кишиларга жабр етказишга виждони йўл қўймади. У революцион иш манфаатлари талаб этса, ҳар қандай хавф-хатарни писанд қилмайдиган киши эди. Ҳар гал чет элдан Россияга қайтмоқчи бўлганида дўстлари уни бу ишдан тийишга ҳаракат қилишарди; бу революционернинг изига тушиш истаган жосусга шоншуҳрат келтириши мумкин эди. Г. Лопатин мақсад йўлида тавакқал қилиш учун ҳамиша шай турарди. «Сизнинг дўстона ўгитларингизга қарамай,— деб ёзади у К. Марксга 1870 йил декабрида,— мен Россиядаман. Аммо мени бу сафарга нима рағбатлантирганини билсангиз эди! Сиз, аминманки, далилларимни етарли равишда асосли деб топасиз». Бу ерда гап Н. Г. Чернишевскийни Сибирь сургунидан қочириш ҳаракати ҳақида боради. Аслида, бу ғояни унинг кўнглига К. Маркс солган эди. Аммо шахсан Г. Лопатин учун Россияга келишнинг мавриди эмасди. К. Маркс буни унга уқтирган эди, бироқ ёш ва дадил Г. Лопатин бу дўстона огоҳлантиришга қулоқ солмади. Сафари ҳам кўзланган натижани бермади. Петербургда уни кутиб туришган эди. Чунки унинг парижлик танишларидан бўлган Воронович подшоҳнинг жосуси бўлиб, машҳур революционер Ватанига жўнаганлигини олдиндан хабар қилган эди.

Шу нарса эътиборга сазоворки, Г. Лопатин Россияга келганида уни биринчи учратган И. С. Тургенев дарҳол чет элга жўнаб кетишни маслаҳат беради ва айрим революционерлар қатори уни ҳам ислаётганликларини айтади. Аммо Г. Лопатин парво қилмайди. Ватанида эса уни жандарм шефи, золимлиги билан ном чиқарган, ҳатто ўз яқинларига ҳам «мудроқ йўлбарс» бўлиб туюладиган Н. В. Мезенцевни ўлдиришда иштирок этган деган гумон билан қидирмоқда эдилар. Дарҳақиқат, ўша суиқасд рўй берган кунда Г. Лопатин Петербургда бўлган, бироқ бундан уч ярим ойдан сўнг яна чет элга кетган, шунинг учун қўлга тушмаган эди. Энди эса Воронович томонидан огоҳлантирилган полиция ходимлари тезда унинг изига тушадилар ва Россияга келганининг олтинчи куни қўлга оладилар. Мақсад Г. Лопатинни ўлим жазосига ҳукм қилиш эди. Аммо асос топа олмаганлари учун ўлим жазосини сургун билан алмаштирдилар. Фақат И. Тургенев каби жаҳонга машҳур маданият арбобларининг илтимоси ва Г. Лопатиннинг хотини З. С. Апсеитова-Бартнинг ҳешлари гаровга қўйган йирик маблағ туфайли атоқли революционер Сибирга эмас, Тошкентга сургун қилинди.

Г. Лопатин ҳаётининг мазмунини революция манфаатларига хизмат қилишда деб билган шахслардан бири эди. Шу сабабли ҳамма жойда, ҳар қандай қийин шароитда ҳам революцион фаолиятини сусайтирмас, ҳокими мутлаққа қарши курашнинг хилма-хил йўлларини топар, революцион ғояларнинг тантанаси йўлида хизмат қилишдан чарчамас эди.

Тошкентда Г. Лопатин руҳан қийин шароитда яшади. Чунки у М. Е. Салтиков-Шчедриннинг «Тошкентлик жаноблар» романида тасвирланган фикри-зикри мустамлака ўлка халқини талаш, бойлик орттириш бўлган ёвуз ниятли шахслар билан қуршалган эди.

Бироқ Туркистонда «Тошкентлик жаноблар»гина эмас, софдил зиёлилар, инсофли ва жафокаш рус меҳнаткашлари ҳам бор эди. Г. Лопатин ўзига маслакдош бўлган шахслар мавжудлигини тез пайқади ва астасекин улар билан яқинлашиб олди.

Журналхонларга маълумки, Г. Лопатиннинг Тошкентдаги ҳаёти унинг биографиясидаги энг кам ёритилган саҳифалардан эди. Эндиликда, атоқли партия ва давлат арбоби ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг XIX асрнинг охири XX аср аввалидаги Туркистоннинг ижтимоий ҳаёти, Ўзбекистонда революцион ғояларнинг тарқалиш тарихига оид асарлари, журналист Г. Димов ва тарихчи Б. Луниннинг тадқиқотлари туфайли тарихий адабиёт янги, муҳим маълумотлар, ҳужжатлар ва хулосалар билан бойиди, Г. Лопатин фаолиятининг Туркистон халқлари ижтимоий онги тараққиётидаги аҳамияти анча кенг очиб берилди. Бу ҳол мазкур мақола доирасида Г. Лопатиннинг Туркистондаги ҳаётининг ҳозирча камроқ ёритилган жиҳатлари билан чекланишни тақозо этади.

Г. Лопатин Россияга қайтганида ҳар гал унинг фаолиятини диққат билан кузатиб борган К. Маркс ва Ф. Энгельс ўз дўстларининг Тошкентда эканлигидан хабардормидилар? «Бу саволга ижобий баҳо бериш учун асос бор,— деб ёзади Г. Димов.— 1881 йилнинг охирида Петербургдан Лондонга: «Бизнинг умумий дўстимиз» (мактубларда конспирация мақсадида Г. Лопатин ҳақида шу ибора кенг қўлланган — **С. Қ.**) январда Вологдага кўчиб ўтади», деб ёзадилар. Афтидан, қаерданлигини айтиш шарт бўлмаган».

Журналистнинг тахмини тўғри. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг рус сиёсий арбоблари билан ёзишмаларини диққат билан ўрганиш бунга ишонтиради. Фактлар ғоят мароқли ва ибратли. Маълумки, Г. Лопатин ва хотини Тошкентга 1880 йил 9 сентябрда етиб келганлар. Йўл азоби қанчага чўзилган экан? Афтидан, анчага. Чунки биз 1880 йил 22 июнда П. Л. Лавров Париждан Лондонга — К. Марксга йўллаган хатда қуйидаги сўзларни ўқиймиз: «Бизнинг дўстимиз Лопатин маъмурий тарзда Тошкентга сургун қилинганлиги Сизга маълум бўлса керак».

Бу хабар Парижга — П. Лавровга етиб боргунча, қанча вақт ўтди экан? Ҳеч бўлмаганда, ўн-ўн беш кун деб тахмин қилинса, Г. Лопатин июнь ойининг бошида Тошкентга жўнатилган бўлса керак. У даврда Тошкентга темир йўл бўлмаган, Оренбургдан кейин от қўшилган почта каретали қатнаган. Йўл олис. Шулар ҳисобга олинса, Г. Лопатин Тошкентга етиб келишидан олдин унинг сургуни ҳақидаги хабар Парижга етиб боргани ва у ердан Лондонга жўнатишга улгурганлигига ажабланмаслик керак. Бироқ, шунга қарамасдан, Г. Лопатиннинг Тошкентга 9 сентябрь куни етиб келгани ҳақидаги маълумотни яна бир текшириб кўриш зарурга ўхшайди. Чунки яна бир ҳужжат бунга даъват этади. Бу эса Н. Даниельсоннинг Петербургдан Лондонга К. Маркс номига йўллаган мактуби бўлиб, унда «Сиз бизнинг умумий дўстимиз ҳозирги кунда Тошкентда эканлигини, шубҳасиз, биласиз», дейилади. Бу мактуб эса, 1880 йил 21 августда[1] ёзилган.

П. Лавров ҳам, Н. Даниельсон ҳам сургун ҳақида сўзлаганларида, ўтган замон феълини қўллайдилар. Яъни Г. Лопатиннинг Тошкентда эканлигидан К. Маркс ва Ф. Энгельс хабардор бўлганлари шубҳадан ҳоли. Н. Даниельсоннинг К. Марксга ёзган бошқа хатларида ҳам Г. Лопатин ҳақида қизиқарли маълумотлар хабар қилинади. «Мен,— дея таъкидлайди у 1881 йил 24 февралда ёзган мактубида,— «бизнинг умумий дўстимиз» билан телеграф орқали алоқани узмай турибман. Унинг хатлари йўқоларди. Почта алоқаси ниҳоятда суст: хат Петербургга олтмиш кун ёки етмиш кун деганда етиб келади. Ҳар куни мен ундан хат кутаман».

1881 йил 29 апрелда Н. Даниельсон К. Марксга яна бир янгиликни маълум қилади: «Бизнинг дўстимиз ғоят даражада зерикарли ҳаётдан нолимоқда: бир банкда кассир бўлиб ишларкан». Ва, ниҳоят, ўша йил 5 декабрдаги мактубида Г. Лопатиннинг январь ойида Вологдага кўчиб ўтиши ҳақидаги хабар боради. Демак, бу сўнгги хатгача К. Марксга Г. Лопатиннинг Тошкентда эканлиги кўрсатилган тўртта хат борган эди. Шу сабабли К. Маркс дўсти қаерда яшаётганини билган. Эҳтимол, дўстларининг бошига қўшимча балолар ёғдириши мумкинлигидан чўчиб, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ўзлари унга бевосита мактуб ёзмаганлар. Бироқ унинг аҳволидан дурустгина бохабар эдилар. Чунки, Н. Даниельсон Г. Лопатин билан ҳам, К. Маркс билан ҳам мунтазам алоқада бўлган. Г. Лопатиннинг эса Н. Даниельсон билан ёзишмалари туфайли революцион ҳаракатдаги янгиликлар билан танишиб турганлиги ва ўз навбатида Тошкент жамоатчилиги билан қилган суҳбатлари воситасида Туркистон халқлари ижтимоий тафаккури тараққиётига таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз.

Охири келгуси сонда

[1] Ҳамма саналар эски услубда.

«СУЗУВЧИ РЕСПУБЛИКА» ҚАҲРАМОНИ

БУХОРОНИНГ Қизилтепа посёлкасидан ўтган темир йўл ёқасида бир қабр бор. Уни ҳар йили — июнь ойида юзлаб кишилар зиёрат қиладилар, болалар гулдаста қўядилар. Бу ерга машҳур «Потёмкин» броненосеци қаҳрамонларидан Георгий Константинович Ракитин дафн этилган.

Маълумки, В. И. Ленин 1905—1907 йилларда бўлиб ўтган улкан халқ революциясини чуқур ўрганиб, уни улуғ социалистик революциянинг «бош репетицияси», деб атаган эди. Россиядаги биринчи халқ революцияси синфий ва миллий зулм, антагонистик зиддиятлар гирдоби тобора чуқурлашаётган беподён Россия империясида даҳшатли зулмга қарши меҳнаткашларнинг оммавий кўтарилишида, шунингдек, барча мамлакатларда ишчилар ҳаракатининг юксалишида ва миллий озодлик ҳаракатларининг кенг қулоч ёйишида буюк аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа эди.

Чор Россиясини даҳшатга солган воқеалардан бири 1905 йил 14(27) июнь куни Қора денгизда «Князь Потёмкин Таврический» броненосецида бўлиб ўтган қўзғолон эди. Бу — 9 январда Қишки сарой олдида тўкилган қон қуримасдан туриб Россия флотида юз берган энг йирик воқеадир.

Мустабид режимдан норози денгизчилар кема ремонти заводи қошидаги социал-демократик ташкилотга аъзо бўлиб кирдилар ва Севастополь денгизчилар революцион ташкилоти ана шу тариқа вужудга келди. Бу ташкилот кўпгина кемаларда революцион ташвиқотни кучайтириш мақсадида ячейкалар ташкил этди.

1905 йил баҳорида денгизчилар Қора денгиз флотида қўзғолон кўтариш режасини ишлаб чиқдилар. Петров, Вакуленчук каби матрослар В. И. Ленин раҳбарлигида чиқаётган «Вперёд» газетасини ўқир ва РСДРП(б) III съездининг қуролли қўзғолон тўғрисидаги резолюциясидан хабардор эдилар.

«Потёмкин» кемасида 768 киши хизмат қилар, кўпи яқинда қишлоқдан келган деҳқон болалари эди. Броненосец Тендрага етиб боргач, 14 июнда Одессадан махсус кема озиқ-овқат олиб келади. Аммо гўшт сасиб кетган эди. Денгизчилар тайёрланган овқатни ейишдан бош тортадилар. Бу ҳол эртасига ҳам давом этади.

Шундан сўнг ўттиз денгизчи отиб ташлашга буюрилади ва тўқнашувда қўзғолон раҳбари Вакуленчук ўлдирилади. Сабр косаси тўлган денгизчиларни энди тўхтатиб турадиган куч йўқ эди. Улар тезда офицер Гиляровский ва кема командири Голиковни ҳамда яна икки офицерни отиб, кемадан улоқтирадилар. Эртаси куни броненосец Қизил байроқ тикиб Одесса портига кириб келади. Ракитин кейинчалик буни хотирлаб шундай ёзади: «Денгизчи эдим, «Потёмкин» броненосецида Г. Вакуленчук раҳбарлигида Маркс, Энгельс, Ленин асарларини ўқирдик. 14 июнь куни биз овқатдан бош тортганимиз учун ўртоқларимизни отишга ҳукм қилганларида, ўзимизни тўхтатолмадик. Вакуленчук ҳалок бўлгач, жасур денгизчи Матюшченко унинг ишини давом эттирди».

Бу вақтда Одессада ишчиларнинг кучли стачкаси бўлаётган эди. Кема портга етиб келгач, Вакуленчукни дафн этиш маросими бўлди ва бу маросим катта намойишга айланиб кетди. Вакуленчук тобутига «Қонхўрлардан ўч оламиз! Яшасин эркинлик!» шиорлари ёзилган эди. Революцион нутқлар сўзланди... Бироқ меньшевиклар раҳбарлик қилаётган шаҳар ташкилотидан мадад ололмагач, «Потёмкин» портдан чиқиб кетди.

Чор ҳукумати «Потёмкин» броненосецидаги қўзғолондан хабар топгач, дарҳол уни аёвсиз бостириш учун Қора денгиз флоти қўмондони адмирал Чухнинга буйруқ берди. У тезда йирик кемалардан жазо экспедицияси тузди ва броненосец изига тушди. Бунга Кригернинг жазо эскадраси ҳам қўшилди. Революцион «Потёмкин» эса Қизил байроқни баланд кўтариб, денгизда мағрур сузиб юрарди. У Одессага қайтишга ҳаракат қилиб кўрганида жазо эскадрасига дуч келиб, кемалар орасига кириб қолади. «Синоп» броненосеци потёмкинчиларни «Ура» садолари билан кутиб олади. Кемалардаги революцион кайфиятни пайқаган адмирал Севастополга қараб юришга буйруқ беради. Лекин потёмкинчилар сусткашлик қилиб, изига қайтаётган кемаларни эргаштиролмадилар. В. И. Ленин уларнинг бу ҳаракатини «Эскича исён аломатлари ҳали яқ-қол сезилиб турган» қўзғолон эди, деб баҳолайди.

«Потёмкин»га фақат «Георгий Победоносец» кемаси эргашди. Лекин уни ҳам хоинлар саёзликка чиқариб қўйдилар. Шундан сўнг «Потёмкин» ёнилғи ва озиқ-овқат олиш учун Руминияга қараб кетди. Бироқ румин маъмурлари уларга таслим бўлишни буюрдилар. Потёмкинчилар барча Европа давлатларига қарата мурожаат қилдилар. «Князь Потёмкин» броненосеци,— дейилади мурожаатда,— самодержавиега қарши қатъий кураш бошлади. Биз бундан Европадаги барча ҳукуматларни хабардор қилиб, Қора денгизда сузиб юрувчи ҳамма ажнабий кемаларнинг ва ажнабийларга қарашли бу ердаги барча портларнинг дахлсизлигини таъминлашни ўзимизнинг бурчимиз, деб ҳисоблаймиз».

В. И. Ленин бу мурожаатномани: «Қўзғолончилар рус революцияси, рус халқининг чоризмга қарши уруш очганини Европага эълон қилдилар», деб баҳолаган эди.

Потёмкинчилар ҳаракати Россиядаги меҳнаткаш оммага кучли таъсир этибгина қолмай, чет эллардаги революцион юксалишга ҳам катта туртки бўлди. В. И. Ленин бу хабарни Женевада эшитади. Россияга жўнаб кетаётган большевик М. И. Васильев-Южинга «Потёмкин»даги социал-демократлар билан алоқа боғлашни топширади. Аммо у Одессага етиб келганида кема ҳали денгизда эди.

Ниҳоят, ҳеч қаердан ёрдам ололмай, озиқ-овқатсиз ва ёнилғисиз қолган кема 1905 йил 24 июнда Руминиянинг Констанца шаҳрига бориб таслим бўлади, қўзғолончилар кемани ташлаб чиқиб кетадилар. Чор ҳукумати румин маъмуриятидан бу «жиноятчи»ларни тутиб беришни сўрайди. Лекин Европа тараққийпарвар аҳлининг кучли норозилиги сабабли потёмкинчилар Шимолий Америка Қўшма Штатлари, Канада ва Бразилия ҳамда бошқа мамлакатларга тарқалиб кетдилар. Россияга қайтган 54 денгизчидан эса чоризм шафқатсиз ўч олди.

Жаҳон флоти тарихида биринчи энг йирик ҳаракат ҳисобланган потёмкинчилар қўзғолони, шу тариқа, мустаҳкам революцион раҳбарликнинг йўқлиги, ишчилар ҳаракати билан боғланмаганлиги, меньшевикларнинг хоинлиги, революцион тактиканинг заифлиги ва изчил режаси бўлмаганлиги туфайли енгилди.

«Потёмкин» бир неча кун давомида, Ленин таъбири билан айтганда, «революциянинг енгилмас территорияси» бўлиб, ҳукумат билан революцион ҳокимият вакили сифатида гаплашди.

У революциянинг яхши қуролланган биринчи ҳарбий отряди эди. «Ҳеч қандай жазо чоралари, революция устидан қозонилган ҳеч қандай жузъий ғалабалар бу воқеанинг аҳамиятини йўқота олмайди,— деб ёзади В. И. Ленин.— Биринчи қадам қўйилди. Чегара босиб ўтилди. Армиянинг революция томонга ўтиши бутун Россия кўз ўнгида ва бутун дунё кўз ўнгида ёрқин воқеа бўлиб туради».

Доҳиймиз Ленининг улуғ башорати қисқа давр ичида амалга ошди. «Потёмкин» тўпларидан отилган ўқ «Аврора» садолари билан якунланди. Совет даврида потёмкинчиларнинг кўпчилиги ўз она юртларига қайтиб келдилар.

Георгий Константинович Ракитин 1942 йилгача Болгарияда яшади. У ерда уйланиб, уч фарзанд кўрди. Урушнинг оғир дамларида Ватанимизнинг ғарбий районларидан эвакуация қилинган қариялар орасида Бухоронинг Қизилтепа станциясида яшаб, дурадгор бўлиб ишлади.

1956 йил охирида СССР Олий Совети Президиуми потёмкинчилардан юздан ортиғини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади. Пенсионер Г. К. Ракитин ҳам Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Бу хабар узоқ Варнага ҳам етиб боради. Орадан бир оз вақт ўтгач, район ижроия комитети раиси А. Ҳакимов номига қуйидагича хат келади: «Варна шаҳрида чиқаётган «Народное дело» газетасида ёзувчи Иван Пономаревнинг «Потёмкинчилар» сарлавҳали мақоласини ўқидик. Унда бизнинг отамиз Георгий Константинович Ракитин тўғрисида ҳам сўз боради. Ёзувчига хат ёзиб, сизнинг адресингизни аниқладик. Отамиз ҳаётми? Шуни хабар қилсангизлар. Салом билан Анна ва Константин Ракитинлар. Болгария, Варна шаҳри, Неоф Бозов кўчаси, 4-уй».

Аммо бу даврда кекса Георгий Константинович оламдан ўтган эди. Революция ветеранини Қизилтепа аҳолиси катта иззат-ҳурмат билан дафн этди. Георгий Константиновичнинг фарзандларига Қизилтепа район ижроия комитети номидан: «Оталарингиз, машҳур революционер, «Потёмкин» броненосеци қаҳрамони Г. К. Ракитин 1957 йил 4 июнь куни вафот этди. У темир йўл станциясига яқин жойга дафн этилди. Яқинда Қизилтепа станцияси аҳолиси ва шу ердаги Гагарин номли мактаб ўқувчилари отангиз қабрига ёдгорлик лавҳаси ўрнатдилар. Табаррук қабрни гулчамбарлар безаб турибди. Сиз ҳам стангиз зиёратига келинг», деб жавоб ёзилди.

Биринчи рус революциясининг фаол қатнашчиси, потёмкинчи Г. К. Ракитиннинг қабри ҳамиша гулларга бурканган. У босиб ўтган жанговар йўл авлодларимиз учун курашиш ва зафар қозониш мактаби бўлиб қолади.

Мойли ЛАФАСОВ,
тарих фанлари кандидати

ЯХШИДАН ОТ...

ЁМҒИР уч кундан бери эзиб ёғади. Лойсувоқ уйларнинг томи, деворлари ивиб кетган, худди босиб тушадигандек туюлади. Дов-дарахт ёғиндан безиллаб қолгандек қунишиб олган. Булутлар баланд теракларнинг учига тегай-тегай деб турибди. Худди эритилган қўрғошиндек, қилт этмайди. Булутларга қараб кишининг юраги сиқилади. Кўнгилда осмоннинг лоақал бир бўлаги ёришганини, қуёш йилт этганини кўриш истаги пайдо бўлади. Бошинг узра тип-тиниқ осмон бўлса, тикилган сайин кўзларинг ором оладиган, кўнгилда хотиржамлик, бир улуғвор ҳис уйғотадиган чексиз осмон! Унинг ҳудудсизлиги, юксаклиги кўнгилга кўчсаю инсоннинг феъли ҳам, ишлари ҳам шунга яраша катта бўлса... Қизиқ, нега инсон ҳамиша осмонга кўз тикиб яшайди? Ахир, киндиги ерга туташ, тиригида ҳам, ўлганида ҳам ер билан бирга. Лекин ҳамиша кўкка интилгани интилган. Ҳолбуки, ҳали ер юзида қимайдиган бўлиб қолган дағал бармоғи билан Яхши акани имлади:

— Бери кел, анови томошани бир кўриб қўй. Иккита арава ботиб қолибди. Ҳайло, одамлар ҳам келишяпти.

Яхши ака қарамаса ҳам ташқарида нималар бўлаётганини биларди. Бундай ёғин-сочинли кунларда Бешкентнинг кўчаларидан на одам, на от-улов юра олади. Нақ белигача лойга беланади. Аммо у нима қилсин? Инон-ихтиёр унда бўлса бу ерларни шаҳардан ҳам обод қилиб юбормасмиди? Рўзи бобо буни билатуриб нега унга таъна қилади?

— Йўлларни тузатиш билан ҳам ижроком шуғулланадими, Яхшивой?— дея ўзини гўлликка солиб сўради қария.— Бешкентнинг эгаси борми ўзи? Ё чўлдагилар ўгаймми?

— Қизиқсиз-а, бова, менга қолса...

— Сенга қолса, ўзингдан ортмай юраверасан. Уруғ-аймоғинг ҳам ёдингга келмайди.

Яхши аканинг пешанаси тиришди. Бу чоли тушмагур нималар деяпти ўзича? Шу эл-юртнинг ғамида елиб-югуриб, на еб-ичишида, на ётиб-туришида ҳаловат бор. Тунлари мижжа қоқмай план ташвишини чекади. Не-не идораларнинг остонасига бош уриб, ҳали трактор, ҳали движок, ҳали клубларга жиҳоз ундиради. Амбулатория очиш, мактаб қуриш, ҳатто йўл четларига дарахт ўтказиш ҳам зиммасида. Хўш, булар иш эмасми?

— Сиз бир нарсани билиб-билмай унақа...

— Сен менга жаҳл қилма.— Рўзи бобо суҳбатдошига қаттиқ тикилди.— Қовчинга бормаганингга қанча бўлди? Ҳа, нега кўзингни олиб қочасан? Бир ойдан ошди-я? Шу бир ой ичида тўрт кишини ерга қўйдик. Бири ўзинг билан бирга чўлиқ бўлиб ишлаган Нормамат эди. «Вой, бақиним», деб икки кун ётдию ўлди-кетди. Хотини бир этак бола билан чирқираганича қолди. Расм-русумини қилиб, маъракаларини ўтказдик. Кўнгил сўраб бош суққанинг йўқ.

— Кўрмайсизми, хизматчилик...— деди чайналиб Яхши ака кўзини ердан олмай.

— Нима, хизматчи ўлмайдими?— Рўзи бобо овози баланд чиқаётганини ўзи ҳам сезмасди.— Амалингга мунча муккадан кетмасанг?

Яхши ака бу гина-кудуратларнинг сабабини тушунолмади. Ишдан ортиб қишлоққа вақти бемзҳал бориб турмагани учун шунча гапми? Бугун расво кун экан ўзи. Эрталаб уйқудан кўнгли ғаш бўлиб турди. Ҳамон сим-сим ёғаётган ёмғирни кўрдию таъби баттар хира бўлди. Лой кечиб идорага келди. Ҳол-аҳвол сўраш учун райком секретарига телефон қилган эди, унинг ҳам таъби тирриқ экан шекилли, салом-аликдан кейиноқ трубкани қўйиб қўйди. Уч кунгина ҳавони булут босиб, ёмғир ёққанига шунча... Сурункали ёмғир ёғадиган юртларнинг одамлари қандай яшар экан? Юраклари сиқилиб, дод деб юборишмасмикан бечоралар? Рўзи бобо ҳам азбаройи ҳавонинг аламини ундан олгани келганга ўхшайди.

— Сен лой кечиб қишлоққа боргинг келмайди...

— Ҳозир йўлнинг ҳаракатидамиз, бова. Йўл қурувчиларни Қаршига олиб кетишган. Хабаринг бордир, шаҳар кенгайтириляпти. Ўшаларнинг қўли бўшаши билан биринчи навбатда район марказини эпақага келтирамиз.

Рўзи бобо мийиғида кулди. Бу гап уни қаноатлантирмаган эди.

— Бовам ношукур бўлиб қолибди, деб ўйлама. Вақти келиб бу ерлар батамом ўзгариб кетишига ақлим етиб турибди. Лекин ўшандай кунларни тезроқ кўргиси келаркан кишининг. Сени ҳам бошқачароқ кўргим келади. Қариганда одам бесабр бўлиб қоладими...

— Ҳалитдан қариликни бўйнингизга оляпсизми?— деб гапни чалғитмоқчи бўлди Яхши ака.

— Одамлар қийналиб кетишди,— деди мўйсафид унинг гапини эшитмагандек.— Тезроқ йўлларни тузат, электр олиб кел. Бозор кунлари шаҳарга автобус қатнайдиган қилиб қўй. Савобга қоласан, ўғлим. Тағин бу гапларим учун мендан ўпкалаб юрма. Куйганимдан айтаяпман.

Рўзи бобо полни зириллатганча гурс-гурс юриб чиқиб кетди. Эшик ёпилдию хонага сукунат чўкди. Яхши ака ташқаридан кўз узмай стол қиррасини чертиб анча ўтирди. Кўнгли баттар хуфтон бўлиб, ёмғир ипларидек узун, шукуҳсиз ўйларга чўмган эди.

Ижрокомда ишлаётганига ҳам талай йил бўлди. Ундан олдин ҳам турли масъул лавозимларда хизмат қилган эди. Қаерда ишламасин, одамларга нафим тегяпти, деб ўйларди. Айниқса чўлнинг мана шу қисмини ўзлаштиришда каттагина улушим бор, деб ҳисобларди. Афсуски... Рўзи бобо унинг шу пайтгача қилган барча ишларига бирваракайига чизиқ тортиб кетди. Уни эл учун қайғурмайдиган, элга қўшилмайдиган бир шумшукка чиқарди. Эҳ...

Яхши ака қоракўл телпагини бостириб, ташқари чиқди. Қоровул билан ҳангомалашиб ўтирган шофёрига ўгирилиб ҳам қарамади. Пальтосининг ёқасини кўтарди-да, шалоплатиб лой кечганча жадал юриб кетди. Қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмасди. Ҳар ҳолда уйига бормаслиги аниқ. Бўлмаса қаёққа боради?— Билмайди... То ҳолдан тойиб, оёқлари чалкашиб қолгунча юраверади. Ижроком раиси ҳам ҳамма қатори лой кечиб, ёмғирда ивиб юрганини, бошқалардан ортиқ жойи йўқлигини одамлар кўриб қўйишсин!

Яхши ака юзини ювиб ётган муздек томчиларни кафти билан сидириб ташлади. Ҳозирги важоҳати билан кимгадир аччиқ қилаётганини, шу тариқа кўнглининг чигилини ёзмоқчи бўлаётганини англади. Қилмишидан мулзам бўлди. Кимга зарда қиляпти? Рўзи бобогами? Ахир, у ёмон гап айтгани йўқ-ку? «Жўяли ишлар қил, элга қайиш», деди, холос. У айтмаса ҳам йўлни тузатиш, электр олиб келиш ҳақида бош қотириб юрган эди-ку. Энди бу ишга астойдил киришгани бўлсин. Имконини топиб, шу ҳафта тегишли идораларга боради, ёрдам сўрайди, талаб қилади, керак бўлса жанжал кўтаради.

Ёнгинасига машина келиб тўхтади. Эшик очилиб, шофёр йигитнинг таниш овози эшитилди.

— Яхши ака, келинг, машинага чиқиб олинг. Ёмғир қаттиқ ёғяпти, ивиб кетасиз.

Шу тобда шофёрнинг меҳрибончилиги ҳам унга малол келди. Бир пас одамни ўз ҳолига қўйса-чи, булар! Қаерга борма, кимдир ниманидир талаб қилади, ниманидир ўтинади, нимадир деб ақл ўргатади. Кимнингдир саломини топшириб, ўзини сенга яқин олишга уринади. Ҳатто мана шу шофёр йигит ҳам «Машинага чиқмасанг

Дераза олдида ташқарига хомуш тикилиб турган Яхши ака эшик оҳиста чертилганини сезмади. Машинаю арава қатнайверганидан ўйдим-чуқур бўлиб кетган йўлдан, юзи чақичланаётган ҳалқоблардан кўз узмай тураверди. Эшик такрор чертилиб, қия очилди. Яхши ака эринибгина ўгирилди.

—Кирсам майлими, Яхшивой?— дея йўл-йўл беқасам тўни жиққа ҳўл мўйсафид кириб келди.

— Келинг, Рўзи бова.— Яхши ака унга қараб юрди.— Соғ-саломатгина юрибсизми?

Мўйсафид хона ўртасидаги узун столнинг оёқ томонига ўтирди. Ҳассасини стул суянчиғига суяб, қўлини дуога очди.

— Қани, омин, юртимиз тинч, обод бўлсин!— дея дағал кафтлари билан юзини, ҳўл соқолини сийпаб қўйди.— Почтага келган эдим. Неварамга посилка жўнатдим. Икки кундан бери отланаман, кампир қўймайди: «Шу ёмғирда зарурми?», деб. Қарасам, ёмғир ҳеч тинадиган эмас. Озгина туршак, майиз юбордим. Соғингандир. Тўйиб емаса ҳам, кўзи кўрса—ҳарна, юртининг хумори босилади. Узоқ Шарқда хизмат қиляпти, биласан-а?

Яхши ака мўйсафиднинг невараси ҳарбий хизматга кетганини ҳам, Узоқ Шарқда эканини ҳам билмасди. Ижрокомнинг ишларидан ортиб, ота қадрдони бу одамни кўпдан бери йўқлолмаган эди. Аммо мўйсафиднинг кўнгли учун:

— Хабарим бор,— деди унинг ёнига бориб ўтираркан.— Қалай, ўрганиб қолгандир? Кетганига ҳам анча бўлди, шекилли?

Рўзи бобо ижроком раисига ажабланиб қаради. Дашт одамлари бетакаллуфроқ, дилидагини даррев тилига чиқариб қўя қоладилар. Бироқ ҳозир Рўзи бобо узун, оппоқ соқолини тутамларкан, даромадли-буромадли қилиб гапирмоқчи бўлди:

— Ишларинг кўп чоғи, Яхшивой?

Яхши ака тагдор саволни тушунмай, ростини айтиб қўя қолди:

— Э, нимасини айтасиз, бова, бош қашишга вақт йўқ. Уч кундан бери ёмғир менинг ичимга ёғяпти...

Рўзи бобо танглай қоқиб, бош чайқади. Бу билан унинг аҳволига ачинаётганини билдирди. Негадир баридан чак-чак сув томаётган полга, столдаги катта қаламдонга, девордаги ягона безак — дунё харитасига кўз югуртирди. Шундан кейин яна ижроком раисига юзланди. Сўнг ўрнидан вазмин туриб, дераза олдига борди. Букилган Рўзи бобо полни зириллатганча гурс-гурс юриб чиқиб кетди. Эшик ёпилдию хонага сукунат чўкди. Яхши ака ташқаридан кўз узмай стол қиррасини чертиб анча ўтирди. Кўнгли баттар хуфтон бўлиб, ёмғир ипларидек узун, шукуҳсиз ўйларга чўмган эди.

Ижрокомда ишлаётганига ҳам талай йил бўлди. Ундан олдин ҳам турли масъул лавозимларда хизмат қилган эди. Қаерда ишламасин, одамларга нафим тегяпти, деб ўйларди. Айниқса чўлнинг мана шу қисмини ўзлаштиришда каттагина улушим бор, деб ҳисобларди. Афсуски... Рўзи бобо унинг шу пайтгача қилган барча ишларига бирваракайига чизиқ тортиб кетди. Уни эл учун қайғурмайдиган, элга қўшилмайдиган бир шумшукка чиқарди. Эҳ...

Яхши ака қоракўл телпагини бостириб, ташқари чиқди. Қоровул билан ҳангомалашиб ўтирган шофёрига ўгирилиб ҳам қарамади. Пальтосининг ёқасини кўтарди-да, шалоплатиб лой кечганча жадал юриб кетди. Қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмасди. Ҳар ҳолда уйига бормаслиги аниқ. Бўлмаса қаёққа боради?— Билмайди... То ҳолдан тойиб, оёқлари чалкашиб қолгунча юраверади. Ижроком раиси ҳам ҳамма қатори лой кечиб, ёмғирда ивиб юрганини, бошқалардан ортиқ жойи йўқлигини одамлар кўриб қўйишсин!

Яхши ака юзини ювиб ётган муздек томчиларни кафти билан сидириб ташлади. Ҳозирги важоҳати билан кимгадир аччиқ қилаётганини, шу тариқа кўнглининг чигилини ёзмоқчи бўлаётганини англади. Қилмишидан мулзам бўлди. Кимга зарда қиляпти? Рўзи бобогами? Ахир, у ёмон гап айтгани йўқ-ку? «Жўяли ишлар қил, элга қайиш», деди, холос. У айтмаса ҳам йўлни тузатиш, электр олиб келиш ҳақида бош қотириб юрган эди-ку. Энди бу ишга астойдил киришгани бўлсин. Имконини топиб, шу ҳафта тегишли идораларга боради, ёрдам сўрайди, талаб қилади, керак бўлса жанжал кўтаради.

Ёнгинасига машина келиб тўхтади. Эшик очилиб, шофёр йигитнинг таниш овози эшитилди.

— Яхши ака, келинг, машинага чиқиб олинг. Ёмғир қаттиқ ёғяпти, ивиб кетасиз.

Шу тобда шофёрнинг меҳрибончилиги ҳам унга малол келди. Бир пас одамни ўз ҳолига қўйса-чи, булар! Қаерга борма, кимдир ниманидир талаб қилади, ниманидир ўтинади, нимадир деб ақл ўргатади. Кимнингдир саломини топшириб, ўзини сенга яқин олишга уринади. Ҳатто мана шу шофёр йигит ҳам «Машинага чиқмасанг

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ивиб кетасан», деб ақл ўргатяпти. Дарвоқе, машинага чиққани маъқул. Қишлоққа бориб келади. Нормаматникига кириб кўнгил сўраб қўйиши керак.

— Қовчинга ҳайда,— деди Яхши ака «газик»нинг зинасига оёқ қўяркан.

Машина гоҳ йўл четига сирпаниб, гоҳ ботиб қолмаслик учун хунук ўкириб кета бошлади. Йўлдаги ғилдирак излари худди атай ариқ олингандек чуқур бўлиб, сувга тўлиб қолган. Сидирғич ойнага урилаётган сон-саноқсиз томчиларни артиб улгурмайди. Ҳосилдан бўшаган дала-туз файзсиз. Фақат қуриб-қовжираб кетган янтоқ, карракларнинг туси тиниқлашгандек. Тап-тақир қумтепалар, яйдоқ дашт ёмғирнинг ҳазин куйига жимгина қулоқ тутган. Бу куй чўлнинг ҳозирги кўринишига жуда мос. Борлиқни қамраб, эзиб турган ана шу сукунатни машина моторининг дам сусайиб, дам кучаяётган бўғиқ товушигина бузади. Машина имиллагани сайин Яхши аканинг юраги баттар сиқилади.

— Бу ҳалиги... бир гап айтувдим...— Шофёрнинг овози унинг хаёлини бўлди.— Эсингиздан чиқиб кетди-я?

— Нима эди?— Яхши ака пешанасини тиришитирди.

— Ҳалиги-чи... тўй кунини ўзингиз белгилаб бермоқчи эдингиз. Уйдагилар икки ҳафтадан бери кутишади.

Яхши аканинг пешанасидан муздек тер чиқиб кетди. У мана шу йигитнинг олдида ҳам ўсал бўлди. Рост, айтган эди. «Ўзингиз кунини тайин қилиб, бош бўлиб берсангиз», деб ўтинган эди. Бутунлай ёдидан кўтарилибди. Унга нима бўлди ўзи? Бунақа одати йўқ эди-ку? Одамларнинг дилидаги дардни кўзига бир қарашдаёқ уқиб оларди. Наҳотки, ҳеч кимнинг кўзига тик қарамай, юрагига қулоқ солмай қўйган бўлса? Кимсан, бутун чўлга овозаси кетган Яхшивой. Наҳотки, фақат осмонга қараб яшайдиган, оёғи остида, ерда нималар юз бераётганидан хабар топмайдиган бўлиб қолган? Йўқ, у бундай одам эмас. Чўлиқлик пайтидаги чориғини унутгани йўқ. У ҳали ҳам ўша-ўша. Мана, ҳозир бир пайтлардаги қадрдонимикига кўнгил сўрагани кетяпти.

Улар қишлоққа қош қорая бошлаганда кириб боришди. Нормаматнинг дарвозаси олдида машинадан тушаркан, Яхши ака беихтиёр атрофга кўз югуртирди. Ҳовлининг икки томони қўшниларнинг уйига туташ, қолган икки томонига эса шохшабба, тўсинликка ярайдиган узун-қисқа ёғочлар, илдизи осмонга қараган тўнкалар тартибсиз ҳолда босиб қўйилган. Ўтин-чўп мўл шекилли, кўпдан бери қўл урилмагани учун шох-шабба чирий бошлаган.

Яхши ака тараддудланиб турганида ичкаридан кўзлари қизариб, қовоғи шишинқираган барвастагина аёл чиқиб келди.

— Келинг,— дея қўл олишиб кўришгач, ичкарига бошлади у. Кўрпача тўшаб меҳмонни ўтқазди.

— Бандалик...— деди Яхши ака. Аёлнинг дастурхон четини ҳимарганча маъюс ўтириши унинг юрагини эзиб юборди.— Оғайнимни бериб қўйибсизлар...

— Пешанамизга сиғмадилар...— Аёл жиққа ёш тўла кўзларига рўмолининг учини босди.

— Мен бехабар қолиб...— келолмадим.— Яхши ака ўзининг бу ўринсиз гапидан ғижинди.— Меҳнаткаш одам эди. Бирга ишлашган пайтларимизда менга кўп яхшилик қилган. Қайтаролмадим, афсус.

— Умри молнинг кетидан юриб дашт-биёбонда ўтди. Вақт топиб тўрттагина улфат орттирмади, дея кўрққан эдим,— деди аёл оғир тин олиб.— Йўқ, ёру дўстлари кўп экан. Бутун қишлоқ кўчиб келди.

Аёлнинг бу гапи Яхши акага таънадек туюлди. Демак, уни кутишмаган! Наҳотки, одамлардан шунчалик узоқлашиб кетган бўлса?

Бу ўй то район марказига қайтиб келгунича уни тарк этмади. Нега бундай бўляпти? Нега? У одамлардан узоқлашибгина қолмай, уларнинг меҳрини қозонадиган бирор иш ҳам қилмаган экан-да? Рўзи бобо уни бекорга койимаганга ўхшайди. Бирор иш қилиши шарт, каттароқ иш! Унга чўлнинг бир бўлагини, шу ерда яшайдиган одамларнинг қисматини ишониб топширишган. Шу ишончни оқлаши керак. Уни йўқотиб қўйса, яшаши қийин бўлади, жуда ҳам қийин...

Машина чироқлари ҳалқобларни пайпаслаганча ўзига зўрға йўл топиб илгариларди.

Манзилга етиш ҳамиша ана шундай мушкул шекилли-да.

Район марказида электр чироқлари ёниб, кўчалар асфальтланган куни Яхши ака ижроком раислигидан бўшатишларини сўраб ариза берди. Фикридан қайтаришга уринганларида: «Туғилиб ўсган қишлоғимга юборинглар. Қанақа иш бўлса ҳам розиман», деб туриб олди. Колхоз раислигига тавсия этишди. Мажлис бошлангунга қадар Яхши ака қишлоқни обдон кезган, қаерни бузиш, қаерда нима қуришни мўлжаллаб қўйган эди. Бироқ колхоз кассасида қурилишга етгулик пул йўқлигини билгач, бу ҳақда чурқ этмади. Колхозда узоқ-яқиндан келиб деҳқончилик қиладиганлар кўпайибди. Кузакда улар кўчиб кетгач, эгасиз уйлар ҳувиллаб қолар экан. «Бу уйларни битта қўймай бузиб ташлаш керак,— дея хаёлидан ўтказди Яхши ака, қишлоқ кўчаларидан ўтиб бораркан.— Ўшанақа қўнимсизлар ҳисобига экин экилмаса, экилмаёқ қўя қолсин. Бизга шу ерда темир отиб қоладиганлар керак. Чўл фақат ўз манфаатини кўзлайдиганларники эмас, елкасидан тер чиққунча кетмон чопадиган меҳнаткаш, ҳалол одамларники».

Ўша куни кечга яқин бошланган шамол тун яримдан оққанда бирдан кучайди. Яхши ака апил-тапил кийинди ташқарига отилди. Аммо эшикни базўр очди. Куч билан урилаётган шамол эшикни юлиб кетгудек бўлар, дераза ойналарини зириллатганча шатирлатиб қум сепар эди. Гўё шамол чўлдаги ҳамма қумни этагига солиб, қишлоқ бўйлаб тўзитаётганга ўхшарди.

Яхши ака тўнига ўраниб кўчага чиқди. Рўпарадаги қўшнининг томидаги шиферлар тинимсиз тарақлар, шамол яна бир хуруж қилса, битта қолмай учиб кетадиганга ўхшар эди. Ариқ лабидаги уч туп йўғон терак худди инграётгандек чайқалар, қарсиллаб синиб тушгудек эгилиб-букилар эди. Яхши ака шошганча бориб қўшнининг деразасини тақиллатди.

Дераза тагидан аёл кишининг титроқ овози эшитилди:

— Ки-им?

— Ухламаётганмидинг, келин?— деди Яхши ака енгил тин олиб.— Эшмурод қаёқда?

— Молхонадалар,— деди аёл.— Кечаси ишлайдилар-ку.

— Бор, болаларингни олиб бизникига чиқ. Деразалар уйингни босиб тушгудек бўляпти. Тез бўл,— деди Яхши ака ва молхона томонга қараб кетди. У қадамини тезлатишга уринар, бироқ шамол чопонининг баридан юлқилаб, юзига чанг-тўзон аралаш қум сепиб, юргани қўймас эди. У чўл шамолини биринчи марта кўраётгани йўқ. Мана шу саҳрои азимда туғилиб, шу ерда бўйи чўзилди. Сурув кетидан юриб Қорақумни қадамлаб чиқди. Чўл лолалардан сеп ёйиб ўзига оро берган кунни ҳам, бармоқлар кесакка айланиб, ҳеч нарсани сезмай қоладиган қаҳратонни ҳам кўп кўрган. Аммо бугун Яхши ака — уч юз етмиш оилага ота. Уларни иш билан таъминлаши, одамларнинг яхши ейиши, яхши кийиши ҳақида бош қотириши керак. Ким қачон уйланади, эртага кимнинг маъракаси, бу йил неча бола мактабга боради — ҳамма-ҳаммасини билиши шарт. Агар бугун шамолда молхонанинг томидаги битта шифер учиб кетса, биров янгисини олиб келиб бермайди. Бирор хўжалик жабр кўрса, раис унга пуштипаноҳ бўлиши лозим. Унинг ҳаёти энди шундай кечади. Агар бошқача яшашни, ҳаловати бузилмаслигини истаса, одамлар унинг қаватига кирмайди.

Шамол тобора кучаяр, дарахтларнинг қуриган шохларини қарсиллатиб, ғарам қилиб улгурилмаган пичану похолни ер билан битта қилганча сочиб ўйнар эди. Қаердадир, яқингина жойда нимадир жаранглаб синди. Унга жавобан шамол чийиллаб ҳуштак чалди. Кўчанинг бошидаги чанг-тўзонни хору хасга аралаштириб сидирганча раиснинг юзига келтириб урди. Яхши ака чопони билан юзини пана қилиб улгурмай, орқадан эсган кучли шамол уни гандираклатиб юборди.

У шу зайлда қоқилиб-суриниб етиб борганида молхонанинг томи шип-шийдон бўлиб қолган эди. Бир-бирини туртиб маъраётган сигирларнинг овози шамолнинг гувуллашини босиб кетарди. Чироқ липиллаб турган қоровулхонанинг эшиги очилиб, биров мўралади.

— Бу ёққа кела қолинг, раис бова.

Яхши ака тамаки ва ачиган кўкпоя ҳиди бурқсиб турган торгина хонага кирди. Дераза тагидаги ёғоч каравотда хирсдек бўлиб қоровул чўзилиб ётар, Эшмурод уни туришга қистар эди.

— Тур дарров, раис бова келяптилар.

Яхши ака кираверишдаги курсига чўкди. Эшмурод хона ўртасида серрайиб турарди. Унинг кўзлари мунғайиб боқар, мўйлови ҳам ҳозирги ҳолатига мос шалвираб қолган эди.

— Моллар...

— Бешикаст,— деди Эрмурод ҳозиржавоблик билан.— Фақат томни учириб кетди. Бултур ўзингиз ижрокомлигингизда олиб берган шиферлар эди. Эсиз...

Шу пайт ҳовлида нимадир қарсиллаб синди. Сигирлардан бирининг жон аччиғида бўкиргани эшитилди. Эшмурод раисга хавотирли қараб, шошганча чиқиб кетди. Яхши ака ҳам унга эргашди. Ҳали ўнгдан, ҳали чапдан урилаётган шамол кўзга чанг аралаш қум тиқарди. Молхона ичидан Эшмуроднинг бўғиқ овози эшитилди:

— Раис бова, бу ёққа келинг. Тезроқ!

Яхши ака молхонага киришга кирди-ю, қоронғида қаёққа юришини билмай туриб қолди. Сигирлар арқонини узишга уриниб безовта типирчилар, хунукдан хунук маърашар эди.

— Тўғрига юраверинг.

Яхши ака унинг овозини тусмоллаб бораверди. Кўзи аста-секин қоронғиликка ўрганиб, ерда узала тушиб ётган сигирни, унинг қоқ белидан босиб тушган улкан харини ғира-шира кўрди. Эшмурод зўр бериб сигирнинг устидаги харини бир ёққа суришга уринарди. Яхши ака ёрдамга шошилди. Эшмурод сигирнинг уч оёғини бир-бирига танғиб боғлади-да, ёнидан пичоғини олди.

— Қани, ушлашворинг, раис бова,— деди у зўрға нафас олаётган сигирнинг бошини орқага қайираркан.— Сути қуюқ эди жониворнинг. Эсиз... Ҳозирги усталар уста эмас, қип-қизил кўзбўямачи бўлиб кетишган, раис бова. Уста деган иморатни чўпкорилик билан қурса. Мих ишлатган уста — уста эмас. Мана қаранг,— у томдаги ёғочларга ишора қилди.— Бironта ёғоч бир-бири билан ушлашиб тургани йўқ. Михнинг кучи билан турибди. Яна бир марта шунақа шамол бўлса, тутдай тўкилади.

— Моли борнинг молига, моли йўқнинг жонига дейдилар-ку. Майли, ука, келган бало-қазо шунга ура қолсин. Одамлар соғ-саломат бўлса, ҳамма нарса топилади.— Яхши ака бу гаплари билан Эшмуроддан кўра ҳам ўзига тасалли беришга уринарди.

«Ишни қурилишдан бошлаш керак экан,— дея кўнглидан ўтказди у, молхонадан қайтаётганида.— Колхозга биринчи навбатда пишиқ-пухта молхона, паррандахона зарур. Бош план асосида янги қишлоқ қуришни тезлатиш керак. Яшаш шароити кўнгилдагидек бўлмаса, одамларнинг қўли ишга бормайди».

Шамолнинг шашти қайтиб, чанг-тўзон босилган, кўкда яккам-дуккам юлдузлар чарақлай бошлаган эди. Табиат уйғониб, баҳор нафаси сезилаётган бўлса-да, ҳали кунлар аёзли эди.

Яхши ака хонасига кириб, стулга ҳорғин ўтирди. Телефон трубкасини оларкан, беихтиёр соатига кўз ташлади. Беш бўлибди. Шу пайтда бировни безовта қилиш... Нима бўпти? Чўл шамоли ҳаммаёқни тўс-тўполон қилиб юборган пайтда ким ҳам иссиқ ўринда ётарди? Трубкадан эркак кишининг уйқули овози эшитилди.

— Бемаҳалда безовта қилганим учун узр,— деди Яхши ака худди биров гапини бўлиб қўядигандек шошқалоқлик билан.— Э, сўраманг, аҳволим чатоқ. Шифер топиб бермасангиз бўлмайди. Анчагина керак.— Яхши ака бошидан телпагини олиб, бевақт ажин тушган пешанасини силади.— Шунақа гапни қўйинг энди. Ижрокомнинг асраб юрган нарсалари бўлади. Биз йўқ деган гапни билмас эдик. Ҳа, яшанг, қоғозларни ҳозироқ тайёрлаб боришади. Раҳмат. Худди шундай... Ҳали кўп бошингизни қотираман. Бу бошланиши.

Яхши ака трубкани жойига қўйгач, анчагача ҳардамхаёл бўлиб ўтирди. Шу тобда кимнидир безовта қилиб, қандай топшириқ бериши мумкинлигини кўнглидан ўтказди. Ўрнидан туриб хонада вазмин кезди. Лекин аниқ бир қарорга келолмай ташқарига чиқди. Тонг бўзариб келарди. Зум ўтмай идора олдига уйқусизликдан кўзлари қизарган одамлар тўплана бошладилар.

— Мўминжон,— деди раис инженерга.— Иккита машина олиб дарров районга бор. Шифер олиб келасан. Ўртоқ секретарь,— деди партия ташкилоти раҳбарига,— сиздан илтимос, қўлидан иш келадиган ҳамма одамларни молхонага сафарбар қилинг. Тўланбой, сен темирчига учраш. Скоба ясаб берсин. Қанча кўп бўлса, шунча яхши. Мен Рўзи бовани ёнимга олиб хонадонларни айланиб чиқаман.

Рўзи бобо раиснинг нима мақсадда келганини эшитиб, дарров машинага чиқа қолди. Улар ҳамма уйларга бир-бир кириб чиқишди. Бўрон бировнинг пичан ғарамини, бировнинг томидаги шиферларни учириб кетган, томи лойсувоқ қилинган уйларга эса шикаст етмаган эди.

Бир хонадонда уларни жиккаккина аёл кутиб олди. У яккакифт бўлиб юрганча меҳмонларни ичкарига бошлади. Бир пиёладан чой ичилгач, юрагидагини тўкиб солди:

— Чўлдагиларнинг турмуши яхши экан, деб тоғдан эниб келганимизга беш йил бўляпти, раис бова. Эр-хотин ишлаймиз. Аммо ҳеч косамиз оқарганча йўқ. Колхоз гўшт планини бажаролмаса, хонадонлардан пул йиғади. Сут планини бажаролмаса, яна эшик қоқиб келишади. Жуда қийнаб юборишди...

Аёлнинг сўзамоллиги раисга ёқмади. Қовоқ уйганча зимдан қараб ўтираркан, унинг гапини бўлди:

— Бизда унақа қонун йўқ-ку, келин?

Бир қўлига тиралиб ўтирган аёл раисга ялт этиб қаради. Иболи, уятчан кўринган бу аёлнинг юзи бирдан совуқ тус олди. Кўзлари қаҳрга тўлди.

— Нима, мен бор деяпманми?— деди у мушти билан ерни ниқтаганча.— Лекин буларингиз нега ҳадеганда халқдан пул йиғишяпти бўлмаса? Етти боламиз бор...

Яхши ака зимдан Рўзи бобога қаради. Мўйсафид соқолини тутамлаганча бир меъёрда бош тебратиб ўтирарди. Раис шу тобда нимадир дейиши кераклигини, айтганда ҳам бу маҳмадона аёлни мум тишлатиб қўядиган гап гапириши зарурлигини ҳис этди.

— Бу гапларингиз исботланмаса, биласизми, нима бўлади?— деди у қаттиқ тикилиб.

Бироқ аёл унинг пўписасини писанд қилмади:

— Агар мақсадингиз айбдор қилиш бўлса, албатта исботланмайди-да. Бирингиз раис, бирингиз бригадир. Биз киммиз? Ушоқдан ҳам хароб бир одаммиз. Хоҳласангиз назарингиз тушади, хоҳламасангиз тепкилаб ўтасиз.

— Тил югуриги бошга, дейдилар, келин!

Аёл кўрсатгич бармоғи билан наматнинг қилини ўйнаганча бошини кўтармай ўтираверди. Нафас олишидан ичида талатўп бўлаётгани билиниб турарди.

— Ҳеч бўлмаса сизга дардимизни ёролмасак...— деди у яна ўксик оҳангда.— Гапимни қайтиб олдим. Одам деб кирганингиз учун раҳмат. Йўлингиз бўлсин, раис бова.

Рўзи бобо юзига фотиҳа тортиб, жойидан қўзғалди. Раис ҳам чор-ночор унга эргашди. Аёл остонада серрайганча қолаверди. Уларни кузатиб ҳам чиқмади.

— Индамайсиз-ку?— деди раис уйдан узоқлашгач.

— Нима ҳам дердим?— Рўзи бобо кўча ўртасида тўхтаб ҳассасига суянди. — Бу бечора маломат қилгани йўқ. Сенга дардини айтди. Аммо сен эшитмадинг.

— Нега энди...

— Бошлиқ бўлганингдан кейин, қонунга тўғри келмайдиган ишларни томиридан қирқ.

— Қонун симёғочга ўхшайди, бова. Виждонсиз унинг устидан ҳатлаб ўтмайди. Айланиб ўтиш пайида бўлади.

— Мен сенинг имонинг бутунлигига ишонаман. Улар йўлда давом этдилар.

* * *

— Эшитдингми, раис ҳамманинг уйини буздирармиш?

— Йўғ-э, одамлар бошпанасидан айрилиб қайга боради?

— Ҳаммага бир хилда оқ уй қуриб берилармиш.

— Яхши бовага нуқул бузишдан теккан экан, шекилли. Ўтган йили бинойидек молхонани буздириб, янгисини қурди.

— Лекин буниси зўр бўлди. Пахсасини ҳам ўзимиз урдик. Томини ҳам ўзимиз ёндик. Жуда пишиқ-пухта чиқди. Охурларини айтмайсизми, ем ташлаш ҳам техникалашган. Ҳаммаёқ озода.

— Файзи бор одам-да ўзи.

— Бугун ўзининг уйини буздирмоқчи.

— А?! Қизиқ томоша бўларкан-ку. Борайлик бўлмаса...

* * *

Раис барвақт эт қўйган малла йигитга қаради:

— Хўш, секретарь, бугун одамларни янги уйларга кўчирамизми?

— Ҳа, ўттиз хўжалик кўчади.

— Айтмоқчи, бу ҳалиги Нормаматнинг болаларини рўйхатга киритмабмиз-ку? Ҳали ҳам бўлса ёзинг. Биринчи уйни шуларга берайлик.

— Рўйхатни тасдиқлаб, ҳаммага айтиб қўйганмиз-да.

— Ҳечқиси йўқ. Мени ўчира қолинг рўйхатдан.

Хонадагилар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди. «Ўзини олижаноб қилиб кўрсатмоқчи, деб ўйлашяпти...» Марҳум дўсти олдида қарздор эканини, қўлидан келганча бу қарзни узиши лозимлигини бу одамларга қандай тушунтирсин?

— Хўжакул,— деди қовоқ уйганча,— кеча боққа мўлжаллаган еримиз неча гектар экан, ўлчадингми?

— Тўқсон гектар, раис бова.

— Пахтадан қутулганимиздан кейин Тошкентга бориб, Боғдорчилик институтидагилар билан гаплашиб келасан. Мевали дарахтнинг ҳамма туридан экамиз. Келишдикми?

Яхши ака ўша куни Нормаматнинг кўч-куронини машинага ортишда ўзи бош бўлди. Ҳали бўёқ ҳиди анқиб турган оппоқ уйга бошлаб кирганида марҳум оғайнисининг хотини ойнадек ярқираган полга оёқ босишга ийманиб, остонада тўхтаб қолди. Одамларнинг эътиборидан, кутилмаган иззат-икромдан қувониб, кўзига ёш олди.

— Шу кунларни кўрсалар бўлмасмиди!..— дея пиқиллаб йиғлаб юборди.

Аёлнинг кўз ёши юрагини ювган бўлса-да, ўша кун Яхши аканинг ёдида сақланиб қолди. У ҳамқишлоқларининг муҳташам уйларда яйраб-яшнаб юришини орзу қиларди. Мана, орзуси ушалди. Янги қишлоқнинг бир қисми қуриб битказилди. Шаҳардагидан қолишмайдиган боқча бунёд бўлди. Ўттиз ўринли касалхонага уннаб қўйишди. Истироҳат боғи барпо этилди. Ҳар йили мактабни битирганлардан тўрт-бештасини Тошкентга ўқишга юборишади. Уларнинг баъзиси врач, баъзиси ўқитувчи, бошқаси инженер бўлиб қайта бошлади. Айримлар ўша ёқларда қолиб ҳам кетишди. Яхши ака бунисига ҳам кўнди. «Уларнинг ҳам ўйлагани бордир, балки каттароқ одам бўлиб, Қовчиннинг довруғини оламга ёяр», деб ўзига таскин берди...

* * *

«Газик» яқинда шағал тўкилган йўлдан сапчиб-сапчиб илгарилайди. Ҳали текислаб улгурилмаган йўл борган сари торайиб, уфққа сингиб кетганга ўхшайди. Йўлнинг икки четида — ҳадсиз кенгликларда сарғимтир қум уюмлари ястаниб ётибди. Тиканлари диккайган каррак, янтоқ гулга кирган. Онда-сонда чўлга ўзича бир кўрк бағишлаган юлғун буталари учрайди. Чўл ўрганмаган одамга фараҳсиз, ҳатто зерикарли туюлади. Аммо Яхши аканинг назарида у азим бир денгиз. У чўлнинг нафасни қайтарадиган кундузги иссиғини ҳам, тунги салқин шабадасини ҳам, ёзи билан жизғанак бўлиб ётадиган ажиб кенгликларини ҳам яхши кўради. Чўл ғайратсиз, танбал одамларни ёқтирмайди. У ҳамиша курашга даъват этади.

Яхши Омонов бошчилик қилган Карл Маркс номидаги колхоз чўл бағридан уч минг гектар ер ўзлаштирган эди. Кейинчалик бу хўжалик совхозга айлантирилди. Қишлоқ аҳлининг меҳнат шароитида ҳам, ҳаётида ҳам бир талай ўзгаришлар юз берди. Эндиликда чўлқуварлар минг гектардан зиёд ерда пахта ундиришади. Ўзи ҳам пахтамисан пахта, ипакдан аъло. Ҳадемай пахта майдони икки минг гектарга етказилади. Бундан ташқари қанча бсғ-роғ бунёд этилмоқда. Агар одамлар пешона тери тўкмаса, курашмаса, чўл уларга бағрини очармиди?

Ўнларча трактор, экскаватор, машиналарнинг шовқини Яхши аканинг хаёлини бўлди. Амударёга яқинлашган сайин машиналарнинг сони ортарди. Баланд тупроқ уюмига чиқиб олган Қарши чўлини ўзлаштириш бошқармасининг раҳбарларидан бири ёнидаги — иссиқ бўлишига қарамай галстук тақиб, пиджак кийган кишиларга олис-олисларни кўрсатиб, алланималар демоқда.

— Ана, чўлқуварларнинг отаси келди,— дея Яхши ака томон юрди у.— Ўзи чўлда биринчи бўлиб ер очган сдам-у, «Аму сувини эшигингиз тагидан оқизиб бераман», десам ишонмайди.

Унинг кайфи чоғ эди. Бир жойда туролмас, ўзича жилмаяр, каналдан чиққан тупроқни суриётган бульдозерларни биринчи марта кўраётгандек қизиқсиниб томоша қилар эди.

— Турдиев, бу ёққа келинг,— дея бошлиқ бир қучоқ лойиҳа қоғозларини қўлтиқлаб юрган йигитни чақирди.— Тракторчиларингизга айтинг, тупроқни эринмай шиббалашсин. Эртага сув сизиб қолса нима бўлишини биласиз-а? Нақ ўзимизнинг тагимизга сув кетади.— У яйраб кулди. Прораб йигит унга яқин келиб нимадир деган эди:— Э, феълингизни кенг қилинг,— деди қувноқ оҳангда.— Қисиб-қимтийверган одамнинг иши юришмайди. Ҳамма нарсани бемалол ишлатаверинг. Қаршининг пахтаси ўн йиллик харажатни бир йилдаёқ қоплайди.

Яхши ака трактору машина моторларининг шовқинидан қулоғи қоматга келиб узоқ кезди. Канал неча метр чуқурликда қазилаётганини кўрди, ҳар бири секундига қирқ кубметр сув тортадиган олтита улкан двигатель ўрнатилган насос станциясини айланди. Бошқа насос станциялари ҳам битай деб қолибди. Сув келса бас, ишга туширилади. Яхши ака Амударё бўйига борди. Сув келадиган йўлни лойқадан тозалайдиган земснарядлар аллақачон пастга туширилиб, ишга тахт қилиб қўйилган. Салобат билан ёйилиб оқаётган Жайҳун бу ишларни виқор билан кузатаётгандек.

Яхши ака дарё сувида юз-қўлини ювди. «Жайҳуннинг сувидан уч қултум ичган одамнинг халқуми покланади», деган гап ёдига тушиб, бўтана сувдан ҳўплади. Муздек сув аъзойи баданига ҳузур бағишлагандек бўлди.

Инсон ҳамиша нурли орзуларга интилиб яшайди. Курраи замин ана шу орзулар туфайли обод. Дунёда ҳар ким қўлидан келганича бир нишон қолдиришни истайди. Қарши даштида Яхши аканинг ҳам муносиб изи бор. Салкам йигирма йил колхозга раислик қилди. Қишлоқ мўйсафидларининг кучи билан бунёд этилган боғдаги ниҳоллар нишона берган йили Рўзи бобо уни алқади: «Сендан эл-улус мингдан-минг рози. Одамларга нимаики яхшилик қилган бўлсанг, ҳаммаси ўзингга қайтсин!» Демак, у етмиш йиллик умрини ёмон яшамабди. Лекин тўрт одамнинг олдида, фалон ишни мен дўндирганман, деб кўксига ургани йўқ. Доим бурчини ҳалол адо этди. Яхши ака ҳаётидан мамнун. Дунёга келиб нимаики орзу қилган бўлса, кўпига эришди. Қаерга қадам босган бўлса, изидан гул кўкарди.

Ҳаммага ҳам шундай умр насиб этсин.

Эмин УСМОНОВ

Туямўйинда

Танти дарё тиним билмасдан
Оқиб ётар гумбурлаб, тошиб.
Болалардек чопқир, тинмасдан
Келар жўшиб, тоғлардан ошиб.

Тонг оқарар,
Қизлар лабидай
Шафақларга бўялар осмон.
Оқ булутлар — ўрдак галаси.
Сузар аста шимолга томон.

Шижоатга бир боқмоқ учун
Туямўйин узра тонг отди,
Пайвандчилар сачратган учқун
Шафақларга уланиб қотди.

Комил АВАЗ

БОБИРНИНГ НЕМИС ТАРЖИМОНИ

«Бобирнома» дунё шарқшунослари эътироф этгандек, умуминсоният маданиятига қўшилган беқиёс ҳиссадир. Қадимий ўзбек адабиётининг бебаҳо ёдгорликларидан бири «Бобирнома» XVI асрдаёқ бир неча бор форсчага, кейинчалик Европа халқлари (рус, инглиз, немис, француз, голланд) тилларига, шунингдек, урду, усмонли турк ва бошқа тилларга қайта-қайта таржима қилинди, ўрганилди. Унинг ўзбек тилида уч, рус тилида икки, форс тилида тўрт, инглиз тилида уч, немис тилида икки марта нашр этилганини ҳам эслатиб ўтиш ўринлидир.

«Бобирнома» Европада айниқса катта шуҳрат қозонди. У ҳақда бир қанча илмий мақолалар, монография ва бадиий асарлар юзага келди. Жумладан, Л. Пуулнинг «Бобир» (Оксфорд, 1899), Л. Рашкбруннинг «XVI асрдаги салтанат асосчиси» (Лондон, 1918), С. Эдварднинг «Бобир» (Лондон, 1926), Ф. Гренарднинг «Бобир» (Париж, 1930, 1931), Д. Росснинг (1937), Л. Баннержининг «Бобир ва Ҳиндистон» (Лондон, 1936), Х. Лэмбнинг «Бобир — шер» (Нью-Йорк, 1961), Э. Холденнинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобир» (нашр йили кўрсатилмаган) асари ва бошқа тадқиқотлар бунга мисол бўла олади.

«Бобирнома»нинг немис таржималари ва чиройли миниатюралар билан безатилган нусхалари жаҳон адабиётининг нодир ёдгорликлари қаторида Лондон, Париж, Ленинград, Калькутта кутубхоналарида сақланмоқда.

Бобир ижодини атрофлича ўрганган инглиз шарқшуноси А. Бевериж хоним ўз таржимасининг сўзбошисида 1900 йили Калькуттада босилган «Чиғатойи форсий», «Чиғатойи туркий» луғатлари ҳамда Алишер Навоий асарлари учун тузилган луғатларини эслади. Француз таржимони Паве де Куртейль 1870 йили Заҳириддин Муҳаммад Бобир ва Алишер Навоий асарларининг туркча-французча луғатини тузиб Парижда нашр эттирди. Европа шарқшуносларидан

макриз

ТАШНАЛИК

50-йилларда адабиёт майдонига кириб келган бир гуруҳ жўшқин, изланувчан шоирлар орасида Раззоқ Абдурашид ҳам бор эди. Бошқалар сингари у ҳам аввало адабиётда ўз ўрнини топишга, ўз овозини кашф этишга интилди. Ёш шоир заҳмат чекиб адабиётнинг кенг йўлига чиқиб олди, китобхонларга етти-саккиз шеърий тўплам тақдим этди.

Раззоқ Абдурашиднинг шеърий тўплами — «Эҳтирос»ни[1] варақлар эканмиз, бир ҳолат кўзга яққол ташланади: қаршимизда камтар ва самимий, ўйчан ва вазмин шоир нигоҳи намоён бўлади. У ўз қалбидаги эҳтиросли тўлқинлар, хушнуд ҳаяжонлар, ғамгин изтироблар, чуқур мушоҳадаларни шошилмасдан астасекин изҳор эта бошлайди, унинг баландпарвозликдан, дабдабадан йироқ ҳис-туйғулари қалбингизга тезда етиб келавермайди, тоқатсизлик қилиб, қўл силтаб қўйсангиз, шоир ранжимайди, сиз билан талашиб-тортишиб ҳам ўтирмай яна аввалгидек, бамайлихотир ўз йўлида давом этаверади. Борди-ю, сиз шоир шеърларини диққат билан ўқисангиз, унинг қалбида ҳаётга кучли бир ташналик, теварак-атроф, табиат ва одамларга улкан муҳаббат оташи ловуллаб турганини сезиб оласиз, беихтиёр ижодкорнинг қувончларига ҳам, изтиробларига ҳам шерик бўласиз,, у билан ҳамдард бўлиб кетасиз.

Мажмуада шоир қарийб чорак аср мобайнида яратган шеърларидан юрагига яқинларини саралаган, шу важдан, тўплам бир жиҳатдан, шоир ижодий такомилини бир қадар намоён этувчи саҳифалар бўлиб кўринса, иккинчи томондан, автор гўё ўз ижодининг муайян даврини якунлаб, бир довонни босиб ўтиб иккинчи юксакроқ довонни кўзлаётгандек таассурот қолдиради.

«Эҳтирос» 1955 йили ёзилган «Ихтиёрсиз бир нигоҳ билан» деб бошланувчи шеър билан очилган. Шеър муҳаббат мавзуида. Аниқроғи, йигитнинг бир қараши қиз ихтиёрини ўғирлаб, оромини бузади:

Қалдирғочнинг қаноти — қошлар
Ҳар мақомда ўйнамас ортиқ.
Чарос кўзлар, ўйчан қарашлар
Болаликдан сўйламас ортиқ.

Шоир, чинакам инсоний муҳаббатнинг бошланиши учун баъзан бир қараш ҳам кифоя, демоқчи. Тўғри, баъзан бир қараш юракларга ўт ташлаши, икки ёш тақдирини бир умрга боғлаб қўйиши мумкин. Аммо Раззоқ Абдурашид мазкур шеърда, умуман, муҳаббат мавзуига бағишланган бошқа барча шеърларида ҳам, йигит ва қиз қалбининг бир-бирига талпинишларинигина ифодалаш билан чекланмайди, балки бу ёруғ талпинишларнинг инсон ҳаётида жуда муҳим ўрин тутишига эътиборни қаратади. Дарҳақиқат, муҳаббат ёш қалбни юксалтириши, орзу-ҳавасларга тўлдириши ва бу орзу-ҳавасларни амалга ошириш учун курашга чорлаши, ниҳоят, бу курашда муҳаббат инсонга мададкор бўлиши керак. Акс ҳолда муҳаббат тор интим шахсий туйғулар кечинмасидан иборат бўлиб қолади. Шоир «Муҳаббат» шеърида шундай деб ёзади:

Сен инсонга бўлмасанг мадор,
Юракларга ўт солиб, асти,
Тиним билмас, бу мўъжизакор
Қўллар асло бахт яратмасди.

Яъни, шоир муҳаббатнинг ижтимоий қувватини ҳис қилишга, яратувчилик қудратини шарҳлашга интилади.

Тўпламдаги шеърларни тематик жиҳатдан шартли равишда учга ажратиш мумкин. Булар — муҳаббат ҳақидаги шеърлар, табиат ҳодисаларига бағишланган асарлар ва ниҳоят, шоирнинг ҳаёт-мамот борасидаги ўй-мулоҳазаларини ифодаловчи сатрлар.

Раззоқ Абдурашид руҳан ва ижодий йўналишига кўра табиатга интилувчи, ундан завқу илҳом олувчи, табиатга муҳаббатини шеърий мисраларга жо этишга қодир шоирларимиздан. Шу туфайли ҳам тўпламдаги шеърларининг аксарияти табиат ҳодисалари — денгизлар, дарёлар, ўрмонлар, тоғлар, қушлар, ҳайвонлар ҳақидаги шеърлардир.

---

[1] Раззоқ Абдурашид. Эҳтирос. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1979.

Элфинстон Бобир шахсини юқори баҳолайди. Л. Пуул эса: «ўз портретини чизишдаги самимийлиги, камчиликларини ҳаққоний тасвирлаши, софдиллиги ва ростгўйлиги»ни Бобирнинг ажойиб хислати деб таърифлайди.

«Ҳиндистон тарихи» асарининг авторлари Н. Сингх ва А. Баннерж: «Бобирнома» Осиёда ягона, чинакам тарихий тавсиф намунасидир. Бобир ҳар бир одамнинг ташқи кўриниши, либоси, характери ҳамда мамлакатларни, уларнинг иқлимини, манзарасини, хўжалик ишларини, санъат ва ҳунармандлик асарларини тасвирлаб беради, лекин асарга муаллиф характерининг ўзи энг кўп жозиба бахш этган», деб ёзадилар. Худди ана шундай фикрни Жавоҳирлаъл Неру «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» китобида ҳам айтади: «Бобир самимий шахс, унинг ўзи уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севган, ҳаётдан завқланишни севган». Шунингдек, Бобир уйғониш даврининг типик адиби ҳам эди. Унинг шоҳ асари «Бобирнома» содда услубда, равон ва халқчил тилда ёзилган бўлиб, ҳар қандай жимжимадорликдан ҳоли, реал тарихий-бадиий намунадир. Шунинг учун ҳам бу асар европаликлар эътиборини ўзига тортди.

Деҳли университетининг профессори, таниқли ҳинд адабиётшуноси, Бобир асарларининг таржимони, доктор Қамар Раис Ҳиндистонда чиқадиган «Ҳумо» журналида босилган «Шоҳаншоҳ шоир» сарлавҳали мақоласида «Бобир асарларининг нодирлиги шундаки, улар халқ тушунадиган оддий тилда ёзилган. Бобир шеърларини ўқисангиз, кўз олдингизда гўзал табиат, боғ-роғлар, чаманзорлар, зилол сойлар, сабзавот далалар, хуллас, табиат бунёд этган барча гўзал латофат дунёси намоён бўлади; улар нафис, теран фикрлар билан назмга солинган», дейди.

Немис таржимони А. Кайзер асар ҳақидаги фикрини шундай баён қилади: «Биз сарой ҳаёти ва Шарқнинг кўпгина ҳукмдорларининг ижтимоий, шахсий ҳаётлари билан танишдик ва унда ҳар соҳага доир шунчалик кўп нарсалар учрайдики, Бобирнинг бу асарини ўқиган ҳар бир китобхон ундан завқланмасдан қолмайди».

«Бобирнома»нинг Германиядаги биринчи таржимони Юлиус фон Клапрот бу асарнинг бошланиш қисмини, яъни Фарғона вилоятининг тасвирини немис тилида 1810 йили «Осиё адабиёти, тарихи ва тилшунослиги архиви» китобида Петербургда нашр эттиради. Қизиғи шундаки, Клапрот таржимаси Бобирнинг ўз қўли билан ёзган асл нусхасидан амалга оширилган. Шунинг учун ҳам биз бу ерда таржимадаги Клапрот ёзган сўзбошини журналхонларга қисман таржима қилиб беришни маъқул кўрдик: «Бобирнома»— туркий тилда ёзилган ажойиб асарнинг номи бўлиб, ундан Ҳиндистондаги мўғул (Бобирийлар сулоласи — **F. X.**) империясининг асосчиси султон Бобир ўзининг юришлари ва кўрган-кечирганларини тасвирлайди.

Мен фойдаланган қўлёзманинг дастлабки икки саҳифасида форс, туркий ва араб тилларида кўп байтлар учрайди. Булар орасида авторга тааллуқлиси ҳам бор. «Минг бор мадҳу сано бўлсин сенга, Бобир, олижаноб ва саҳий Синд ва Ҳинд сенга кўп бойликлар берди. Агар сен Ҳиндистоннинг иссиғига чидамасанг, салқинлаш учун Ғазнанинг тик қояларига бор». (Таржима бизники — **F. X.**). Қўлёзманинг қачон ёзилгани хусусида асарнинг сўнгги саҳифасида номаълум шахс томонидан битилган қуйидаги сатрлардан хулоса қилиш мумкин: «Бу «Воқеаном»ни 957 йил жумадил ойининг иккинчи, яъни душанба куни Хўжатош деган жойда Муҳаммад менга совға қилди».

Бобирнинг ўғли Мирзо Комрон Баҳодирга ёзган хатига кўра, бу асарни у Ҳиндистондан Кандаҳорга юборган, унда Фарғона вилояти тасвирланади, ана шу асардан баъзи қизиқ жойларни сизларга таржима қилиб бермоқдаман».

Асарнинг иккинчи немис таржимони А. Кайзер инглизча 1826 йилги нашрдан фойдаланиб, 1828 йили ўз она тилига таржима қилган. Бу таржимон ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам мазкур мақолада Юлиус фон Клапрот ҳақидагина батафсилроқ фикр юритамиз.

Машҳур шарқшунос, сайёҳ ва олим Юлиус фон Клапрот 1783 йил 11 октябрда Берлинда туғилган. Ёшлигиданоқ саёҳат ҳақидаги китобларни ўқишга ва Шарқ тилларини ўрганишга киришган. Энг қийин тиллардан бири хитойчани ҳам у ўн тўрт ёшидаёқ ўрганган.

1802 йилнинг ёзида Клапрот Дрезден кутубхонасида узоқ ишлайди. Ўша йилнинг охирида Веймарга бориб, полиглот Бютнер меросидан фойдаланади ва ўзининг «Осиё журнали»ни нашр этади. Бу нашр эндигина ўн саккиз ёшга тўлган филологнинг камол топганидан, Шарқ тилларини ҳар томонлама ўрганганидан гувоҳлик берар эди. Хитой тилидан бошқа у форс, турк, араб, яҳудий тилларини ўрганган ва ёзув тарихига доир маълумотларни яхши билган.

Юлиус ёшлигиданоқ қомусий қобилиятини кўрсатади. Ўз журналининг муқаддимасида шундай деб ёзади: «Ишларимизнинг асосий дастури поэзия, мифология, археология, фалсафа, филология, тарих, география ва табиат тарихи бўлсин. Шу билан бир вақтда китобхонга Осиё халқларининг урф-одатлари ва халқ ижодиёти ҳақида маълумотлар бериш керак. Биз аллақачон ҳаммага таниш бўлган нарсаларни эмас, фикримизнинг янги фактлар ва шарҳлар билан тўлдириб борилишига ишонамиз».

Клапрот 1804 йил 1 сентябрда Петербург академияси томонидан Шарқ тиллари ва адабиёти бўйича адъюнкт сифатида ишга таклиф этилди. Академиянинг топшириғи билан бир йилдан кейин граф Головкин раҳбарлигида экспедиция ташкил қилинади. Эрта баҳор сафарга чиққан Юлиус Москва, Қозон, Пермь, Екатеринбург (ҳозирги Свердловск), Томск, Красноярск, Нижнеудинскдан Иркутскка келди. Бутун саёҳат давомида ҳар хил қабила вакиллари билан мулоқотда бўлди, уларнинг яшаш жойларига борди, жонли тилини ва урф-одатларини ўрганди. Иркутскдан сўнг бутун экспедиция Байкал кўли орқали 1805 йил 17 октябрда Кяхтага етиб келди. Бу ерда Клапрот мўғул ва манжур тилини ўрганди, хитой, тибет, манжур ва мўғул тилидаги бир қанча асарларни тўплади.

Сўнгра Юлиус фон Клапрот Усть-каменогорскгача саёҳат қилди, у ердан Саян тоғлари орқали Олтойга келди, Иртишдан Саян кўлига ўтиб, қалмоқлар элига етиб борди ва икки йилдан сўнг Омск орқали Петербургга қайтди. Академия унинг хизматларини тақдирлаб, 1807 йил 11 мартда экстроординар-академик қилиб сайлади. (Ваҳоланки, адъюнктларнинг иш тартибига кўра, бу мансабни олти йилдан сўнг олиши керак эди).

Сибирга қилинган саёҳат натижасидан жуда миннатдор бўлган Петербург академияси Клапротга катта ишонч билдириб, уни яна шу йилнинг ўзида Грузия ва Кавказга сафарга юборди.

Клапрот бу саёҳат таассуротларини ўзининг икки жилдли «Кавказ ва Грузияга саёҳат» асарида баён қилади (Галле, Берлин, 1812-14; инглизча таржимаси, Лондон, 1814; французчаси, Париж, 1823; немисча нашрига қўшимча «Кавказ тиллари» мақоласи

Албатта, табиатни куйламаган шоир учрамаса керак. Зеро, табиат, бир томондан, шоирларга илҳом ва ҳаяжон бағишласа, иккинчи томондан, табиатни севиш, уни ардоқлаш, табиат ҳодисаларини синчиклаб кузатиш, табиат бағридаги пинҳон сирларни идрок этишга интилиш ижтимоий ҳодисаларни, инсон ва унинг ҳаётдаги ўрнини яхшироқ билиб олишга ёрдам беради.

Энг кичик заррадан қуёшга қадар,
Барининг ўз ўрни, ўз йўриғи бор.
Эскирмас у этган ихтиро асар,
Ер — зебо, кун — боқий, ҳаёт барқарор.

Раззоқ Абдурашиднинг денгизга бағишланган ўнга яқин шеъри тўпламдан ўрин олган. Шоир денгизга муносабатини катта умумлашмалар орқали беришга ҳаракат қилади. У денгиз қирғоғида сайр этаркан, ёки қирғоқдан туриб тўлқинлар ўйинини кузатаркан, денгиз унинг учун бир оромгоҳ ва илҳом манбаи бўлиб қолмасдан, балки, аввало, шоир денгизнинг тинимсиз чайқалиб туришида, тўлқинларнинг қирғоққа урилишида ҳаёт зиддиятлари — доимо ҳаракатда, ўзгаришда, юксалишда бўлган бу чексиз оламнинг акс садосини кўради, ўзини мана шу зиддиятли олам тўлқинларининг ажралмас бир томчиси сифатида ҳис қилади, тўлқинлар қаърига, кенгликлар бағрига, ўт-ўланлар, она-ер қучоғига сингиб кетишни орзу этади. Бу жиҳатдан «Денгиздан илтижо», «Бугун яна денгизга бордим», «Денгиз тўлғонар» каби шеърлари характерлидир.

Уфқлар кенглигин кўргинг келган дам,
Дўстгинам, денгизга сен ташриф буюр.

Юқорида айтганимиздек, тўпламдаги асарлар орасида лаҳзалик кечинма ёки оний ҳиссиётларга бағишланган шеърлар билан бирга «Қурбонлар юраги», «Қўмсаш», «Армон», «Маним мунис, меҳрибон онам», «Бодом гули», «Йўлбарс боласи», «Турналар», «Кийик», «Пахта монологи», «Қўлимда ер шари» каби бадиий жиҳатдан анча пишиқ, йирик ҳаётий муаммолардан баҳс очувчи намуналар ҳам бор. Шоир бу шеърларида қайси мавзуга мурожаат қилмасин, барчасида ҳаётни севиш, қадрлаш, умрни баракали ва мазмундор ўтказиш истагини изҳор этади. Шоир Хайриддин Салоҳ хотирасига бағишланган шеърида авторнинг яқин кишисини йўқотган ондаги руҳий азоби шеърий сатрларга айланиб, маржондек тизилса, отаси хотирасига бағишланган «Қўмсаш» шеърида отадан эрта айрилган йигитнинг ота йўлидан дадил ва қатъий бораётгани, онасига бағишланган шеърда ҳаёт тўфонлари ичида ўз йўлини белгилаётган фарзандининг онаизорига бўлган чексиз ҳурмати гавдаланади. «Пахта монологи» шеърида эса пахтакорлик касбининг машаққатли томонларини, «оқ олтин» ҳар бир толасининг қадр-қимматини ўзига хос оригинал тарзда ифодалайди:

Ахир, мен пахтамас, оддий,
бир тутам,
Йўқ, сенинг юрагинг, ўзингман
ҳатто.

Одамга айланиб кетганман мен
ҳам,
Чигитдан «оқ олтин» бўлгунимча
то.

Раззоқ Абдурашид ҳаёт ва умр ҳақида ўйларкан, ҳаёт билан ижодда эришган нарсалари кўзига арзимас бўлиб кўринади, изланишларда ўтган даврини чинакам кураш майдонига ўтишда бир босқич деб билади, яшашдан мақсад ҳаётда боқий из қолдириш керак, деган хулосага келади:

Фарзанд кўрмадингми, уй
қурмадингми,
Дарахт экмадингми, нима бор,
кўрсат!
Менингча, умр бу мангулик учун
Ўзни тайёрлашга берилган
фурсат!

Ўзига талабчан, меҳнаткаш, камтар инсон Раззоқ Абдурашид ўсиш, улғайиш, камолга етиш йўлида шаҳдам одимлаб келаётган экан, унга баъзи мулоҳазаларимизни ҳам айтмоқчимиз.

«Эҳтирос» тўпламига кирган муҳаббат мавзуидаги шеърларда бир камчилик кўзга ташланади. «Аҳд қилишдик, ёдимда ҳали», «Сен менга фароғат тилайсан», «Анор юзларингни эсладим бехос», «Кўксимда ўт бўлибди пайдо» каби анчагина шеърлар борки, уларда йигит-қиз ўртасидаги эҳтиросли севги таърифланади, аммо шеър охирида севишганлар ҳеч бир сабабсиз бир-бири билан қовушолмайди, иккаласи икки томон кетади, фақат хотира қолади, энг муҳими, иккаласи ҳам илк севгини қўмсаб, ўзини бахтсиз ҳисоблаб юради. Шунақа воқеалар бўлиши, ҳатто тез-тез учраб туриши мумкин. Аммо илк чинакам севгининг барбод бўлиши ҳамма вақт маълум жиддий сабаб — севишганлардан бирининг ёки иккаласининг бепарволиги, нотўғри йўл тутиши, муҳаббатнинг моҳиятини тушунмаслиги, ёки вафосизлик қилиши, ёхуд учинчи бир томоннинг айби билан бу хунук кўргилик рўй бериши мумкин. Барбод бўлган севгини тасвир этувчи шоир эса муҳаббат ўлимининг сабабларини қандайдир бирор йўл билан англатиши керак. Акс ҳолда мақсадга эришиш маҳол.

Яна бир эътироз шуки, Раззоқ Абдурашид шеърлари орасида ҳали тўла сайқал топмаган, қуруқ тафсилотдан, баёнчиликдан иборат асарлар ҳам учраб қолади. Чунончи, «Фидойилар», «Сочингдек қоп-қора бу кеча», «Ёзар бўлдим» каби шеърларни кўрсатиш мумкин. Айрим шеърларда эса шоирнинг ижодий нияти тўла очилмайди.

Раззоқ Абдурашид ижодида айрим нуқсонлар учраб қолар экан, бу шоирнинг иқтидори ва ҳаётий тажрибасининг камлигини эмас, балки авторнинг баъзи-баъзида эътиборсизлик ва ҳафсаласизликка йўл қўйганини кўрсатади, холос. Юқорида таъкидлаганимиздек, шоир Раззоқ Абдурашид истеъдодда ҳам, поэтик маҳоратда ҳам тенгқурлари даврасида муносиб мавқега эга, энг муҳими, ўз овози ва дастхати бор ижодкордир.

Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ,
фалсафа фанлари кандидати

ЎЛМАС ДУРДОНАЛАР

Афғонистон ўзбеклари фольклорига бир назар

Ҳозирги даврда жанубий, дўст қўшнимиз Афғонистон Халқ Демократик Республикаси халқи улкан тарихий воқеаларга бой кунларни бошидан кечирмоқда. 1978 йил 27 апрель инқилоби мамлакатда асрлардан бери ҳукм суриб келган феодализм, мустабид тузумга барҳам берди. Афғон Халқ Демократик Партияси ва ҳукумати ўз декретида мамлакатда эркинлик, демократик услубда иш кўражагини эълон қилди. Натижада мамлакатда яшовчи турли миллатлар ўз она тилларида сўзлаш, ижод этиш, газета ва журналлар нашр этиш, радио ва телевизион эшиттиришларда қатнашиш имкониятига эга бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Афғонистонда Саврь инқилобига қадар пашту ва дарий тилидан ташқари бошқа халқлар тиллари: ўзбек, туркман, балуж, нуристоний, ҳазара тилларида асарлар ёзилмас эди. Халқ демократик инқилоби бу халқларнинг барчасини тенг ҳуқуқли деб эълон қилди.

Саврь инқилобидан кейин ўзбек тилида «Юлдуз», туркман тилида «Кураш» ва бошқа тилларда ҳам газеталар чиқа бошлади. Афғонистонда яшовчи ўзбеклар ҳаётини ёритувчи, уларнинг этнографияси, тарихи, турмуш тарзини тасвирловчи ранг-баранг материалларни биз «Ла инқилоби Саврь» газетаси, «Овоз», «Адаб» журналлари саҳифалари ва алоҳида нашр этилаётган тўпламларда кўришимиз мумкин. Биргина «Юлдуз» газетаси саҳифаларида Афғонистоннинг турли жойларида яшовчи ўзбеклардан элликдан ортиқ ҳаваскор шоир шеърлари билан қатнашиб келмоқда. Бу шеърларнинг муаллифлари фан ва давлат арбоблари, ўқитувчилар, бахшилар, талабалар, қиз-жувонлар, қариялар бўлиб улар янги замонани, ҳаётбахш келажакни мадҳ этмоқдалар, ўтмиш зулми, шоҳ ва золимлар тузумига нисбатан муносабатларини билдирмоқдалар. Айниқса, бу шоирларнинг янги замонни куйлашлари Афғонистон инқилобининг янги даври — Афғон Халқ Демократик Партиясининг Бош секретари Бабрак Кармал бошчилигидаги демократик тузум даврида янги поғонага кўтарилди. Афғонистондаги ўзбек шоирларининг ижодида Ватанни ҳар қандай душманлардан ҳимоя қилиш, империализм малайларига нисбатан нафрат, меҳнатга чақириш каби мавзулар янгича мазмун касб этди. Афғонистон Давлат нашриёти маҳаллий ўзбек шоирлари шеърларидан тузилган бир неча тўпламни босиб чиқариб катта иш қилди.

Афғонистондаги ўзбек шоирлари ижодини ўрганиш алоҳида мавзу бўлиб махсус тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Бизнинг диққатимизни эса яқинда Афғонистонда ўзбек тилида нашр этилган дастлабки қалдирғоч илмий асар — Файзулла Аймоқнинг афғонистонлик ўзбеклар оғзаки ижодининг муайян қисмини ўз ичига олган «Халқ дурдоналари» (Кобил, 1980) асари ўзига тортди. (Асар тўлалигича дарийча таржимаси билан босилган. Таржимон ҳам муаллифнинг ўзи.)

Файзулла Аймоқ 1945 йили Афғонистоннинг Форёб вилоятига қарашли Андхўй шаҳрида туғилган. Ўзбек, туркман, пашту, дарий, инглиз тилларини мукаммал билади. Кобил университети филология факультети ҳамда журналистика курсини битирган. Кейин Афғонистон Радиоэшиттириш комитетида ўзбекча эшиттиришлар бўлимининг мудири ва диктори вазифасида ишлади. Файзулла ҳозир ўзбекча-дарийча-паштуча луғат, Афғонистондаги ҳозирги ўзбек шоирлари ижоди, Афғонистон ўзбекларининг расм-русумлари, ҳозирги замон музикаси тадқиқига бағишланган илмий асарлар, «Халқ дурдоналари» китобининг иккинчи жилди устида иш олиб бормоқда. Файзулла Аймоқ Афғонистонда ўзбек тилининг ривожи учун курашувчи жонкуярлардандир.

«Халқ дурдоналари» китоби олимнинг узоқ, машаққатли меҳнати маҳсулидир. Муаллиф Афғонистон ўзбеклари оғзаки, ёзма ижоди намуналарини тўплаган, системага солган.

Асар кириш ва тўрт бўлимдан иборат. Киришда Афғонистон Ўзбек тили, адабиёти ва маданияти комитетининг фахрий раиси, Афғонистон Фанлар академияси президенти Сулаймон Лойиқ, атоқли адабиётшунос олим Равон Фарҳодий ҳамда Афғонистонда ўзбек тили ва адабиётини ривожлантириш бўйича маслаҳатчи, совет олими, филология фанлари кандидати Ориф Усмоннинг мазкур мажмуа ҳақида ёзган мақолалари ва муаллиф сўзбошиси берилган.

«Эртаклар ва достонлар» деб номланган биринчи бўлимда Ф. Аймоқ халқ орасида кенг тарқалган «Очил қамишим, очил», «Тахт минган бахт» эртакларини, «Бойжўра» ҳамда «Жувоз ёви» («Ориқ от») каби қисқа халқ достонларини келтиради. Эртаклар асосан мактаб ўқувчиларига, достонлар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

«Қўшиқлар ва сурудлар» бўлимидан кўпроқ этнографик қўшиқ ва лапарлар ўрин олган. Айниқса, тўй ўланлари, алла мавзуидаги қўшиқлар диққатга лойиқ. Бу бўлимда халқнинг турмуш тарзи, дунёқараши, эксплуатация ва феодализмга қарши айтган қўшиқларини («Тўқимачи қизлар қўшиғи», «Уроқчи қўшиғи», «Эшикка келди бир гадой») ҳам кўриш мумкин.

«Болалар сурудлари ва ўйинлари» деган бўлимдан асосан болалар фольклорига оид материаллар ўрин олган.

Афғонистон ўзбеклари ижодидаги ҳикматли сўзлар, матал, идеоматик бирикмалар «Оталар сўзи» («Зарбулмасал») деб аталган бўлимда келтирилган.

Мажмуа хрестоматия шаклида бўлиб, ундаги материаллар мавзу жиҳатидан ғоят ранг-баранг, мазмундор. Бинобарин, бу материалларни бир мақолада батафсил таҳлил этиш қийин. Шу сабабли биз мазкур мақолада имкон борича тўпламдаги халқ ҳикматлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Шубҳасиз, ҳикматлар ҳар бир халқда мавжуд бўлиб, улар асрлар мобайнида ҳаёт синовидан ўтиб маънавий хазинага айланади. Худди шу хусусиятни Афғонистон ўзбеклари ижодидаги ҳикматлар, жумладан, «Халқ дурдоналари» китобида келтирилган 1200дан ортиқ зарбулмасал ва мақоллар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Диққатга сазовор жойи шундаки, халқ ҳикматлари замонлар, тузумлар ўзгариши билан ана шу даврлар, тузумлар руҳини, нафасини ифодалаб майдонга келади. Файзулла Аймоқ китобида тўпланган халқ ҳикматларида ҳам турли даврлар нафаси, оддий халқнинг турмуш тарзи, ахлоқий юксаклиги, бағри кенглиги, эксплуататорларга қарши кураши ёрқин ифодасини топган. Бу борада мажмуага баҳо берган афғон адабиётшуноси Равон Фарҳодий қуйидагича фикр билдиради: «Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ерда (яъни «Халқ дурдоналари»да — Ҳ. Қ.) йиғилган бойликлар Афғонистондаги ўзбек халқининг иқтисоди, ижтимоий ва маданий ҳаётини акс эттириб, уларнинг меҳрибонлигини, сахийлигини, поклигини кўрсатади. Зотан бу хислатлар Афғонистонда яшовчи барча миллатларга ҳам хос демакдир».

Афғонистонда, маълумотларга қараганда, тўрт ярим миллион туркий тилда сўзлашувчи аҳоли бор. Бу аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил қилади. Ўзбеклар Афғонистонда асосан деҳқончилик, чорвачилик, шаҳарларда ҳунармандчилик, савдо билан шуғулланадилар. Улар асосан Балх, Қундуз, Шибирғон, Мазори шариф, Андхўй, Маймана, Оқча, Толуқон, Янгиқалъа, Бадахшон, Бағлон, Тахор вилоятлари ва шаҳарларида яшайдилар. Файзулла Аймоқнинг маълумотига қараганда, Афғонистон ўзбеклари яқинларгача ҳам найман, қатағон, қурама, барлос, қулоқ, қўнғирот, манғит, қилтирот, ўторанг, қиёт, қипчоқ, арғин, юз, жалойир ва бошқа қабилаларга бўлинар эди.

Тўпламда келтирилган халқ ҳикматлари тўпловчи томонидан юқорида номлари зикр этилган жойлардаги ўзбеклардан ёзиб олинган.

«Халқ дурдоналари»даги ҳикмат-

бўлиб, Осиё адабиёти архивида бор). Унинг кейинги саёҳатлари таассуротлари «Шарқий Кавказнинг географик-тарихий тасвири», (Веймар, 1814), «Каспий ва Қора денгиз орасидаги рус провинцияларининг тасвири» (Берлин, 1814), кейинчалик И. Гульдентштетнинг «Грузия ва Имеретия бўйлаб саёҳат» (Берлин, 1815), «Кавказ мамлакатларининг тасвири» (1834) асарларида ёритилди. Ҳали эслатиб ўтганимиздек, Петербург академиясининг топшириғига кўра ёзилган «Ауған ёки афғонларнинг келиб чиқиши ва тиллари ҳақида» мақоласида Клапрот афғон тилининг ҳинд-герман тиллари оиласига мансублиги, қабила ва уруғларнинг номлари, уларнинг яшаш жойлари ҳамда территориялари ҳақида маълумот беради. Охирги мақолада Клапрот араб, форс ва туркий (қадимги ўзбек тили) алфавитлари ўртасидаги фарқлар ҳақида фикр юритади.

Клапрот 1811-14 йилларда ҳам Берлинда чиқадиган «Осиё журнали»нинг фаол ходими эди. Журналда унинг «Уйғурларнинг тили ва ёзуви ҳақида», «Кавказ бўйлаб саёҳат» мақолалари босилди. Клапрот мўғул ёзуви билан сурия ёзувининг боғлиқлигини аниқлади, уйғурларнинг туркий оилага кирувчи халқ эканини таъкидлади.

Ўзининг асосий асари деб билган «Осиё полиглоттаси»ни Клапрот 1823 йили Парижда нашр эттирди. Олти қисмдан иборат бу асарида автор кавказ ва самодий, фин, турк, тунгус тиллари ҳақида ёзади. Олтинчи қисмида эса Осиёнинг 23 та шимолий-шарқий диалекти ва тиллари, жумладан, ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, бошқирд, нўғой, қорачой, қўмиқ ва бошқа тиллардаги сўзлар немис тилидаги сўзлар билан қиёслаб таҳлил қилинади. Асарнинг охирида шу тил ва диалектларнинг атласи берилган. Бу асарни яратишда Клапрот қисман ўзининг Сибирь ва Кавказ сафари натижасида вужудга келган сўзлиги, қисман қўлёзма материаллардан фойдаланган. Даставвал олим бу асари билан Осиёдаги барча тилларнинг, қолаверса, жаҳон тилларининг қардошлигини исботламоқчи бўлади. Лекин у тилларнинг грамматик қурилишини қиёслаб, бу хулоса ишончли эмас, деган фикрга келади.

Ҳаётини фанга бағишлаган Юлиус фон Клапрот умрининг сўнгги йилларида ҳам кўп ишлади. 1826—1828 йилларда Парижда нашр қилинган Шарқ халқлари тарихи географияси ва филологиясига оид журналларда Клапротнинг қаламига мансуб элликкa яқин мақола эълон қилинганлиги. Унинг туркий тиллар оиласининг тарихига доир 1828 йили Парижда босилган мақоласи ҳам жуда муҳимдир.

Европа олимларининг «Бобирнома»ни таржима қилиб нашр этишлари ва унинг муаллифи ҳақидаги тадқиқотлари Бобирни ғарб мамлакатларига танитди. Бу таржималарнинг аксарияти асл нусхага асосланган учун ҳам аҳамиятлидир. Шулардан маълумки, Юлиус фон Клапрот ўз ишига зўр масъулият билан қараган ва Осиё тилларига жуда қизиққан. Ўзбек адабиёти билан немис адабиёти ўртасида муштарак манфаатлар асосида туғилган маданий ҳамкорлик

АФҒОНИСТОНЛИК ЎЗБЕКЛАР МАҚОЛЛАРИДАН

Ахтарсанг топарсан,
Қувласанг етарсан.

Ватаннинг вайронаси,
Умрнинг ғамхонаси.

Дардинг бўлса бўлсин,
Қарзинг бўлмасин.

Гапнинг оёғи бор.

Ёмон йўлдошдан таёқ яхши.

Ёмғир билан ер кўкарар.
Тинчлик билан эл кўкарар.

Касалга гап ёқмас, чарчаганга — ўйин.

Кучук томга чиқса ҳам эгасидан катта бўлмас.

Кўп юрганга эргашма, кўп билганга эргаш.

Кўпчилик қаерда бўлса, тўқчилик шу ерда.

Мардни меҳнат енголмас.

Митанинг ёмони тегирмондан бутун чиқар.

Номардга ёндашмагин,
Қўрқоққа сирдошмагин.

Олишда: «Бисмилло», беришда: «Астағфирулло!»

Олтмишга кирсанг орқангга қара.

Ошнинг таъми туз билан,
Одам таъми сўз билан.

Оқ бўлмаса бўлмасин,
Пок бўлсин.

Оқил ўчоққа боқар, аҳмоқ — қозонга.

Рост бўл, ҳокимдан қўрқма.

Туҳмат тош ёради,
Тош ёрмаса бош ёради.

Филбонга ошна бўлсанг, дарвозангни кенг қил.

Яхши сўз филни ҳам йўлга солар.

Яхшига қаро юқмас.

Юртим — кўксим, элим — илигим.

Ўзи емас, итга бермас.

Ўзим оч бўлсам ҳам, отим тўқ бўлсин.

Ўликка ўқ отма.

Ўқишнинг эрта-кечи бўлмас.

Ўғрилик молнинг баракати йўқ.

Қадр билмас қариндошдан, қадр билар ит яхши.

Қарз тилаганнинг бир юзи қора, бермаганнинг икки юзи қора.

Қиш ўтар, юз қоралиги кўмирга қолар.

Қозон қозонга айтади: «Юзинг қаро!»

Қора товуқ, оқ юмуртқа.

Халқ ҳикматлари турли табақа вакиллари дунёқарашини равшан ифодалайди. Аслида, эксплуататорлар томонидан яратилган ҳикматлар уларнинг жамиятдаги мавқеларини ҳимоя қилиш, киши кучидан фойдаланишларини имкони борича оқлаш, камбағал-бечораларни ерга уриш, камситишга қаратилган. Уларни ҳар қандай зулмга чидашга, сабр-тоқатли бўлишга ундаганлар («Сабр тоғни йиқитар», «Ғарибга арпа нон ҳам ош», «Оёғингда чориғинг сел қиласан, киссангда бир пул йўқ қизга майл қиласан», «Қулнинг ақли тушига кирибди», «Етим қизга елпиғич нима!» каби).

Аксинча камбағал-бечора халқ ўз ҳақ-ҳуқуқи, қадри учун довлашиб бойларнинг ҳақиқий башарасини очувчи, сирини фош этувчи мақол ва зарбулмасаллар яратган. Бу, «Камбағалнинг бахти бойнинг тахтини йиқитар», «Золимнинг жони азобда», «Қуруқ сўз бой қулоғига ёқмас» каби мақолларда яққол кўзга ташланади. Бироқ халқ ўзининг оғир турмушини, ночор қолган дамларини, бечорачилигини ифодаловчи бир қанча ҳикматларни ҳам яратган. Бу ҳикматларда собиқ Афғонистонда яшаган халқларнинг оғир ҳаёти, жумладан умр бўйи бой подасини боқиб қорни тўймаган, ҳатто егулигини тилаб олувчи подачи, оч-яланғоч, бечора, афтодаҳол ғариб кўз ўнгимизда намоён бўлади: «Етим айтади: пулим куйсин, рўзлик ноним куймасин», «Агар навкарга[1] яхши таом берсанг, айнакинг[2] кўп сут беради», «Очлик кўчага чиқарар, яланғочлик уйга киргизар», «Ғарибни урма, сўкма, ёқасини йирт».

«Халқ дурдоналари» китобида келтирилган жуда кўп зарбулмасал ва мақоллар мазмунан ранг-баранглиги, сайқал топган сўз дурларидан иборат эканлиги билан диққатни тортади. Китобда келтирилган ҳикматлар фақатгина биз кўриб ўтган ижтимоий, сиёсий мавзуларга бағишланган бўлмасдан, киши характери, хулқини ифодаловчи турли холатлар: хасислик ва сахийлик, оч кўзлик ва жўмардлик, андишасизлик ва илтифотлилик, эзмалик ва камгаплик каби хусусиятлардан ташқари фақат Афғонистон шароитларига мос бўлган ҳикматларни («Қорамуқ донаси бўлгунча, буғдойнинг сомони бўл», «Кар қўй икки ҳуркар», «Юртим — кўксим, элим — илигим» каби) қамраб олади.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари кандидати

---

[1] Навкар — бу ерда подачи маъносида.

[2] Айнак — инак, сигир.

ларнинг кўпчилиги Афғонистонда яшовчи халқлар дунёқарашини ифодалайди. Маълумки, Савр инқилобига қадар бу мамлакатда халқнинг асосий қисми саводсиз эди. Янги демократик халқ ҳукумати мамлакат иқтисодини тиклашга қатъий киришди, янги жамият қуриш программасининг энг ашаддий душмани — саводсизликка қарши кескин кураш очди. Ҳозир Афғонистоннинг қайси томонига борманг, хоҳ мактаб, хоҳ харротлик устахонаси, хоҳ аскарлар казармаси бўлсин, ҳамма жойда халқ фаолларининг аҳолига савод ўргатаётганига гувоҳ бўласиз. Инқилобгача ҳатто ҳарф танимаган кишилар ҳозир бемалол газета ўқимоқдалар, хат битмоқдалар. Ана шу маърифат ва маданиятга интилишни халқ томонидан яратилган мазмунли ҳикматлар, маталлар мисолида кўрамиз. Бу ҳикматларда илм олиш ҳеч вақт кеч эмаслиги, илм ўрганишга сарфланган вақт ҳеч зое кетмаслиги таъкидланиб, ҳатто тоат-ибодатдан кўра илм олиш афзал эканлигига ишора қилинади: «Ўқишнинг эрта кечи бўлмас», «Бу дунё керак бўлса — тижорат қил, ул дунё керак бўлса — муножот қил, икки дунё керак бўлса — илм ўқигин», «Бир дақиқа фикр қилиш бир минг соат ибодатдан яхшироқ».

1978 йил Савр инқилобининг ғалабаси афғонистонликлар учун Ватан тушунчасини маълум даражада ўзгартирди. Зероки, феодализм, эксплуатация исканжасида қолган собиқ Афғонистон халқ учун «умр ғамхонаси»га айланган, мамлакат маҳаллий феодаллар, шоҳлар томонидан хароб этилган эди. Шу жиҳатдан халқ «Ватаннинг вайронаси — умрнинг ғамхонаси» деган ҳикматни яратган. Савр инқилобидан кейин эса «Ватан», «Она юрт» тушунчалари янгича мазмун — шу эл, халқ, юртга муҳаббат маъноси билан бойиди. «Она юртинг — олтин бешигинг» каби ҳикматларда ана шу мазмун акс этган.

Янги давр Афғонистон халқлари учун меҳнат тушунчасининг мазмунини ҳам ўзгартирди. Аввалларни эрта тонгдан қош қорайгунча қилинган меҳнат фақат бойлар манфаатига қаратилар эди. Энди эса мамлакатда ўтказилган ер ислоҳоти туфайли деҳқон ўз ерига эга бўлди. Кишининг киши кучидан фойдаланиши манъ этилди. Эндиликда мамлакат ривожи, халқ хўжалигини кўтариш, янгидан-янги иншоотлар қуриш учун меҳнаткаш қўли, ғайрати, ҳаракати, ишбилармонлиги керак бўлиб қолди. Халқ ҳикматларида бу мавзу гоҳо очиқ баён этилса («Бир кун бурун сочсанг, ҳафта бурун ўрасан», «Одам қила олмаган иш йўқ», «Мардни меҳнат енголмас»), гоҳо сўз ўйини, ўхшатма, пинҳоний маъно орқали ифода этилган («Ахтарганинг — ҳаракатда», «Чўпон дил қилса, такадан сут олади» каби).

ва алоқалар ўтган асрлардан бошланган.

«Бобирнома»нинг немис тилидаги ҳар икки таржимасининг сифати ҳақида гапирадиган бўлсак, асар бундан 160—170 йил илгари ўгирилган эса-да, таржима анча пишиқ чиққан. Маълумки, «Бобирнома»да 1550 дан ортиқ киши ва 1030 дан кўпроқ географик жой номлари учрайди. Албатта, бу таржимонлардан жуда катта масъулият талаб этар эди. Шуни ҳам айтиш керакки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид кўпдан-кўп атамаларни батафсил шарҳлаб беришда Дублин университетининг профессори Люкас Уайт Кингнинг хизмати бениҳоя каттадир. Шарҳ ва изоҳлар, шубҳасиз, таржиманинг илмий қийматини оширади. Таржимонлар ва тадқиқотчиларнинг изланишлари, кўп йиллик меҳнатлари туфайли қўлга киритилган илмий ютуқлар қадимий ўзбек адабиётининг нодир намунаси «Бобирнома»ни ўрганиш ва тарғиб этишда қулайлик туғдиради.

Бу ютуқлар билан бир қаторда таржимоклар томонидан баъзи бир хатоликларга ҳам йўл қўйилган. Улар асл нусхадаги сўзларнинг маъносига етарли эътибор бермаганликлари натижасида ўзбеклар ва Шарқ халқлари ҳаётига хос сўзлар таржимада нотўғри ифодаланган. Масалан: «Аксар яёқ ва иликларида таёқ ва оёқларида чоруқ ва эгинларида чопон эрди» (Бобирнома», 177-бет). Мисолга келтирилган «чоруқ» ва «чопон» каби хос сўзлар таржималарда «ёғоч ковуш» ва «узун фрак, халат» деб берилган, лекин булар кўриниши, тузилиши, материали ва бошқа жиҳатлари билан бир-биридан тубдан фарқ қиладиган нарсалардир.

Ўзбекларнинг миллий чолғу асбобларидан «ғижжак» сўзи таржимада «гитара» деб берилган. Мана шу биргина нотўғри таржима туфайли китобхонларда, демак, ўзбеклар 15—16 асрларда гитара чертар экан-да, деган фикр туғилиши табиий. Бу иккала музика асбобининг оҳанги, кўриниши, тузилиши, ишлатиш услуби ва унинг усталари ҳам бутунлай бошқачадир. Худди мана шундай нуқсонларни қуйидаги сўзлар таржимасида ҳам кўрамиз: «бўғжама»—«гилам» деб, «тўшак»—«ёстиқ»; (тўн»—«устки кийим»; «боғ» (белбоғ)—«ип», «арқон» деб берилган. Асар ёзилган тилни чуқур ва мукаммал билмай, муҳит ва даврни ўрганмай, автор тасвирлаган халқнинг урф-одатлари билан яқиндан танишмасдан адекват таржима яратиш мумкин эмас.

Хусусан, «Бобирнома» таржималари Европа кутубхоналарини ўзбек адабиётига бўлган қизиқишини янада кучайтирди. Халқаро таржимонлар федерациясининг президенти марҳум Эдмон Кари таъбири билан айтганда, ҳозир биз таржима асрида яшамоқдамиз. Улуғ Октябрь революциясидан кейин маданий алоқаларимиз ғоят кенгайди. Эндиликда ўзбек адабиёти классиклари асарлари Иттифоқимиз халқлари тилларигагина эмас, хорижий тилларга ҳам кўплаб таржима қилинмоқда.

Ғулом ХЎЖАЕВ

ТАБИАТ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Бу шаклларни тошкентлик ёш инженер, ҳаваскор рассом А. Викнянский дарахт шохлари ва илдизларидан ясаган.

А. ДАВИДОВ фотолари

Наъматак

— Ойижон, «Кўпроқ туз солгин», девдингиз. сиғмаяпти-ку?

— Кел, дўкон-дўкон ўйнаймиз.
— Тарозидан уриб қолмайсанми?

— Дадам айтди, ҳисоб чиқаришни шу ерда яхши ўрганарканман.

— Ойи, бу ерда нима қуриляпти?
— Катта бўлганингда биласан.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.



— Нега тикилиб қолдингиз, холажон? Билетимиз бор!..

ШАХ МАТ

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Пиёдалар маркази

Тафаккур учун конкрет объектлар бўлмаган шароитда, бинобарин, аниқ мақсад бўлмаганда ўйин жараёни кўпинча мувозанат шиори остида ўтади ва дуранг билан тугайди. Бундай ўйинлар қизиқиш уйғотмайди.

Айтганларимизни далиллаш учун қуйидаги ўйинни кўриб чиқайлик.

К. Кламан — В. Смислов (СССР XV чемпионати).

1. d2—d4 Кg8—f6. 2. Кb1—f3 b7—b6.

Шу юришдан бошлаб марказий хоналар d5 ва e4га қаттиқ тазйиқ кўрсатувчи кенг планли ғоя назарда тутилади. Мабодо оқлар бунга айтарли қаршилик кўрсатмаса, қоралар отни e4га жойлаштириб, f7—f5 кўмагида уни мустаҳкамлаб олади. Баъзан голландча ҳимояда учрайдиган ҳолат қораларга шоҳ қанотида яхши ҳужумга ўтиш имконини беради.

3. Кb1—c3.

Оқларнинг режаси e4 хонасига қарама-қарши тазйиқ кўрсатиш ҳамда e2—e4 орқали ҳужум тайёрлашдан иборатдир. e4 ва d4 да ёнма-ён турган пиёдалар шахмат назариясида пиёдалар маркази номини олган. (Бу муҳим позициявий элемент устида кейинчалик махсус фикр юритармиз.) Ҳозирча пиёдалар маркази марказий хоналар учун бўладиган курашда энг кучли воситалардан бири эканлигини уқтириб ўтамиз. Буни кўп ҳолларда позициявий афзаллик деб ҳисоблаш мумкин. Бинобарин, пиёдалар марказини тузиш хавфи туғилса, рақиб унга қарши ҳаракатлар қилишга интилади.



3... Сc8—b7. 4. Сc1—d5.

Тўртинчи юришдаёқ тахтада қийин ва кескин вазият юзага келди.

Оқлар ўз режасини (c:f6 ва e2—e4) амалга оширишга тайёр. Қоралар бунга қаршилик кўрсатиш чорасини қидирмоқда. Пиёдалар марказига қарши курашишнинг энг қулай йўли марказий пиёдага зудлик билан ҳужум бошлашдан иборат. Айни вақтда 4... c5 яхши йўл. Агар оқлар бунга жавобан пиёдаларни алмаштирса ёки 5. e3 ўйнаса, қоралар ўз вазифасини ўтаган ҳисобланади. Бироқ оқларнинг ихтиёрида бошқача имконият —5.d5 ёки 5.C—f6 gf ёхуд 6.d5 бэрки, бу рақиб доналарини қисиб қўяди. Чамаси, бу фикрлар қораларни e2—e4га йўл қўймаслик зарурати бор, деган қарорга олиб келгандир.

4... d7—d5?

Бу юриш пиёдалар маркази вужудга келишига монелик қилса-да, ҳар қалай, жиддий стратегик хатодир. Гап шундаки, бу қоралар ўзининг иккинчи ва учинчи юриши билан мўлжалга олган ниятига мос эмас. Қораларнинг b7даги фили ўз фаоллигини йўқотади ва умуман уларнинг фарзин қанотидаги кучлари шоҳ қанотидан ажралиб қолади. Қолаверса, қоралар рақиб отини e5га суриб, бу хонани d6 ёрдамида назорат қилишдан маҳрум бўлади.

Энди оқлар рақиб рокировкасига ҳужум қилишнинг аниқ режасига эга. Навбатдаги юришларда оқлар ўз режасини ҳеч қандай қаршиликсиз амалга оширади. г5.e2—e3 e7—e6. 6. Кg3—e5 cf8—e7. 7. Cf1—b5+c7—c6. 8.Cb5—d3 c6—c5. 9. 0—0.

9. Cb5+га9... Крf8 ўйналгач, c5—c4 хавфи туфайли оқ фил тахдид остида қолади.

9... 0—0?

Бу ҳужумга айнан тутиб беришнинг ўзгинаси! Аксинча b5 хонасини назорат остига олувчи a7—a6 ўйнаб, кейин Kbd7 ёки Кc6 йўли билан марказлашган отни алмаштириш керак эди. Қоралар аниқ ҳимояланиш режасини тузмай, чамаси ўзининг хавфли вазиятини сезмаётир.

10. Фd1—f3 Кb8—c6? 11... Фf3—h3 g7—g6?

Пировардида, аҳвол оғирлашганда тактик хатога йўл қўйилди. Аниқроғи. 11... Ке5 12. de Ке4 13. Се4 de 14. Лad1 Фе8 дан кейин ҳам оқлар афзалликка эга бўларди-ю, бироқ ғалабагача ҳали узоқ. Вазиятга яхши разм солинг.

12. Cd3—a6!

Моддий устунлик келтирувчи фавқулодда юриш: 12... Фd8—c8 (12.. Са6 13. Кc6 Фе8 14. Кэ7+Фэ7 15. Фh4 Крg7 16. Ch6+ ҳам аҳволни ўзгартирмайди). 13. Ке5—c6 Фc8—c6 14. Са6—b7 Фc6—b6 15. Фh3—h4 Крg8—g7 16. Cg5—h6+.

Бироқ оқларнинг ғояси g7—g6 туфайли қораларнинг шоҳ қанотида заифлашганига асосланган. Бу табиийдир. Шу билан оқларнинг ҳужум қилиш режаси рўёбга чиққан кўринади.

Тахтага теринг:

Оқлар: Крg1, Фа3, Ла7, Cf1, Ch2, Кc3, Кf3, пиёдалар — g4, c5, d4, f2, g2, h3 (13).

Қоралар: Крh8, Фc8, Ле8, Сэ7, Cf7, Kb8, Кd7, пиёдалар —b5, c6, d5, f6, g6, h7 (13).

Бу вазият оқларнинг рақиби исканжада қолганлигидан далолат. Афзалликни моддий ёки яхлит устунликка айлантиришнинг бир неча йўллари бор. Ўша вариантларни топишга уриниб кўринг.



КРОССВОРД

Энига. 1. Транспорт воситаси. 5. Ҳиндистондаги шаҳар. 6. Суюқлик ўлчов идиши. 9. Қуш. 12. Металл. 13. Атоқли шарқшунос. 14. Вазн. 17. Ҳашарот. 18. Сабзавот. 19. Миллат. 21. Кўкат. 24. Санъат тури. 25. Ўзбекистондаги район. 26. Қотишма. 29. «Осиё устида бўрон» фильми қаҳрамони. 31. Муайян сон даража кўрсаткичи. 33. Тропик мева. 34. Оптик асбоб.

Бўйига: 1. Полиз экини. 2. Ўзбек совет ёзувчиси. 3. Тўшаладиган буюм. 4 Мукофот. 6. Машиналаштириш. 7. Инерт газ. 8. Ичимлик. 9. Жонивор. 10. Томон. 11. Ўзбек шоираси. 15. Ёғин. 16. Ёввойи ўсимлик. 20. Спорт тури. 21. Табиат ҳодисаси. 22. Қароргоҳ. 23. Йиртқич ҳайвон. 27. Африкадаги давлат. 28. Рўзғор буюми. 30. Миллий таом. 32. Босма усули.

Тузувчи **Б. ШАҲРИЁРОВА**

Марғилон.

5-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига. 1. Самбо. 3. Мақом. 5. Пўлат. 7. Гейне. 8. Норка. 12. Болта. 13. Арава. 14. «Искра». 15. Димлама. 17. Атакама. 20. Олтингугурт. 23. Аҳмаров. 25. Отқулоқ. 26. Кўлоб. 28. Доира. 29. Бодом. 31. Зебра. 32. Қудуқ. 33. Нўхат. 34. Дурра. 35. Обаки.

Бўйига. 1. Сароб. 2. Опера. 3. Манзара. 4. Муомала. 5. Пакки. 6. Тайга. 9. Олимп. 10. Картография. 11. Акрам. 15. Даста. 16. Адлер. 18. Ажриқ. 19. Ахлоқ. 21. Эмаль. 22. Слюда. 24. Водород. 25. Олабуга. 26. Кўкан. 27. Брест. 29. Бруно. 30. Мўнди.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, ЎзССР Олий Советининг депутати, КПСС XXVI съезди делегати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати **Турсуной Охунова** қизи **Ҳилола** билан. (1-бетдаги «Орзудан ўзган воқелик» очеркини ўқинг.)

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси

Тўртинчи бет: 1. Она табиат бағрида. 2. Тетапоя.

Н. ШАРИПОВ ва **Б. МИЗРОХИН** фотоэтюдлари

1



3

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

1. Лолаларим сизга, онажон! 2. Қувонч. 3. Мен суратқаш бўламан. 4. Яйраб учинг, момоқаймоқлар! 5. Рубобларни севаман. 6. Орзулар қанотида. 7. Мунча иссиқ меҳрингиз! 8. Чин ўртоқ.

Р. АЛЬБЕКОВ, Т. РЎЗИЕВ, А. АБАЛЯН ва **А. ГЕРАСИМОВ** фотолари

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Чингиз АҲМАРОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Асқад МУХТОР, Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Исломиддин ҲАЙДАРОВ

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор **А. САИДУМАРОВ**

Корректор **Н. ЮЛДОШЕВА**

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 23.04.81 й. Босишга рухсат этилди 22.05.81 й. Р—07146. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 267210. Буюртма 734. Нашр А — 113.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



2

4



5

6



7

8



ISSN 0134—2207
Баҳоси 30 тийин
Индекс 75233